

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЙ АТАМАЛАР ВА ИШ ЮРИТИШ

Маъруза матни

ТОШКЕНТ-2005

“Иқтисодий атамалар ва иш юритиш” фани маъруза матни

-Т.: ТМИ, 2005. - 106 бет

Аннотация: “Иқтисодий атамалар ва иш юритиш” - иқтисодиёт тили ва терминологиясининг муаммоларини қамраб олган. Ўзбек иқтисодий терминологиясининг тарихи, шаклланиши, бойиш манбалари, иқтисодий терминларни қабул қилиш ва тартибга солиш йўллари, иш юритиш ва ҳужжатларни тўғри йўлга қўйиш масалалари ўқув қўлланмада ўз ифодасини топган. Шунингдек ўзбек тилининг янги алифбоси - лотин алифбоси ҳамда имло қоидалари ҳақида ҳам маълумот берилган.

Ўқув қўлланма “Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия етилган. “28” август 2005 й. 1- сон мажлис баёни.

**“Ўзбек ва рус тиллари”
кафедраси мудир:**

Н. Хусанов

Ўқув қўлланма Тошкент Молия институти қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия етилган.
“ ” 2005 й. сон мажлис баёни.

**Ректорнинг ўқув ишлар
бўйича муовини:**

А.Ваҳобов

Муаллифлар: филология фанлари доктори,
профессор Н.Хусанов
филология фанлари номзоди,
доцент З. Мираҳмедова

Тақризчилар: филология фанлари доктори,
профессор Е. Бегматов,
филология фанлари номзоди,
доцент Ў. Лафасов.

Тошкент Молия институти, 2005

Кириш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка еришганига 13 йил бўлди. Ўтган давр мобайнида Республикамизда маънавий-маърифий, ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳаларда қатор ислоҳотлар ўтказилди “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Миллий дастур”нинг қабул қилиниши таълим тизимида жиддий ислоҳотларни бошланишига асос бўлди. Тошкент Молия институтида малакали ва билимдон иқтисодчиларни тайёрлаш мақсадида ўқув дастурларига бир қатор янги фанлар киритилди. “Иқтисодий атамалар ва иш юритиш” ана шундай янги фанлардан биридир. “Иқтисодий атамалар ва иш юритиш” иқтисодиёт тили ва иқтисодиёт терминологиясига бағишланган янги фандир. Зеро, шу кунга қадар бу фан бирорта олий ўқув юртида ўқув дастурига киритилмаган еди. Ҳолбуки, Тошкент Молия институтида “Иқтисодий атамалар ва иш юритиш” фанидан 2000 йилдан буён талабаларга сабоқ берилади.

Мазкур маърузалар бир-бирига узвий боғланган мавзуларни қамраб олган. Маърузаларда янги ўзбек ёзуви ва имло қоидалари, иқтисодиёт тили ва терминологияси, иқтисодиёт терминологиясининг шаклланиш тарихи ва бойиш манбалари, терминларни қўллаш мезони ва тартибга солиш масалалари, иқтисодиёт тилининг услуби, иқтисодий терминология ва иш юритиш муаммолари ўз ифодасини топган. Давр талабидан келиб чиқиб қўлланмада иқтисодиёт терминологиясига кенгроқ ўрин ажратилди.

“Иқтисодий атамалар ва иш юритиш” илк бор чоп етилаётгани учун маъруза камчиликлардан холи емас. Муаллифлар маъруза юзасидан билдирилган фикр ва тилакларни мамнуният билан қабул қиладилар.

1-мавзу: Фаннинг мазмуни ва вазифалари

РЕЖА:

1. Фаннинг мақсади ва вазифаси
2. Ёзув ва тил
3. Ўзбек ёзувлари тарихи

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1996 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида” (янги таҳрирда)ги Қонунни бажариш тадбирлари тўғрисида 267-сонли буйруқ чиқарди. Унда ўқув юртларида ходимлар ва талабалар учун “Давлат тилида иш юритиш, ҳужжатчилик ва атамашунослик” курсларини 1997 йилдан еътиборан доимий равишда ташкил етиш қатъий қилиб қўйилган, ТМИ ректори юқорида қайд етилган кўрсатмадан келиб чиқиб ходимлар ва талабалар учун мутахассислик тили фанидан 36 соатлик назарий ва амалий машғулотлар ўтишни ташкил етиш тўғрисида буйруқ чиқарди.

Юқорида қайд етилган буйруқлар асосида ўқув жараёнига тадбиқ етилаётган мазкур фан “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қуйидаги моддаларига таянади:

7-модда. Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя етилади.

Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан, унга ҳамма еътироф қилинган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий етиш ҳисобига таъминлайди. Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий етилади.

9-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади ва заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши талаб қилинади.

10-модда. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилади, ишловчиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам оширилиши мумкин.

Маълумки, бошланғич ташкилотлардан тортиб давлатнинг олий органларигача ҳужжатларга таяниб иш юритади. Юқорида таъкидланганидек, яқин вақтларгача ҳужжатларнинг аксарияти рус тилида расмийлаштирилар еди. Ўзбек тилида айрим ҳужжатларгина юритилар, улар ҳам рус тилидаги ҳужжатлар андозасига асосланар еди. Ендиликда республикамиздаги барча корхоналарда юритиладиган ҳужжатларни ўзбек тили қонун-қоидаларига мос равишда расмийлаштирилишига еришишдек улкан вазифа ҳаммамизнинг олдимизда турибди.

Корхоналарда иш қоғозларини давлат тилида юритишга ўтиш қийинчилик билан кечмоқда. Бунинг сабабларидан бири давлат тилида иш юритиш бўйича тегишли қўлланмалар, услубий ишларнинг камлиги бўлса, иккинчиси, бу соҳада ҳали мутахассислар тайёрлашга киришилмаганлиги, ишлаб турган мутахассис ходимларнинг ҳужжатчилик бўйича малакасини ошириш борасида етарлича иш қилинмаётганидир .

Шу боис, иш қоғозлари юритиш бўйича дастлабки билимлар мактабда ўргатилиши лозим. Чунки ўрта мактабни ёки лицейни тугатган ҳар бир киши маълумоти тўғрисидаги ҳужжатни қўлига олгач мустақил ҳаётга кадам қўяди. Ана шу даврдан бошлаб улар иш қоғозлари билан ҳар кадамда дуч кела бошлайдилар. Ишга кириш учун, ўқув юртига ҳужжат топшириш учун, меҳнат таътили олиш учун, ишдан бўшаш учун ариза ёзиш, меҳнат таътилидан қайтганлиги тўғрисида билдиришнома ёзиш, йўл қўйилган хато-камчилик ёки ножўя хатти-ҳаракат учун тушунтириш хати ёзиш, бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот ёзиш, етказилган моддий, маънавий ёки жисмоний зарар учун даъво аризаси ёки шикоят хати ёзиш ва ҳоказо. Баъзан мана шундай ҳужжатларни нафақат ўрта маълумотли

мутахассислар, баъзан олий маълумотли малакали мутахассисларимиз ҳам тўғри ёза олмайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка еришиб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган бугунги кунда дунё андозалари даражасидаги билимдон, зукко, ҳар томонлама етук иқтисодчи мутахассис кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб етмоқда. Бу еса таълим андозаларига янги, замонавий фанларни киритиш орқали амалга оширилади.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент Молия институтида иқтисодчи-бакалаврларга “Иқтисодий атамалар ва иш юритиш” маъруза матни киритилди. Бу фанни ўқитишдан мақсад бакалаврда иқтисодий тил, иқтисодий атамашунослик, иқтисодий нутқ асосларини шакллантиришдан иборатдир.

Шунга кўра институт талабалари учун “Иқтисодий атамалар ва иш юритиш” курсининг киритилиши мақсадга мувофиқ иш бўлди.

Мазкур маъруза матни талабаларга ҳужжатлар, уларнинг турлари, ҳар бир ҳужжатда акс етиши лозим бўлган маълумотлар, ахборотлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаётимизга оид ҳамда ўрганаётган мутахассисликларига доир терминлар, уларни танлашдаги ўзига хос хусусиятларни ўргатиш учун мўлжалланган.

“Иқтисодий атамалар ва иш юритиш” фани иқтисодий назария ва иқтисодий фанининг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бакалавр ўз мутахассислик фанлари билан бир қаторда иқтисод тили ва услуби, иқтисодий терминология ва атамашунослик, иш юритиш ва ҳужжатчилик тўғрисида мукамал билимга ега бўлмасдан туриб, ўз фикрини иқтисод соҳасига қўйиладиган талаблар асосида аниқ ва равшан ифода ета олмайди. Шунга кўра бўлажак иқтисодчилар иқтисод тилининг ўзига хос хусусиятларидан пухта хабардор бўлмоғи лозим. Бакалаврлар ўз ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон иқтисодини юксалтиришга, уни жаҳонда муносиб ўрин егаллашига ҳисса қўшади, чет мамлакатларда ва юртимизда давлатимиз манфаатини ҳимоя қилади, куч-қудратини намойиш этади. Шунга кўра бўлажак иқтисодчилар давлат тили-ўзбек тилини мукамал, аниқ ва равшан егаллашлари шарт. Шунинг учун дастурда иқтисодий тил билимларига алоҳида урғу берилди.

Мазкур ўқув курсининг ўқитилиши муайян амалий йўналишга ега бўлиб, бакалавр иқтисод тили бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни, ўз оид соҳасига сўзларни ва ҳужжатларни тўғри ёзиш малакасини ҳосил қилишни кўзда тутди. Шундан келиб чиққан ҳолда “Иқтисодий атамалар ва иш юритиш” маъруза матнини ўқитишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- талабаларда ўз мутахассислигининг тили бўйича тегишли билимларни ҳосил қилиш;
- иқтисодиётга оид тушунча сўз, атама (термин)лар ўз ўрнида ва тўғри қўллаш, таллафузни шакллантириш;
- ўз соҳасига доир ҳужжатларни мукамал тузиш малакасини ҳосил етиш.

Дастур икки бўлимдан иборат бўлиб, 7 мавзунини ўз ичига олади. Уларни ўрганиш учун 44 соат ажратилган бўлиб, шундан 22 соати маърузаларга, 22 соати амалий машғулотларга мўлжалланган. Талабалар жорий, оралик, якуний назоратларни топширадилар. Максималл балл-64, саралаш балл-34.

Талабалар жорий, оралик, якуний назоратларни оғзаки ва ёзма шаклда топширадилар.

Инсоният тарихи жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Ёзув ва тилнинг тарихи ҳам инсоният билан боғлиқ равишда қадимий даврлардан бошланади. Инсон онгли ҳаёт кечира бошлагандан сўнг ҳаётини зарурият сифатида тил ва ёзув шаклланган. Олимлар тил ва ёзув ўртасидаги муносабатни турлича талқин етишади: баъзилари тилни бирламчи дейишса, бошқалари ёзувни олға суришади. Бу икки қарашнинг ҳар бирида ҳам етарлича исбот ва далиллар мавжуд. Ёзувни бирламчи деб ҳисобловчилар қуйидагича исбот келтиришади:

Ёзув жуда қадимийдир ва вақт жиҳатидан чегараланмаган. Зеро, Хоразмийнинг, Ибн Синонинг, Навоийнинг асарлари ёзувда акс етгани учун ҳам шу кунгача сақланган.

Ёзув макон ва худуд жиҳатидан чексиздир. Масалан, ўзга юртда яшаётган танишимизнинг ҳол-аҳволи ҳақидаги маълумотни унинг мактуби орқали билиб оламиз.

Ёзув кўриниб турувчи далилий ашёдир.

Тилни бирламчи ҳисобловчилар еса қуйидагиларни олға суришади:

Тил ёзувга нисбатан олдин шаклланган ва пайдо бўлган.

Тилнинг кишилиқ жамиятида таъсир кучи ниҳоятда катта. Масалан, нотикларнинг нутқларини жамоатчиликка таъсирини текшириб кўрайлик.

Тил яъни нутқ учун зарурий қурол-аслаҳа талаб қилинмайди. Ҳолбуки, ёзув учун қалам, қоғоз, ёруғлик талаб етилади.

Ҳар икки қараш аслида асослидек туюлса-да, ёзув ва тил ўртасидаги узвий алоқа назардан соқит қилинган. Чунки, тил ёзувнинг шаклланишига, ёзув еса тилнинг ривожланишига асос бўлади. Бу ўринда гунг-соқовларнинг сўзлашиш тилини еслатиб ўтиш кифоядир.

Ёзув инсон тафаккурининг енг олий меваларидан бири ҳисобланади. Ёзув орқали биз аждодларимизнинг маънавий дурдоналаридан баҳраманд бўлиш билан бир қаторда, ўзимиз яратаётган маънавий бойликларимизни келажак авлодларга қолдирамыз.

Ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихий тараққиёти давомида бир қанча ёзувлардан фойдаланиб келди. Милоддан олдинги асрлардан оқ аждодларимиз ўз тарихини, бадий ва илмий ижодини тарихий шароитдан келиб чиққан ҳолда турли ёзувларда битиб қолдирганлар.

Марказий Осиё енг қадимги маданият ва маърифат ўчоқларидан биридир. Бу территорияда яшаган халқлар жуда қадимдан ёзув маданиятига ега бўлганлар. Археологик текширишлар Хоразмда яшаган халқлар ерамизнинг бошларидаёқ (ИИИ аср) анча ривожланган ёзув системасига ега еканликларини исботлаб берди. Тожикистон территориясидаги Муғ тоғида (Зарафшон дарёсининг чап қирғоғида) қазув ишлари (1933 йил) ВИИИ асрда суғд ёзувида битилган қимматли ҳужжатларни қўлга киритди. Бундан ташқари, Сибирда, Мўғулистонда, Қозоғистон ва Марказий Осиёнинг турли жойларида икки хил турк ёзуви ёдгорликлари топилди. Бу ёзув ёдгорликлари, кейин аниқланишича, қадимги турк ва қадимги уйғур ёзув ёдгорликлари бўлиб чиқди.

Бу ёзувларнинг аҳамияти жуда каттадир. Турк халқларининг тарихи учун ҳам, турк тиллари тарихи учун ҳам бу ёдгорликлар ғоят қимматлидир. Шу билан бирга бу ёзувларнинг этнографик аҳамияти ҳам бордир. Қадим замонларда турк хоқонларининг қабрига ўлган кишининг таржимаи холи, қилган ишлари, олиб борган урушларини акс еттирувчи битик тошлар қўяр еканлар. Шунингдек, бу ёзувлар қадимги турк давлатининг қурилиши, ижтимоий тузуми ҳақида ҳам анча яхши тасаввур беради.

Қадимги турк ёзуви ёдгорликлари дастлаб Енасой ва Ўрхун (Шимолий Мўғулистон) дарёлари бўйларида топилганлиги учун уларни Ўрхун-Енасой ёзувлари деб атадилар. Кейинчалик бу ёзувлар Ҷарбий-Европа руна ёзувларига ўхшаш бўлганлиги учун уларни руник ёзувлар номи билан ҳам юргиздилар.

Руник ёзувлар (“Ўрхун-Енасой” ёзувлари) алфавит (фонетик) ёзувнинг анча такомиллашган туридир. Бу ёзувларда тилда мавжуд бўлган ҳар бир товуш учун махсус белги қўлланган. 28 товушни ифода етиш учун алоҳида белгилар олинган. Шу жумладан тўртта белги унли товушлар учун (а-а^ˊ, и-и, ў-у, о-у) ишлатилган. Бундан ташқари, тил олди ва тил орқа (юмшоқ-қаттик) д, й, л, н, қ, с, т, р товушлари учун ҳар бирига алоҳида-алоҳида белгилар (16 ҳарф) ишлатилган; шунингдек, (лт, нт, нч) товуш бирикмалари учун ҳам алоҳида белгилар олинган. Бундан ташқари, кўпгина товушларнинг ифодаси бир неча шаклга ега бўлган. Шундай қилиб, руник ёзувларда ҳаммаси бўлиб 72 белги қўлланган.

ХИХ аср охирларида, руник ёзувлардан ташқари, Шарқий Туркистонда уйғур ёзуви ёдгорликлари ҳам топилган, кейинроқ уйғур ёзуви ёдгорликлари ҳам Марказий Осиё территориясида топилди. X-XV асрларда яратилган бу ёдгорликларнинг кўпчилиги ески ўзбек тилида ёзилган. Қадимги уйғур ёзувида битилган ёдгорликларнинг енг ескиси Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қудадғу билиқ” асаридир (“Вена нусхаси”). Аҳмад Югнакийнинг

“Ҳибатул-хақойик” асари, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”си, “Меърожнома” (ХИВ аср), Лутфий ва бошқа шоирларнинг айрим шеърлари, Тўхтамишхон ва Темур Қутлуғнинг ёрлиқлари мана шу уйғур алифбосида битилган.

ВИИИ асрда араблар Марказий Осиёни истило қилдилар. Араблар келгандан кейин бу ерда ислом дини тарқала бошлади. Ислом дини билан бирга аста-секин араб ёзуви ҳам тарқалди.

Маълум тарихий сабабларга кўра, араб алфавити Марказий Осиё халқларининг ёзувларини аста-секин сиқиб чиқарди. Лекин бир қанча асрлар давомида араб ёзуви билан бирга Марказий Осиё халқларининг (турк халқлари ва тожикларнинг) ёзувлари ҳам ишлатилганлиги маълум. Бизнинг давримизгача етиб келган “Қутадғу билик” (ХИ аср), “Ҳибатул-хақойик” (ХИИ аср) асарларигина эмас, балки ХИВ-ХВ асрларда яратилган айрим ёдгорликларнинг ҳам уйғур ёзувида битилганлиги, ҳатто “Олтун ёруғ” ёдгорлигининг ХВИИ аср охирларида ёзилганлиги уйғур алфавитининг жуда узоқ даврларгача сақланиб келганидан дарак беради.

Қандай бўлмасин, араб ёзуви маҳаллий халқларнинг тилига мос келиши-келмаслигидан қатъи назар, ислом дини кирган жойларда кенг тарқалган.

Араб ёзувида битилган енг ески турк тиллари ёдгорлиги (“Қутағду билик”нинг уч нусхасидан иккитаси, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асари) ХИ асрга тааллуқлидир. Ўзбек халқи бунёдга келгандан бери яратилган ёдгорликларнинг деярли ҳаммаси мана шу араб алфавитидадир.

Ўзбек халқи тарихида яратилган жуда кўп ёдгорликларни ҳар томонлама ўрганиш, умуман, халқимиз маданиятини, адабиётини, тарихини ўрганиш учун араб ёзувини билишимиз зарур бўлади.

Араб графикаси асосидаги ёзув халқимизнинг минг йиллик тарихи давомида қўлланиб келди ва 1930 йилдагина лотин алифбеси билан алмаштирилди. 1940 йилда еса рус алифбосига ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киртгандан сўнг ўзбек тилининг товушлар тизими, оҳангдорлиги ва жилосини тўла ифодалай оладиган ёзувга-алифбога ўтиш зарурияти туғилди.

1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши “Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий етиш тўғрисида” Қонун қабул қилди. Бу алифбо 31 ҳарф ва И тутуқ белгиси (апостроф) дан иборат етиб белгиланди. Янги алифбодаги баъзи ҳарфлар жаҳон алоқа-аралашув (коммуникация) тизимида киришимизда маълум қийинчиликлар туғдириш мумкинлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 6 майда “Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий етиш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорга биноан, лотин ёзувида асосланган янги ўзбек алифбоси 26 ҳарф ва 3 ҳарфлар бирикмасидан иборат етиб белгиланди. Янги алифбо асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сонли қарорига илова тарзида “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари” тасдиқланиб, унли ҳарфлар билан товушлар мутаносиблиги, асос ва қўшимчалар имлоси, қўшиб ёзиш, чизикча билан ёзиш, ажратиб ёзиш, бош ҳарфлар имлоси, кўчириш қоидалари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1996 йил 30 декабрдаги 302-сонли буйруғидан келиб чиқиб, Тошкент Молия институти 1-курс талабаларига “Иқтисодий атамалар ва иш юритиш” фани Ўзбек алифбоси-Лотин алифбосида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувида асосланган - Ўзбек алифбосини жорий етиш тўғрисида”ги 1995 йил 24 августда 339-сонли қарор билан “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари”ни тасдиқлади. Бу имло қоидалари 1956 йил 4 апрелдаги “Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари”дан тубдан фарқ қилади. Жумладан, товуш - ҳарф муносабатига бағишланган қисм қайта ёзилган, морфологик тамойилга асосланиш нисбатан ортган: -гин, -гина қўшимчалари уч хил ёзилиши қоидалаштирилган; жуфт сўз қисмлари орасида -у (-ю)

боғловчиси келса, ундан олдин чизикча қўйиладиган бўлган; тартиб сон араб рақамлари билан ёзилга, -нчи қўшимчаси ўрнига чизикча (-) қўйилиши йил ва ойларни кўрсатувчи арабча рақамларга ҳам татбиқ етилган ва бошқалар. Иккинчи қисми турдош от бўлган географик номлар (Қоратоғ), сифат ва атоқли отлардан тузилган географик номлар (Шимолий Кавказ) ёзилиши каби айрим қоидалар анча ихчамлашган. Парво, обро, мавқе, мавзу, авзо сўзларига егалик қўшимчалари қўшилишидаги ҳолат алоҳида изоҳланган; мен, сен олмошларига -ни, нинг, -ники қўшимчалари қўшилганда қўшимчадаги н товуши айтилмаслиги ва ёзилмаслиги аниқ қилиб тушунтирилган ва ҳоказолар.

“Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари” қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

ҳарфлар имлоси (унлилар ва ундошлар);

асос ва қўшимчалар имлоси;

қўшиб ёзиш;

чизикча билан ёзиш;

ажратиб ёзиш;

бош ҳарфлар имлоси;

кўчириш қоидалари.

“Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси” 26 ҳарф ва 3та ҳарфий бирикмадан иборат.

**1993 йил 2 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 6 майда
ўзгаришлар киритилган ўзбек алифбоси**

ЯНГИ АЛИФБО

Босма	Ёзма	Ҳарф номи	Босма	Ёзма	Ҳарф номи
Аа	Аа	а	Ққ	Ққ	қе
Бб	Бб	бе	Рр	Рр	ер
Дд	Дд	де	Сс	Сс	ес
Ее	Ее	е	Тт	Тт	те
Фф	Фф	еф	Уу	Уу	у
Гг	Гг	ге	Вв	Вв	ве
Ҳх	Ҳх	хе	Хх	Хх	хе
Ии	Ии	и	Йй	Йй	йе
Жж	Жж	же	Зз	Зз	зе
Кк	Кк	ке	Ў ў	О о	ў
Лл	Лл	ел	Ғғ	Гг	ғе
Мм	Мм	ем	Ш ш	Ш ш	ше
Нн	Нн	ен	Ч ч	Ч ч	че
Оо	Оо	о	Нг нг	Нг нг	нге
Пп	Пп	пе			

Таянч сўз ва иборалар:

1. Ёзув.
2. Тил-ижтимоий ҳодиса.
3. Хужжатларнинг аҳамияти.
4. Хужжат турлари.
5. Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг 2-моддаси.
6. Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг 9-моддаси.
7. Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг 10-моддаси.
8. Иқтисодиёт ва мутахассислик.
9. “Иқтисодий атамалар ва иш юритиш” фани.
10. Алифбо.
11. Ўзбек алифбоси ва лотин ёзуви.
12. Ҳарф.
13. Товуш.
14. Имло қоидалари.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ёзувларнинг яратилиш сабаблари нимада?
2. Ўзбек ёзувлари тарихи қачондан бошланган?
3. Шўро даврида ёзув ва тилнинг ҳолати қандай бўлган?
4. “Давлат тили тўғрисидаги қонун” ни биласизми?
5. Қонунда иш юритиш ва хужжатлар нечанчи моддада акс етган?
6. Фаннинг мақсади нима?
7. Фаннинг вазифасичи?
8. Фан қайси фанлар билан узвий алоқада?

2-мавзу: Иқтисодиёт терминологияси

РЕЖА:

1. Тил ва терминология
2. Термин тушунчаси ва унинг ўзбек тилшунослигида тутган ўрни
3. Иқтисодиёт терминологияси ва унинг ўзбек тилига кириб келиш манбалари

Республикаимиз ўз мустақиллигига, она тилимиз еса Давлат тили мақомига еришган бугунги кунда турли фанлар, жумладан, ўзбек тилшунослиги олдида янгидан-янги вазифалар кўндаланг бўлмоқда.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳамда илмий-техник туб ўзгаришлар даврида янги-янги фанлар ва тушунчалар юзага келмоқда. Жумладан, ўзбек тилида ҳам янги терминлар пайдо бўлмоқда, илгаридан ишлатиб келинган қатор лексемалар янги маънолар касб етмоқда. Шу боисдан лексикология, хусусан, терминология олдида қатор муҳим масалаларни ечиш вазифаси турибди.

Сўнги йилларда ва бугунги кунда терминологиянинг амалий ва назарий масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш, терминлар яратиш ва уларни қўллашни тил қонуниятлари асосида тартибга солиш давлат аҳамиятига молик муаммога айланди. Шунинг учун она тилимизнинг турли терминологик тизимларини янада теранроқ тадқиқ етиш, уларни терминологиянинг хилма-хил масалалари бўйича атрофлича тадқиқ қилиш, бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Қайд етиш лозимки, ўзбек тилшунослигида У.Турсунов, С.Иброҳимов, Ш.Шоабдурахмонов, О.Усмонов, Н.Маматов, Х.Жамолхонов, Н.Қосимов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов каби юзлаб олимларнинг монография, диссертация ва луғатлари, кўплаб мақолалари юзага келган. Шунга қарамай, яна қатор терминологик тизимлар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Инглиз, рус ва ўзбек тиллари иқтисодиёт терминологияси қиёсий планда ўрганилганлиги учун ўзбек тилининг мазкур терминологик тизими ўзининг тўлиқ ифодасини топа олгани йўқ. Бунинг устига ишнинг тадқиқ объекти ҳам анча чегараланган. Шулардан бири ўзбек тилининг иқтисодиёт терминологиясидир. Тўғри, мазкур тизим Ж.Дўстмухамедовнинг номзодлик диссертациясида озми-кўпми, тадқиқот объекти қилиб олинган.

Ҳозирги шароитда ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида янгича фикр юритилмоқда. Жумладан, янгича фикрлаш тамойили ижтимоий фанларни тўла қамраб олди, чунки унинг оқибати жамиятда инсон ҳаётига, келажак тараққиётига, уни қамраб олган оламга тегишлидир. Шунинг учун ҳам кишилар, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда биринчи ўринда ижтимоий алоқалар илгари сурилмоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида келажак равнақи учун, албатта, ўз ички ва ташқи сиёсатида ва иқтисодий алоқаларида ҳам мустақил бўлиши лозим.

Республикаимиз мустақил деб еълон қилингандан кейин, бу соҳадаги аҳвол бутунлай ўзгарди. Ташқи иқтисодий алоқалар янада ривожланиб кетди. Дунёнинг жуда кўп мамлакатлари билан хилма-хил алоқаларга кенг йўл очилди. Бу омиллар ўзбек тилида янги-янги терминларни пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу янги терминлар сирасида иқтисодий терминологик тизим ҳам ўзига хос ўринни егаллаб келмоқда. Шу боисдан фан ва техника тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодий терминларни ҳам тилшунослик нуқтаи назардан тадқиқ етиш муҳим аҳамият касб етади. Амалий, айниқса, назарий масалаларни ҳал етиш учун иқтисодий терминлар тизимини, уларнинг ясаиш қонунларини, шаклланиш манбаларини, умумтилда қўлланиш доирасини, мазкур тизимда рўй бераётган камчиликларни ва уларни бартараф етиш йўллари аниқлаш каби қатор масалаларини ўрганиш зарурияти пайдо бўлди.

Фаннинг яна бир мақсади ҳозирги ўзбек тилида қўлланиб келинаётган иқтисодий терминларни тўплаш ва системалаштиришдан ҳам иборатдир.

Ҳозирги босқичда, яъни юқори савиядаги илмий-техник инқилоб даврида ишлаб чиқариш, фан ва техниканинг барча соҳаларида янгидан-янги нарса, предметлар ва тушунчалар пайдо бўла бошлади. Бу ҳол тил луғат таркибининг салмоқли равишда бойишига олиб келмоқда. Бинобарин, термин муаммоси ҳозирги лексикологиянинг, асосий масалаларидан бири бўлиб қолди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, термин ҳамда терминологиянинг у ёки бу масаласини ҳал етиш нафақат ишлаб чиқариш, фан ва техниканинг тегишли соҳалари учун эмас, балки тилшунослик учун ҳам катта аҳамиятга егадир.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгунга қадар ва у амал қила бошлангандан кейин қатор-қатор матбуот ходимлари, ҳатто айрим тилшунослар Давлат тили ҳақидаги қонунни тўлиқ жорий етиш ўрнига, унинг айрим бандларига деярли еътибор бермай, кўпдан буён қўлланиб келинаётган ва омма нутқига сингиб кетган кўплаб терминларни, уларнинг ички мазмунини ўрганмай туриб, янгидан нотўғри ҳосил қилинган лексемалар билан алмаштира бошлашди. Ҳатто “термин”, “терминология” кабилар “атама”, “атамашунослик” лексемалари билан алмаштириб қўлланадиган бўлди. Бинобарин, “атама”, “атамашунослик” каби тушунчалар умумхарактерда бўлганлиги еътиборга олинмади. Чунки, “атама” дейилганда терминологияга мутлақо алоқаси бўлмаган ономастика (топонимия, антропономия, ойконимия кабилар)га алоқадор лексик бирликлар ҳам тушунилади.

Шунга кўра, ишимизда аввалдан исътемолда бўлган байналмилал “термин” ва “терминология” лексемаларини қўллашни лозим деб топдик.

Гарчи, чет ел ва умуман, шўро тилшунослигида термин назарий жиҳатдан нисбатан тўлиқроқ ўрганилган бўлса ҳам унинг таърифи, термин ва термин бўлмаган сўзларнинг бири-биридан фарқланувчи белгилари, терминнинг таркиби (унинг нечта элементдан иборат бўлиши сингари масалалар) ҳали охиригача ўрганилган ва ҳал қилинган, дея олмаймиз. Бу ҳол тўлалигича ўзбек тилшунослиги ва терминологиясига ҳам тааллуқлидир.

“Термин” тушунчасига юкланган мазмун қуйидагича белгиларга асосланадики, булар терминларни умумистеъмолдаги сўздан фарқлаш учун етарли, деб ўйлаймиз:

1) термин-умумадабий тилнинг махсус вазифа бажарувчи бир тури бўлмиш ишлаб чиқариш, фан ва техника тилига мансуб лисоний birlik, бир сўз ёки бирикмадир;

2) термин-конкрет нарса-предмет, ашё, мавҳум тушунчаларнинг махсуслаштирилган номидир;

3) термин учун муайян таъриф (дефиниция) зарурийдирки, унинг ёрдамида тегишли тушунча мазмунини аниқроқ ифодалаш, тушунчанинг бирини иккинчисидан чегаралаб ажратиш имконини берувчи, айти маҳалда маълум тушунчани муайян таснифий қаторга жойлаштиришга йўл қўювчи, фарқловчи белгиларини равшанроқ кўрсатиш мумкин.

Демак, терминология муайян фаннинг тушунчалар тизими билан ўзаро муносабатда бўлган терминлар жами сифатида таърифланади. Ҳар қандай тушунчалар тизимига муайян терминлар тизими тўғри келади. Терминологик тизимлар фан тараққиёти билан биргаликда ривожланиб боради. Терминлар умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли равишда жорий қилиниб уларнинг қўлланиши маълум даражада назорат остида бўлади. “Терминлар пайдо бўлиб қолмайди”, аксинча, уларнинг зарурияти англандан ҳолда “ўйлаб топилади”, “ижод қилинади”. Шунингдек, оддий сўздан фарқли равишда, терминнинг маъноси контекстга боғлиқ бўлмайди, муайян лексема терминологик маъносида ва ўз терминологик майдонида қўлланар экан, айти маъно сақланиб қолаверади. Бироқ кўп маъноли терминларнинг аниқ маъносини ажратиш олиш учун контекстнинг зарурлиги шубҳа туғдирмайди.

Юқорида терминшуносларнинг терминнинг асосий вазифаси ва хусусияти ҳақидаги, яъни терминларнинг номинативлиги ёки дефинитивлиги ҳақидаги фикрини келтирдик.

Терминологик бирикмаларнинг кўп лексемалилиги, яъни улар компонентларининг сони нечтагача бўлиши кейинги йилларда терминшуносларнинг диққат-еътиборини жалб етиб келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда миқдоран ортиб бораётган кўп компонентли бирикма терминлар тушунча мазмунини тўлароқ ифодалашга хизмат қилса-да, уларни амалда қўллаш ва еса сақлаб қолиш анча ноқулайдир. Аслини олганда, бундай терминлар икки, нари борса уч, тўрт компонентдан иборат бўлиши лозимки, натижада, бирикма терминларнинг компонентлари, тегишли белгиларни тўлароқ акс еттириш мақсадида, аниқловчилар, сифатдошли ўрамлар қўшиш орқали ҳосил қилиниши даркордир. Бу тушунчани ифодалашнинг дастлабки босқичига хос ҳолат бўлиб, кейинчалик тушунча ҳақида муайян тасаввур юзага келгач, у қадар аҳамиятсиз белгиларни ифодалаган компонент (сўз)лар қисқартирилиши, бинобарин термин ихчамроқ ҳолга келтирилиши мумкин. Бироқ бу жараён бошбошдоқлик, таваккалчилик асосида эмас, балки маълум қонун-қоидалар асосида онгли равишда амалга оширилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, терминлар масаласи билан шуғулланган деярли барча олимлар мазкур тушунчанинг таърифини беришга уриниб кўришган. Уларнинг барчасигина эмас, айримларини, ҳам намуна тариқасида келтириб ўтиш кўплаб саҳифани егаллаган бўларди. Шунинг учун уларни жамулжам етган ҳолда “термин” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Термин касбий маъно билдирувчи, касбий тушунчани ифодаловчи ва шакллантирувчи айрим объектлар ва улар ўртасидаги алоқаларни муайян касблар нуктаи назаридан билиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида ишлатиладиган сўз ёхуд бирикмадир.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Чунки ҳар бир соҳанинг, тармоқнинг термини борки, у ўша соҳа, тармоқ доирасида қўлланади, аниқроқ қилиб айтганда, касб-хунар егасининг нутқини шакллантиради, ўзаро нутқий муомала учун шарт-шароит яратади.

Бу ўринда шуни қайд етиш лозимки, муайян касб-хунар ёхуд мутахассисликка ега бўлган кишилар кўпинча у ёки бу соҳанинг ўзига хос специфик терминлари билан иш кўради. Масалан, бўлажак иқтисодчиларнинг ёзма ёки оғзаки нутқида картел, клиринг, товар обороти, майда мулкчилик, маблағ ажратиш, рента каби тор доирадагина қўлланиладиган терминлар ишлатилиши табиий бир ҳолдир. Ўз-ўзидан аёнки, бу хилдаги терминлар иқтисодиётдан узоқроқ бирор касб егасининг нутқида ишлатилмайди. Шу билан бирга, иқтисодиёт соҳасининг қатор терминлари ҳам борки, улар муайян тил егаларининг деярли барчаси нутқида баб-баравар ишлатилаверади.

Бозор, мол, савдо, савдо-сотик, пул, ҳаридор, бозорчи, олиб-сотар, чайқовчи кабилар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш лозимки, нафақат иқтисодиёт балки фан-техника, ишлаб чиқаришнинг хилма-хил соҳа ва терминлар мажмуи, яъни йиғиндиси терминология деб аталади. Масалан, математика терминологияси, тиббиёт терминологияси, иқтисодиёт терминологияси ва бошқалар.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида терминларни ўрганиш, уларни тартибга солиш, терминологик луғатлар тузиш каби қатор чора-тадбирлар XX асрнинг 20-йиллари ўрталаридан бошланган. Зеро, айрим лексикографик ишларни ҳисобламаганда, ўзбек тилини илмий асосда ўрганиш, ҳозирги ўзбек тилшунослигининг фан сифатида юзага келиши ҳам шу даврдан бошланган.

Албатта, терминларни ўрганиш еҳтиёжи ўз-ўзидан келиб чиққан эмас, барча билим соҳалари бўйича ўзбек тилида таълим беришни йўлга қўйиш, билим соҳаларининг сезиларли даражада ривожлана бориши, илмий тафаккур доирасининг кенгайиши, собиқ иттифоқдаги миллий тиллар, жумладан, ўзбек тили луғат таркибининг бойиб бориши, бинобарин, тилда терминларнинг кўпайиб бориши уларни (терминларни) ҳар томонлама ўрганиш ва тартибга келтиришга туртки бўлган еди.

Турли фан соҳаларига мансуб терминлар ўзбек тилшунослигида дастлаб, яъни 20-30-йилларда, аксар ҳолларда соф амалий мақсадларни кўзлаб ўрганила бошлаган еди. Тўғри, бу даврда терминнинг хусусияти, у ёки бу терминни қандай қўллаш русча-байналмилал ва арабча, форсча ёки умумтуркий ислоҳларнинг афзаллиги ҳақида қатор мақолалар, айрим рисоалар еълон қилинган.

Бироқ бундай ишлар ўша даврдаги кескин мафкуравий, сиёсий кураш руҳи билан ҳамоҳанг, боғлиқ бўлганлиги натижасида терминология, умуман, тил масалаларининг тилшунослик нуқтаи назаридан ҳал етилишида қатор хатоларни келтириб чиқарган еди. Шундай бўлса-да, бу даврда терминларни кўпроқ амалий жиҳатдан ўрганишга, фан соҳаларига доир айрим бир тилли, кўп тилли терминологик луғатлар яратишга киришилди.

Ўзбек тилшунослигида турли фан соҳаларига оид терминологик тизимларни лингвистик жиҳатдан ҳар томонлама ҳам илмий, ҳам амалий ўрганиш урушдан кейин, асосан, 50-йиллардан кейин изчилроқ тус ола бошлади; термин ва терминологиянинг назарий масалаларига бағишланган мақолалар айрим фан соҳалари терминларини лингвистик жиҳатдан таҳлил етишга бағишланган номзодлик диссертациялари юзага келди, мукаммал терминологик луғатлар яратишга киришилди.

Ҳозирги даврда ўзбек тилшунослигида турли фан соҳалари терминлари жадаллик билан ўрганилмоқдаки, бу фан соҳаларининг янада ривожланиши ва уларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ етилиши даражаси билан, бинобарин, терминларнинг ривожланиши ва бойиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбек тилшунослигида терминларни атрофлича тадқиқ етиш билан уларни тартибга солиш ва барқарорлаштириш сингари амалий масалаларга бағишланган қирққа яқин номзодлик диссертациялари ёқланди, кўплаб монография ва юзлаб илмий-назарий мақолалар нашри ёшон қилинди, юзга яқин терминологик луғатлар чоп етилди. Терминшунослардан С. Иброҳимов, У. Турсунов, О. Усмонов, Н.Маматов, С. Ақобиров, Р. Дониёров, Ҳ. Жамолхонов, Н. Қосимов, Д. Базарова, А.Қосимов, А. Мадвалиев ва бошқалар ўз илмий маҳсулотлари амалий тавсиялари билан ўзбек терминологиясининг ривожига у ёки бу даражада ҳисса қўшдилар ва қўшмоқдалар.

Сўнгги йилларда ва бугунги кунда терминологиянинг амалий ва назарий жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганиш, термин қўллашни тартибга солиш давлат аҳамиятидаги масалага айланди. 1984 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми қошидаги Республика Муассасалараро терминологик комиссия (РМТК)нинг ташкил етилиши, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Республика терминология қўмитасининг иш бошлаши, терминология масалаларига бағишлаб Республика миқёсида бир неча илмий-амалий, илмий-назарий конференцияларнинг ўтказилганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Муҳими шундаки, РМТК ўз фаолияти давомида “Ўзбек тили терминологияси” номли бюллетен нашр етишни йўлга қўйди, унда ўзбек тили терминологиясининг долзарб масалаларига бағишланган қатор мақолалари билан бирга, ҳар бир қўлланувчи терминларнинг рўйхати ҳам бериб борилди.

Шуни қайд етиш лозимки, Атамақўм РМТК анъанасини давом еттириб, кўрсатилган “Бюллетен” ни нашр етишни йўлга қўйди.

Таъкидлаш лозимки, Атамақўм кейинги йилларда ўзбек тили терминологияси тизимларини барқарорлаштириш ва терминларни ҳар хиллигига чек қўйиш борасида анча-мунча ишларни амалга оширди, бошқача қилиб айтганда, республикамизда терминология масалаларини ҳал етиш жонлантириб юборилди. Хусусан, унинг ташаббуси билан терминларни номлаш принциплари ишлаб чиқилди ва ёшон қилинди.

Атамақўм мана шу принципларга суяниб, илм-фан, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига оид терминологик луғатлар сериясига чиқара бошлади¹.

¹ V.Rahimov va boshqalar. Konchilik atamalarining ruscha-o‘zbekcha qisqacha lug‘ati.-Toshkent, 1993; O‘.Pratov va boshqalar. Botanika terminlarining ruscha-o‘zbekcha qisqacha lug‘ati. -Toshkent, 1993. A.P.Hojiev. Tilshunoslik atamalarining ruscha-o‘zbekcha qisqacha lug‘ati.-Toshkent, 1993; N.Mahkamov va boshqalar. Ish yuritish atamalarining ruscha-o‘zbekcha qisqacha lug‘ati. -Toshkent, 1994; R.Doniyorov, L.Ramazonova. Ijtimoiy-siyosiy atamalarining ruscha-o‘zbekcha qisqacha lug‘ati.-Toshkent, 1994 va boshqalar.

70-80 йилларда ўзбек тили терминологик тизимларини ўрганишга қизиқиш анча жонланди. Бунинг боиси бор, албатта. Гап шундаки, айти шу вақтга келиб, терминлар борасида хилма-хил фикрлар бир қадар жиддий тус ола бошлади. Бунинг устига 70-80 йилларгача терминологик масалаларга унчалик ётибор берилмаган еди. Ваҳоланки ўзбек тилининг терминологик тизимларини ўрганмасдан туриб, терминологиянинг умумназарий масалаларини ечиш мумкин емас. Шу боисдан, ўзбек тилининг турли соҳа терминологик тизимлари тадқиқотлар объекти бўла бошлади. Мана шундай ишлар жумласига Ҳ.Дадабоев, А. Қосимов, Ҳ.Шамсиддинов, А. Мадвалиев, Н. Икромов ва бошқа олимларнинг номзодлик диссертацияларини киритиш мумкин.

Муҳими шундаки, кейинги йилларда ўзбек тилининг тизимларини ўрганишга бағишланган докторлик диссертациялари ҳам юзага келди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, турли соҳаларга доир терминлар лингвистик жиҳатдан муфассал ўрганилган, уларни тартибга келтириш юзасидан муайян тавсиялар ишлаб чиқилган бўлса-да, ҳали ўзбек терминологиясининг умумназарий масалалари борасида яхлит бир монография юзага келмаган. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, мавжуд терминологик тизимларнинг ўзбек тилидаги шаклланиши, ривожланиши ва бойиб бориши бир хил даражада емаслиги бўлса иккинчидан, баъзи фан соҳалари терминологияларнинг ҳалигича яхши ёки умуман ўрганилмаганидир. Ўзбек тилининг деярли ўрганилмаган терминологик тизимлардан иқтисодиёт терминологиясидир.

Шуни айтиш керакки, тилда анъанавий тарзда қадимдан сақланиб келаётган иқтисодий атамалар билан замонавий иқтисодий терминлар ўртасида жуда катта фарқ бор. Қадимги иқтисод атамаларнинг миқдори анча чекланган бўлса, ҳозирги янги давр, яъни бозор иқтисодига ўтиш даврида иқтисод терминларига еҳтиёж ортиши муносабати билан иқтисод терминлар бекиёс бойиб бормоқда.

Ўзбек тилининг иқтисодий терминларини ҳам тўплаш, системалаштириш, илмий нуқтаи назардан тадқиқ етиш ва шу асосда бу терминологик тизимни имкон борица тартибга солиш зарурати туғилди.

Таянч сўз ва иборалар:

1. “Давлат тили”нинг маъносини изоҳланг.
2. “Иқтисод тили”нинг маъносини тушунтириг.
3. “Термин” нима?
4. “Атама”нинг терминдан фарқини изоҳланг.
5. “Атамақўм” ташкилоти ва унинг вазифаси.
6. Терминларнинг тилдаги бошқа сўзлардан фарқи.
7. Ўзбек терминологияси бўйича яратилган илмий ишлар муаллифлари.
8. “Иқтисодиёт”нинг маъносини изоҳланг.
9. Иқтисодиёт терминологияси нима?
10. Сўз ва термин ҳақида тушунтириш беринг.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Терминлар бўйича қилинган дастлабки ишларнинг муаллифларидан кимларни биласиз?
2. Терминлар қандай сўзлар ҳисобланади?
3. Атама ва терминнинг фарқи нимада?
4. Иқтисодий терминология нималардан ташкил топади?

3-мавзу: Иқтисодиёт терминологиясининг шаклланиш тарихи

РЕЖА:

1. Иқтисодиёт терминларининг тараққиёт босқичлари.
2. Иқтисодиёт терминологиясининг XX асрнинг бошларигача бўлган даврдаги ҳолати.
3. Иқтисодиёт терминологиясининг XX асрнинг 20-90 йилларидаги тараққиёти.
4. Иқтисодиёт терминологиясининг истиқлолдан кейинги даврдаги тараққиёти.

Табиат ва жамиятдаги ҳар бир ҳодиса ўзининг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихига егадир. Шу боисдан муайян тадқиқотда маълум бир воқеа-ҳодиса ўрганилар экан, у ўша воқеа-ҳодисанинг тарихини, унинг келиб чиқишини ўрганишдан бошланади. Бинобарин, мазкур тадқиқотда ҳам унинг асосини ташкил етувчи иқтисодиёт терминологиясини таҳлил қилишга киришилари экан, аввало унинг шаклланиш тарихига назар ташлаб ўтиш зарурати туғилади.

Маълумки, инсон фикрий фаолиятининг ҳар қандай натижаси лисоний белгида намоён бўлади ва мустаҳкамланади, яъни “сўздан айри ҳолда мавжуд бўлган ёки бўла оладиган ҳеч қандай ўй-фикр, жумладан тушунча ҳам йўқ. Ҳар қандай тушунча сўзда ёки сўзлар гуруҳида қатъийлашади, қайд етилади, ўз моддий ифодасини топади, сўзлар топилмагунча тушунчалар ҳам бўлмайди”. Тирик мавжудотларнинг олий, енг юқори вакили бўлмиш инсоннинг онгли ҳаёт кечира бошлаши қанчалик қадимий даврга бориб тақалса, унинг ўй-фикрлари натижасида юзага келган дастлабки тушунчалар, унинг ўша даврлардаги турмушда учраган, унга бевосита алоқадор нарса ва мазкур тушунчалар, нарса ва ҳодисаларни ўз билганича номлаган, яъни уларни маълум сўзлар билан атаган. Шу билан бирга, ҳар бир халқнинг тарихи у сўзлашадиган тилнинг тарихини ҳам ифодалаб, ҳар икки тарих ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлади. Тилнинг ўз қатламига мансуб сўзлар унинг шаклланиш даврида қандай нарсалар муҳим ўрин тутганини, тилнинг луғат таркиби еса халқ нима тўғрисида фикр юритганини кўрсатиб туради.

Бошқа тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам халқнинг турмушига, ишлаб чиқариш фаолияти, усули атроф-муҳит билан муносабатига қараб қадимданок хилма-хил луғавий қатламлар таркиб топа бошлаган. Терминологлар, умуман, лексикология билан шуғулланувчи олимларнинг тадқиқотларидан маълум бўладики, инсон турмуш, кундалик фаолияти, билан бевосита боғлиқ бундай тил бирликлари ва қадимийлигидан ташқари ўзининг барқарорлиги, турли лисоний ўзгаришларга мойил емаслиги билан ажралиб туради. Ишлаб чиқариш қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, қариндош-уруғчилик номлари, табиат ҳодисаларини ифодаловчи лексемалар шулар жумласидандир.

Иқтисодга оид терминларни юқоридаги қатламлар қаторига киритмасликнинг иложи йўқ, чунки инсон инсонлигини таниб, биринчи навбатда “иқтисод” тушунчасига дуч келган. Аниқроқ қилиб айтганда, турмушнинг ертасини ўйлаган ҳар бир киши биринчи галда ниманидир топишни ва уни ғамлашни, ундан қай йўсин билан фойдаланишни, уни тежаб-тергашни ўйлаган ва шу асосда иш юритган. Ҳақиқатан ҳам иқтисодни асосини айни шу масалани ҳал қилиш ташкил етишини яхши биламиз. Шундай оддий бир ҳақиқатни олиб кўрайлик. Икки инсон, яъни еркак ва аёл оила қуради экан, биринчи навбатда, ўз турмушининг фаровон кечишини ўйлайдигина емас, тиниб-тинчимай меҳнат билан шуғулланади, келажакни, фарзандларининг пайдо бўлиши, уларни тарбиялаб уй-жойли қилиш ҳақида қайғуради, ниҳоят, ўзининг меҳнат натижаларини бозор-ўчар билан боғлайди ва ҳоказо. Мана шу аснода кишилар онгида “иқтисод” “иқтисодиёт” каби тушунчалар шакллана бошлаган едики, буларнинг барчаси ҳозирги кунда фан сифатида таркиб топган “иқтисодиёт”нинг дастлабки куртаклари еди.

Бу фан ва амалиётнинг шундай куртаклари шакллана бошлаган экан, демак уларни ифодаловчи тил бирликлари ҳам пайдо бўла бошлаган. Тўғри, маълум вақтгача экономика

(грекча “хўжаликни бошқариш”) маъносини ифодаловчи сўздан ҳосил бўлган, ҳозирда еса арабча иқтисодиёт деб аталаётган амалиёт ва махсус фан қадимда ўзбек тилида қандай сўз билан юритилганлиги ҳақида тегишли ёзма манбаларнинг йўқлиги туфайли, бир нарса дея олмаймиз. Бироқ ҳозирда мавжуд бўлган айрим манбалар асосида иқтисодиётга оид қатор терминлар қўллаб келинганлигини далилларга суяниб исботлаб бериш мумкин (бу ҳақда қуйроқда батафсил фикр юритамиз). Аста-секин жамият тараққий эта бошлаган сари, бошқа соҳаларда бўлганидек, иқтисодиётда ҳам янгидан-янги қонуниятлар кашф этила бошлади, иқтисодиётни ўргана бошлашга йўл очилди, пировардида, ҳозирги даврда ҳаётимизнинг, борлиғимизнинг асосини ташкил етган том маънодаги иқтисодиёт рўёбга чиқди. Бундай экстралисоний омиллар иқтисодиётнинг ўзига хос терминологик тизимининг қарор топишига сабаб бўлди. Демак, иқтисодиёт терминологияси ҳозирги ҳолатига етиб келгунга қадар бир неча босқичларни босиб ўтди.

1. Таъкидлаш керакки, ўзбек тилининг иқтисодиёт терминологияси ҳозирги ҳолатига келгунча мураккаб шаклланиш ва ривожланиш босқичларини босиб ўтган. Иқтисодиёт терминологияси ҳақида гап кетганда у асосан, бир-биридан сифат жиҳатидан фарқ қилувчи учта тарихий босқични бошидан кечирган, деб қатъий айта оламиз. Улар қуйидагилардан иборат: 1. Иқтисодиёт терминологиясининг XX асрнинг бошларигача бўлган даврдаги ҳолати. 2. Иқтисодиёт терминологиясининг XX асрнинг 20-90 йиллардаги тараққиёти. 3. Иқтисодиёт терминологиясининг истиқлолдан кейинги даврдаги тараққиёти.

Қайд этилганидек, қатор терминологик тизимларнинг, жумладан, иқтисодиёт терминларининг шаклланиши узок ўтмишга бориб тақалади. Бунга ишонч ҳосил қилиш тарихий ёзма ёдгорликларга мурожаат этишга тўғри келади.

Шу нуқтаи назардан туркийлар луғатчилигининг асосчиси Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” луғати, инқилобгача яратилган бир қанча луғатлар, ўзбек адабиёти вакиллари, хусусан Алишер Навоий, З. М. Бобур ва бошқаларнинг бадиий, илмий-бадиий асарлари ўзбек иқтисодий терминларнинг ривожланишида ўзига хос ўрин тутган манбалар деб ҳисобланиши мумкин.

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясининг ривожланиш тарихи ҳақида гап кетганда, биринчи галда, номи жаҳонга машҳур Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк”¹ асарига мурожаат этиш лозим. Чунки тенги йўқ бу луғат туркий халқлар маданий ҳаётида, хусусан тилшуносликда алоҳида аҳамиятга егадир. Муҳими шундаки, муаллиф ўз асарида, йирик луғатчи сифатида IX-X аср умумтуркий тилининг луғавий бойлигини тўлалигича намоён етган.

“Девон”ни кўздан кечириш шуни кўрсатдики, унда қўлланган баъзи иқтисодиётга оид терминлар ҳозирги ўзбек тилида ҳам (айрим жузъий фонетик ўзгаришлар билан) қўлланмоқда. Буларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: олди-сотди, савдо-сотик.

Асарда ўз ифодасини топган баъзи лексемалар давр ўтиши билан исътемождан тушиб, ҳозирда архаизмга айланиб қолганлигини ҳам қайд этиш лозим бўлади. Булар жумласига қуйидагиларни мисол тариқасида келтирамиз:

отўнч-қарз, ИИИ, 450;

бергў-қарз, И, 403;

ўрўнч-пора, ИИИ, 451,

оғур-давлат, И, 87;

йжйз-жўн, арзон баҳо, 88;

ёмға-молларни сақловчи ва уларни йиғувчи (амалдор) И, 148;

сарт-савдогар, 328;

терчи-музд, иш ҳақи олувчи, ИИИ, 394.

Келтирилган далиллардан ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг, билиш жараёнининг хилма-хил соҳаларига оид кўпдан-кўп терминларнинг қайд этилганлиги ва улардан айримларининг ҳам ўша даврдаги маънолари билан қўлланаётганлиги аён. Бундан уларнинг ҳозирги кунларгача етиб келишида турли даврларда тузилган луғатларнинг ҳам аҳамияти беқиёс экан деган

¹ Qoshg'ariy Mahmud. Devonu lug'otit turk. III tomlik. Toshkent. (bundan keyin qisqartirib “Devon” deb ataymiz).

хулосага келиш қийин эмас. Иқтисодий терминлар ўз ифодасини топган луғатлар жумласига яна қуйидагиларни киритиш мумкин: “Бадў-ъл-ул луғат”, шайх Сулаймон Бухорийнинг луғати, Л. Будагов, В.В. Радлов томонидан жонли туркий тиллар ва лаҳжалар ҳамда туркий ёзма ёдгорликлар материалларидан фойдаланиб тузилган луғатлар ва бошқалар.

Ўзбек тилида ҳозирда ҳам кенг ишлатиб келинаётган қатор иқтисодий терминлар қайд етилган яна бир муҳим манба борки, бу мозийда ижод қилган шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларидир. Жумладан, Ю.Х.Ҳожиб, Алишер Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Огаҳий асарларида ўз ва кўчма маъноларида қўлланган юзлаб иқтисодий терминлар ўз ифодасини топган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Алишер Навоийдек буюк шахс турмушнинг, ҳаётнинг барча икир-чикирларини жуда яхши билган. Шу боисдан унинг асарларида жуда кўплаб иқтисодиётга оид терминлар ҳам ишлатилган. Уларнинг кўпи давр тақозоси, ҳаётни реал акс еттириш, бошқалари еса, бадиий мақсадлар тақозоси билан қўлланган.

Жумладан, ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий илмий ёки бадиий асарларида кўплаб асли ўзбекча (кўпи умумтуркий) иқтисодий терминлар ишлатилганлигининг гувоҳи бўла оламиз.

Шу билан бирга Алишер Навоий асарларида фақат умутуркий иқтисодий атамалар қўлланиб қолмай, уларни арабча, форс, тожикча синонимлари ўз ифодасини топганки, қуйида келтириладиган мисоллар шундан шундан далолат беради: *савдопишиа-савдогар-савдогарчилик* (ИИИ,8); *сармоя-давлат-маблағ* (ИИИ,51); *байъона-баҳо, қиймат, бай пули* (1, 198); *манфаат-фойда-даромад* (ИИ,227); *бож-хирож* (И,306); *дастмоя-фармоя-нақд-пул-нақдина* (ИИ,184); *нарх-баҳо* (ИИ,433); *нафақа-маош-харажат* (ИИ,438) ва бошқалар.

Зеро, халқларнинг иқтисодий ва маданий алоқалари ҳаётини зарурият бўлгани туфайли шу жараёнда бир тилдан иккинчи тилга лексемалар ўтиб туради. Ҳар бир тилнинг луғавий таркибида етимологик жиҳатдан шу тилнинг ўзиники бўлган сўзлардан ташқари, ўзга тилларнинг луғавий унсурлари бўлиши табиийдир.

Зеро, Алишер Навоий асарларида арабча ва форс-тожикча луғавий бирликларнинг кўплаб қўлланишининг қатор объектив сабаблар билан боғлиқ эканлиги айрим тадқиқотларда таъкидланган.

Улардан маълум бўлишича, ўзбек тилида ўзлашма қатламнинг ўзига хос хусусиятлари акс эта бошлаган. Бундай қатламлардан ташкил топган синонимия шулар жумласидандир. Фикримизни иқтисодиётга оид қуйидаги синонимик қаторлар тасдиқлай олади: *аҳднома-шартнома, нарх-баҳо, сармоя-даромад-бойлик-маблағ, дастмузд-маош, савдогар-тожир, бозургон-савдогар, аммол-солиқгир, нақд-пул, бойлик нақда-нақд, тилла, маблағ-нақд-нақдина*. Далил тариқасида яна мисолларга, яъни матнли манбаларга мурожаат етамизки, бундай иқтисодий луғавий бирликлар кенг қўлланганлигини тасдиқлайди: Бир қатла Амир Кофур деган бир маблағ важҳ шайх Абдуллоҳ жонпорага йиборди (Насойимул-муҳаббат, ХУ-87).

Нақди жону хирмаи умрумни сарф еттим валеқ,
Ул санам қоний эмас бу маблағу миқдорға

(Хазойинул-маоний, ИЙ 6-575).

Орзу айлаб неча нон нақдини,
Тарк етасен жавҳари жон нақдини.

(Хайратул-аброп 80-20).

Худфуруш ўлди ул ой, оё қаёндин топқамен,
Ониким қилди муайян Юсуфи Канъонға нарх.

(Хазойинул маоний, ИЙ 6-116).

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўзбек тилига рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларидан сўз ва терминлар кириб кела бошлади. Ўзбек

тили лексикасидаги бундай ўзгариш Ўрта Осиёнинг чор Россиясига кўшиб олиниши натижасида мамлакат ҳаётида юз берган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ еди.

Асрлар мобайнида араб-форс-тожик тиллари ўзбек тили лексикасининг таракқиёт бойишида ўз ўрнини егаллаб келган бўлса, қайд етилган даврдан бошлаб бу ролни рус тили ўйнай бошлади.

Табиийки, объектив ва субъектив сабабларга кўра ўзбек тили лексикаси рус тили орқали қабул қилинган ўзлашмалар ҳисобига кўпая борди. Рус тилининг ўзбек тили лексикаси таракқиётига таъсири бу тилдан фақат сўзлар олишдангина иборат бўлмай, луғат бойлигининг ошишига, сўз яшашнинг айрим жиҳатларига ва семантик тизимининг кенгайишига ҳам таъсир кўрсатди.

Давр тақозоси билан ўзбек тилига иқтисодиёт терминлари ҳам ўзлаштирила бошланди.

Чунончи, ўша давр матбуотида қўлланган иқтисодиётга оид баъзи терминлар ҳозирги ўзбек тилида ҳам (баъзи жузъий фонетик ўзгаришлар билан) қўлланмоқда: вексил-вексел; - вексил қағаз- бексилрус. “вексел”-вексел.

Рубаў бексилу танзил ичида нангу нам олмас, Шариат, ҳам тариқат ишлариға ихтеком олмас. (Нодим, ДН, 50л); ЎТЛТ,50.

-бланка қағаз -буланка, рус “бланк” бланк-бланк.

Икки адад вексел буланкасиға қол қойўбдур (ТВГ, 1902,17); ЎТЛТ, 43, прискурант-прейскурант рус. Пресскурант-прейскурант. Ул магазинлар ҳар кун торт маратаба прискурает чиқарур еканлар (ТВГ,1913,32); ЎТЛТ, 190; кридит-кредит рус. “кридит”-кридит. Ез налиға кридит ачса керак (ТВГ, 1894, 42) ЎТЛТ,120; бюджет-бюджет; рус. “бюджет”-бюджет. Бюджет камиссияси (с.Фарғ., 1914,31) ЎТЛТ,45; тавар-товар, -тавар <рус “товар”-товар, мол, газлама.

Мазкур ярманка ва газлама таварнинг харидорлари отган йилға қияс қилғанда азгина қияс қилғанда азгина болубдур (ТВГ, 189); ЎТЛТ 225; бохгалтер-бухгалтер; -бухгалтир рус “бухгалтер”-бухгалтер. Бу масалани падшаҳлик банкасининг богалтирлари ҳам ҳал қилаалмаслар (с.Турк., 1914,И) Бухғалтир Асулуф (САД. 36, 67) ЎТЛТ, 45; банка-банк, банка

-турк баник-банк-банкахона-банкахона-рус “банк”-банк. Ва яинки падшаҳлик ачча турадурған котта банка деган маҳкамага юбарса керак (ТВГ , 1875, 9). ЎТЛТ, 36: бержа-биржа-бержа рус “биржа”-биржа. Бухара шаҳрида бержа бина қилинганда бизларни Бухара савдогарлари, қандай иттифоқ бирлан қилдилар (ТВГ, 1913, 15). ЎТЛТ: 12.

Баъзи иқтисодиётга оид терминлар айнан; (ҳеч ўзгаришсиз) қўлланмоқда. кассир-кассир; рус “кассир”-кассир-кассир.

Кассирнинг памошниги ғайиб болуб қачубдур (ТВГ, 1906, 16,) ЎТЛТ, ... аванс-аванс.- рус “аванс” аванс. Йўқ минг публарға қадар аванс пешаки ақчаға сатуб қоюб, вақтида йетқуралмасдин... (С.Фарғ. 1914,22). ЎТЛТ, 18.

Маклер-маклер. Рус. “маклер”-даллол.

Яман ниятлик маклер (даллол)лар Русия мамлакатига тобе мусулмания фуқаралар арасиға хавфлик хабарлар тарқатадурлар (ТВГ, 1908,62) ЎТЛТ, 130.

ХИХ асрнинг иккинчи ярми ва ХХ аср бошларида қўлланган иқтисодий бирикма терминлар ҳозирги ўзбек тилида ҳам (баъзи жузъий ўзгаришлар билан) қўлланмоқда баъзилари еса таржима қилинган ҳолда қўлланмоқда: *коммирчиски банка-коммерческий банк.*

-рус “коммерческий банки тижорат банки. Коммирчески банкадаги... тукушчой исходиға... мусулман камитети учун хат ва хабар унвани (ойина, 1915,П, 302) ЎТЛТ, 105.

падаходний налуғ-даромад солиғи. “Падоходний налог”-даромад солиғи. “Падоходний налуғ”... йилда минг сомдан артуқ мадахили болса шу адамға махсус малият салинур (Ойина), 1913. ЎТЛТ, 164; банкавай билат-банк билети.

Рус. “банковий билет”-банк билети.

Файда келтурадурган қағазлар, яъни банкавай билатлар (ТВГ, 1885,49). ЎТЛТ,67;
ссудной касса-қарздор касса (қарз берувчи касса).

... ссудний касса деган мазкур уйездаги фуқараларга қарзга бериладурган пул туратурган хазинадур (ТВГ, 1889,9) ЎТЛТ, 222;

сбиригателний дафтарча-омонат дафтарчаси.

Рус. “сберегательная книжка”-омонат касса дафтарчаси.

Мазкур сандукни ачиб қарасалар бир адад беш сомлик қағаз бирлан он бир адад сбиргательнай дафтарча бар екан (ТВГ, 1913,57) ЎТЛТ, 213.

Баъзи русча иқтисодий терминларга қўшимчалар қўшиш орқали ҳам янги терминлар ясалган:

Падратчик-пудратчи

Пудратчик-пудратчик падратчик -рус (еск.).

“Подрядчик”-пудратчи.

Ташкандлик падратчини аялга қилган таарузини язадур (Ойна, 1913,28);

кассирлик-кассирлик ЎТЛТ, 115;

Касахана-кассахона, ЎТЛТ, ИИИ;

бохгалтирлик-бухгалтерлик-рус. “профессия
бухгалтера”-бухгалтерлик.

Бохгалтирлик ҳисоби илми тижарат била туркий бохгалтерлик ҳисоби юритурган адам байларимизга керак (Сам. 1913,26), ЎТЛТ,45.

Бохгалтерия-бухгалтерия.

Умуман бизнинг халқ бохгалтерия илмига ошноликдан узақдадурлар (С.Фарғ., 1914, 8) ЎТЛТ,45.

ХИХ асрнинг иккинчи ярми ХХ аср бошларида қўлланган терминлар ҳозирги ўзбек тилида ҳам айнан (баъзи жузъий ўзгаришлар билан) қўлланмоқда:

тижаратхана-тижоратхона.

Тижаратхана ва банклар . . . керак (Ойна, 1613,7,155)

бажхана-божхона . . . жадда бажханасида . . . ваке болар еди (Ойна, 1913, 485)

ҳисобнама-ҳисобнома

Бир мударрис отган йилда гимназиянинг аҳволи хусусида ҳисобнамани окуди (ТВГ, 1887, 29).

ҳиссадар- хиссачи-ҳиссадор.

Дахила ва харижада баззаклик маллар ила тижарат қилатурган ҳиссадорлар ширкатининг идараси (Ойин, 1913).

Тафтишчи-тафтишчи.

Мен бул ишда бошқа тафтишчилар юбарманга қарши тураман (Турон, 1917, ИИ).

қиймат-қиймат.

Рус манати (қағаз пули)нинг қиймати кундан-кун тушиб таназзул етмақдадур (Хур., 1913,3).

Сиғурта-суғурта.

Истирахавой (суғурта) қилмоқ масаласи (Сам. 1913, 4).

Келтирилган далиллар шуни кўрсатадики, ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясининг ХХ аср бошларигача бўлган шаклланиш ва ривожланиши бу босқичида муайян бир тизим ҳолига келган, бирор аниқ тартибга туширилган терминология бўлмаса-да, халқ нутқида ёки ёзма манбаларда қўлланиб келинган, бундай терминлардан фойдаланилган. Бундай терминлардан айримлари ҳозиргача яшаб келаётганлиги тожиклар, араблар, форслар, ўзбек ҳамда бошқа туркий халқларнинг иқтисодий-маданий алоқалари воситасида оғзаки ҳамда ёзма тилнинг узок ва мураккаб ривожланиш маҳсулидир. Халқ тили асосида таркиб топган бу хилдаги лексемаларнинг қўлланиши ХХ асрнинг 20-йиллари ўрталаригача, яъни Ўзбекистон олий мактабларида иқтисод фани ўқида бошлагунга қадар давом етиб келди.

Асримизнинг 20-йиллари ва 30-йилларининг бошларида ҳозирги ўзбек тили лексикаси ва терминологияси ҳамда имлосининг назарий асосларини ишлашга киришила бошлаганлигини уқтириб ўтиш лозим бўлади. Муҳими шундаки, бу даврда янги шўро мактабларига мўлжалланган дарслик ва қўлланмалар яратишга киришилди. Бу борада проф. Абдурауф Фитрат бошчилигидаги “Чиғатой гурунги” тўғараги, кейинчалик унинг иштирокчилари асосида Ўзмаорифқўм (Узнаркомпрос) қошида тузилган. Ўзбек билим хайъати, ўзбек янги алифбо марказий қўмитаси сингари ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Мазкур уюшма ва ташкилотларда фаолият кўрсатган қатор маърифатпарварларнинг ғайрату ташаббуслари натижасида асосий фан соҳалари бўйича қатор дарсликлар, ўқув қўлланмалари, терминологик луғатлар майдонга кела бошлади.

Ўз олимларимизнинг ўзбек тилига ўзига хос рисола ва дарсликлар яратиши, бошқа (асосан рус) тиллардан таржима қилиши, турли соҳалар бўйича терминологик луғатларнинг яратилиши ўзбек тилида турли фан соҳаларига оид терминологик тизимларнинг янада ривожлана бошлашига сабаб бўлди. Ўзбек тили иқтисодиёт терминологияси ҳам янги босқичида айни шу йўлни босиб ўтди. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, иқтисод фани бўйича ўзбек тилида олий ўқув юртлари 60-йилларгача фақатгина таржима дарсликлардан фойдаланиб келинган еди.

Асримизнинг 30-40-йиллари ва 50-йилларнинг биринчи ярмида ўзбек иқтисодиёт терминологияси, асосан, рус тилидан таржима қилинган иқтисод дарсликлари ва қўлланмаларининг тили асосида таркиб топа бошлади. Шу билан бирга, ушбу соҳа терминологиясида юзага келган баъзи камчилик ва нуқсонлар ҳам юқорида айтиб ўтилган барқарорликка мос равишда тузатила борди.

50-йилларнинг иккинчи ярмидан иқтисодиёт терминологияси ривожланишида янги давр бошланди. Бу давр иқтисод фани билимдонларининг иқтисод фанини тартибга солиш борасидаги ишларини кучайтириш, ўзбек тили сўз яшаш воситаларининг фаоллашуви, янги-янги терминлар ясалиши ва истеъмолга кириб келиши билан характерланади.

Албатта, бу ривожланиш жараёнининг ўзига хос сабаблари бор.

Хусусан, иқтисод соҳасида она тили базасида мустақил равишда дарслик, қўлланма ва луғатлар ярата оладиган, соҳа терминларини тартибга солиш билан шуғуллана оладиган маҳаллий кадрларни етиштириш муҳим вазифа бўлиб қолди. Бундай чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистонда иқтисод фани ва иқтисодиёт терминологиясини тартибга солиш, иқтисод фанини ўқитиш сифатини ошириш имконияти яратилди. Натижада иқтисод йўналишидаги олий ўқув юртлари учун таржима дарсликлари билан бир қаторда ўз (ўзбек) муаллифлари мустақил равишда яратган иқтисод дарсликлари, қўлланмалари ҳамда бир қатор терминологик луғатлар юзага келди¹.

Бу дарслик ва луғатлар ўзбек иқтисодиёт терминологиясини тартибга солиш ҳамда унинг янада ихчамлашуви учун катта замин бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирги давр, яъни 90-йиллар бозор иқтисодиёти ва шу муносабат билан ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясининг муайян тараққиёт ва такомиллашуви босқичи бўлиб қолди.

Хўш, бозор иқтисодиёти нима? Дунёнинг аксарият мамлакатларида бозор иқтисодиёти асосида иш юритилади. Бозор ҳамма жойда сотувчи билан харидор ўртасидаги муносабатларни юзага чиқарувчи макондир. Бозор ҳозирги маъносидеда еркин иқтисодиёт деган тушунчани англатади. Дарҳақиқат, иқтисодиёт тараққиётида ихтиёрийлик бўлмаса, унинг объективлиги йўқолади. Озод иқтисодиётда еса рақобат ҳукмронлиги мустаҳкамланиб боради. Биз бозор иқтисодиёти томон илк қадам қўйдик. Биз бозор иқтисодиётига ўтиш даврига ендигина кириб бораяпмиз.

¹ Ro'ziev F. - Mustaqillikning iqtisodiy asoslari, T., 1991, Niyozov N.H. Iqtisodiyot va bозor. -T., 1992, To'xliiev N., O'lmasov A. - Ishbilarmonlar lug'ati, T., 1993, To'xliiev N. - O'zbekiston iqtisodiyoti, - T., 1994, Qodirov A., Turg'unov U., Tursunov A. - Iqtisodiyot nazariyasi. O'quv qo'llanma, Nukus,1993. O'lmasov A., SHarifxo'jaev M., Iqtisodiyot nazariyasi, T., 1995. Soliev A., Xo'jaxonov X., - Noishlab chiqarish (xizmat ko'rsatish) sohalari iqtisodi, buxgalteriya hisobi va audit, O'quv qo'llanma, T., 1999. Bозor iqtisodiyoti nazariyasi va amaliyoti, T., 2001.

Бозор иқтисодиёти катта қийинчиликлар билан ўзига йўл очаётир. Ҳозир жамоатчилик орасида бозор муносабати масалаларини ўрганишга кизиқиш каттадир. Ана шуларни ҳисобга олиб, турли дарсликлар, ўқув қўлланмалар, луғатлар янгидан ёзилди ва ёзилмоқда .

Ҳозирги давр ўзбек иқтисодиёти терминологияси муайян тараққиёт ва такомиллашув йўлини босиб ўтаётган бўлишига қарамай, йнда ҳамон ҳал қилинмаган қатор масалалар бор.

Терминология соҳасидаги синонимия, айрим терминлар қўлланишдаги ҳар хилликлар, баъзан имловий қоидага риоя қилмаслик кабилар ана шу ҳал етилмаётган масалалар қаторига қирадики, булар ҳақида тегишли саҳифаларида тўхтаб ўтамиз.

Терминологик тизимларнинг шаклланиши ва қарор топиши соҳасидаги кузатишлардан шундай ҳолат аён бўладики, ўзбек иқтисодиёт терминологияси ҳам, асосан, икки манба: ўзбек тилининг ички имкониятлари ва хорижий тиллар унсурлари (сўз ва сўз бирикмалари) асосида ривожланиб ва бойиб борган. Бу манбанинг биринчиси асли ўзбекча (баъзилари умумтуркий) туб лексик қатлам, ўзбек тилида қадимда истеъмолда бўлган ёки иқтисод соҳасида янги тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилган луғавий бирликлар ҳамда улар асосида она тилининг сўз ясовчи воситалари билан янгидан ҳосил қилинган терминлар ҳисобланади. Иккинчиси, ўзга тиллар, аниқроғи, форс-тожик араб ва рус тилидан ўзлаштирилган қатламдир.

Иқтисодиёт терминологиясини, умуман бошқа соҳа терминологияларини ҳам бойитишда она тили имкониятларидан фойдаланиш ҳақида гап кетганда қуйидаги уч ҳолатга еътибор бериш зарур бўлади: 1. Муайян бир тилда, шунингдек, ўзбек тилида ҳам иқтисодга оид тушунчаларни аниқ ифодаловчи қатор лексемалар қадим-қадимдан қўллаб келинмоқда. Ўзбек адабий тили бойлигининг бир қисми ўлароқ, бундай сўзлар кейинроқ, конкрет терминологик тизим вужудга кела бошлаши билан иқтисод фанининг махсус тушунчаларини ифодалаш учун жалб қилина бошланган еди. Масалан, *ҳақ*, *битим*, *пай*, *гаров*, *даллол*, *пул*, *сўм*, *суғурта*, *савдо*, *омонат*, *гамлама* ва бошқалар.

2. Иқтисодиёт билан алоқаси бўлмаган, бошқа-бошқа соҳаларда қўлланадиган терминлар ҳам махсулаштирилади, яъни иқтисодий терминлар сифатида ишлатилади. Масалан, *таклиф*, *соҳибкор*, *ўсим*, *қолдиқ*, *даража*, *палата*, *кадрли*, *етақчи*, *йигим*, *қонун*, *қайднома*, *баҳо*, *ҳўжалик* каби юзлаб лексемалар иқтисодий терминологик тизимида яқка ҳолида ҳам, сўз бирикмаларининг таркибий қисмлари сифатида ҳам ушбу соҳа терминлари сифатида амал қилинаверади.

3. Иқтисодиёт терминологиясининг бойишидаги яна бир манба, бу иқтисодий тушунчаларни ифодалаш учун хилма-хил аффикслар иштирокида ҳосил қилинган ясама луғавий бирликлар ҳисобланади: *жамгарма*, *ижарачи*, *ишсизлик*, *уюшма*, *тежамкор*, *иқтисодиёт*, *тадбиркор*, *божхона*, *қарздор*, *бойлик* кабилар шулар жумласидандир. Бундай терминларнинг бир қисми тегишли русча-байналмилал муқобилларининг ўзбек тилидаги калкаси сифатида юзага келган.

Ҳозирги ўзбек тили луғат таркибида, унинг иқтисодий терминлар тизимида юқоридагидек умумтуркий, ўзбек терминлари билан бир қаторда форс-тожикча, арабча, шунингдек, русча-байналмилал лексемалар ҳам қўлланиб келинаётир. Масалан, *сармоя*, *савдогар*, *тожир*, *саркор*, *даромад*, *дастмоя*, каби форс-тожикча сўзлар асосий иқтисодий терминлар бўлиб қўлланмоқда.

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясини русча-байналмилал терминлар ҳисобига тўлдирилиши ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, рус тили лексикаси империя даврида маҳаллий тилларга, хусусан, ўзбек тилига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Масалан, *вексел*, *прейскурсант*, *кредит*, *товар*, *бухгалтер*, *банк*, *кассир*, *аванс*, *маклер* ва бошқалар.

Таянч сўз ва иборалар:

1. Иқтисод
2. Экономика
3. Олди-сотди
4. Нафақа-маош сўзларининг фарқи нимада?
5. Нарх, савдогар, пул, сармоя сўзларининг қадимги синонимлари
6. Бюджет нима?
7. Кредит нима?
8. Банк нима?
9. Солиқ нима?
10. Бухгалтер сўзининг маъноси?
11. Суғурта нима?
12. Битим сўзининг маъноси
13. Даллол ким?
14. Пай сўзини тушунтиринг

Такрорлаш учун саволлар:

1. Иқтисоднинг дастлабки кўриниши қандай бўлган?
2. “Девону луғотит турк” даги иқтисодий терминларни биласизми?
3. Алишер Навоийнинг иқтисодий терминларга муносабати қандай бўлган?
4. Иқтисодий терминларни ақс еттирувчи қандай туркий манбалар бор?
5. Рус тили орқали ўзлашган иқтисодий терминлар ҳозир ҳам қўлланиладими?
6. 20-80-йилларда ўзбек иқтисодий терминологиясини ҳолати қандай бўлган?
7. Иқтисодиёт терминологиясини ҳозирги аҳволи қандай баҳоланаяпти?
8. Ўзбек иқтисодий терминологиясининг тараққиёт босқичлари нечта?
9. Ўзбек алломалари қандай иқтисодий терминлардан фойдаланишган?

4-мавзу: Иқтисодиёт терминологиясининг бойиш манбалари

РЕЖА:

1. Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясининг икки манба асосида ривожланиши.
2. Иқтисодий терминларнинг морфологик усул билан ясалиши.
3. Иқтисодиёт терминологиясининг синтактик усулда ясалиши.
4. Иқтисодий терминларнинг семантик усулда ясалиши

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологияси, бошқа терминологик тизимлар каби, икки манба, яъни ички ва ташқи манбалар асосида ривожланади ва такомиллашади.

Алоҳида қайд этиш лозимки, ўзбек тили терминологик тизимларининг ривожланишида шу тилнинг ички имкониятлари асосида рол ўйнайди. Чунки, адабий тил лексикаси бойишининг биринчи ва енг муҳим манбаи унинг ўз ички ресурсларидир.

Бу фикр бевосита ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясига ҳам таалуклидир.

Терминологик тизимларнинг бойиш йўллари ҳар хил бўлиб, унинг асосийси сўз яшадир. Сўз яшаш, умуман, қандай усул, қандай восита орқали амалга оширилмасин, янги сўз ҳосил қилишдан иборатдир.

Умумадабий тилдагидан фарқли ўлароқ, терминларнинг ясалишида, асосан, қуйидаги уч хил усулдан фойдаланилади.

I) семантик (семантик-синтактик);

II) морфологик;

III) синтактик.

Қуйида уларнинг ҳар бири хусусида алоҳида-алоҳида сўз юритилади.

Ўзбек тилшунослигида сўз маъносининг ўзгариши, маънонинг кўчиши, полисемантик сўзларнинг баъзи маънолари орасидаги боғланиш узилиб, айримларининг махсусланиши орқали янги сўзнинг ҳосил бўлиши семантик ёки лексик-семантик йўл билан яшаш деб юритилади.

Мазкур маърузада “семантик-синтактик” усул билан яшаш терминини қўллашни лозим, деб топдик.

Маълумки, тилда сўзларнинг маънолари ҳар хил усуллар билан кўчиши мумкин. Чунончи, сўз семантикасидаги ўзгариш, асосан, метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик каби семантик трансформация асосида рўй беради. Тилшуносларнинг яқдиллик билан билдирган фикрларига қараганда, семантик усул билан термин ҳосил қилишда асосий ролни метафор ўйнайди. Чунки умумадабий ёки жонли тилдаги сўзларнинг бирор хусусиятини, масалан, шаклан ўхшашлигини, ранг-тусидаги бир хилликни асос қилиб олиш йўли билан янги-янги терминлар вужудга келади.

Ўзбек тили иқтисодий терминларнинг семантик ёхуд семантик-синтактик усул билан ясалиши соф ўзбекча ёки ўзбек тилида аввалдан ишлатилиб келинган арабча ва форс-тожикча сўзларни янги, иқтисодий маънода қўллашдан иборатдир.

Ўзбек тилида нашр этилган иқтисодга оид дарсликлар, ўқув қўлланмалар, терминологик ҳамда изоҳли луғатлар ва бошқа манбалардан тўпланган мисолларни таҳлил қилиб чиқиб, ўзбек тили лексикасининг қатор қатламларидан олинган лексик бирликлар иқтисодий терминларга айланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ўринда мазкур сўзларнинг маъноси ўзгарган ёки кўчма маънода қўлланган. Масалан: *ийгма кўрсаткич, амалий бойлик, қарз ўсимми, ўтма сўм, кредитнинг эластиклиги, ундирилган пул, унумсиз меҳнат, пул муомаласи, капитал сизими, очиқ даромад, ўрмаловчи инфляция, шиддатли инфляция, ўринбосар товарлар, қўланкали иқтисод, бўғиқ инфляция, пул массаси, бозор мувозанати, пинхоний бозор, молиявий механизм, шубҳали кредит* ва бошқалар.

Ўзбек иқтисодий терминларнинг маълум қисмини ташкил қилувчи бундай бирикма терминлар бошқа соҳаларда бўлганидек, тушунчаларни мантиқан тўғри, мазмунан ва грамматик жиҳатдан тўғри ифодалашда бирикманинг семантик трансформацияга учраган иккинчи қисмининг аҳамияти каттадир.

Грамматик нуқтаи назардан ёндошилганда мазкур терминлар қаратқичли конструкциясидан иборат еканлиги сезилиб туради. Бундай “қурилмаларда” бутуннинг бўлаги маъноси англашилиши Д.С.Лотте томонидан алоҳида қайд қилинган еди.

Тўпланган материаллардан шу нарса аён бўлдики, иқтисодиёт терминологиясида бутун номини англаувчи терминларга қараганда, унинг қисмларини англаувчи терминлар камроқ екан.

Масалан: *тўғри солиқлар, егри солиқлар, бевосита солиқлар, билвосита солиқлар ва бошқалар... агар сотиладиган товарларга солиқ олинадиган бўлса, бундай солиқлар егри солиқлар деб юритилади* (СИ, 218). *Билвосита солиқлар-товар, мол-мулкни нархидан қимматга устига қўйиб сотиш ёрдамида давлат хазинасига келиб тушадиган даромаддир* (Иқ.н. 1993).

Маълумки, муайян терминологик тизим ёхуд умумистеъмолдаги маъноси кўчирилган лексемалар бошқа соҳанинг “мулки”га айланар екан якка ҳолатда ҳам, маълум сўзлар қуршовида (яъни бирикма таркибида) ҳам шу соҳага доир тушунчаларни ифодалай олади. Масалан, шундай бир тушунчани олиб кўрайлик: *“қимматбаҳо қозғозлар, валюта, товар нархининг пасайишидан фойдаланувчи биржа чайқовчилари”* (ИЛ,6). Бу тушунча иқтисодчилар тилида айиқлар деб аталади

Ўзбек тилида етук сўздан етуклик ясалган. Бу “жисмоний жиҳатдан тўла ривожланганлик, камолатга етганлик, билимли, илмлилик” маъноларини англатади. Иқтисодиётда еса етуклик махсус термин сифатида куйидаги дефиницияга ега: “Товарни сотиш суръатларининг аста-секин пасайиш даври” (ИЛ) Тўғри, бу каби терминлар кам миқдорни ташкил етади. Бироқ, иқтисодиёт терминологиясида семантик-синтактик усул билан ясалган, яъни бирикма терминлар тез-тез қўлланиб турилиши мумкинлигини тасдиқловчи ўнлаб далилларга егамиз. Фикримизнинг тасдиғи учун айрим мисолларга мурожаат етамиз.

Бирор компоненти бошқа соҳанинг “мулки” бўлган лексема, образли қилиб айтганда, “етти ухлаб тушга кирмайдиган” сўзлардан ҳам иборат бўлиши мумкин. “Она жамият назоратида бўлган, бош акционерлик корхонасининг шохобчаси”. “Ишбилармон луғати”дан олинган бу дефиниция *қиз жамият* деб аталган. Кўринадики, иқтисодиётда, биринчидан *она жамият*, иккинчидан *қиз жамият* терминлари мавжуд бўлиб, унинг *она ва қиз* лексемалари бу фанга ва амалиётга мутлақо алоқадор емас. Шу билан бирга, бу бирикмалар ўзига тегишли лексемалар қуршовида, яъни бирикмалар таркибида иқтисодий мазмун касб етган. Бундай ўзига хос “ажиб” бирикма терминлар жумласига яна *таваккал капитал, сузувчи процент, олтин қамал, валюта қамали, қалқон кредит, иқтисодий дастак* кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Қуйидаги мисолга ҳам еътибор берайлик: “...Пинхоний бозор деганда конунчилик томонидан тақиқланган товар ва хизматлар билан олди-сотди қилиш ёки фаолият билан шуғулланиш тушунилади” (БИНА. 22-б). “Тўйинган бозор” яъни товарлар талабга етарли бўлган бозор (БИНА,14-б). Шубхали кредитлар деб 3 тўлов даврида фоиз йиғиндиси тўланмаган ва 1 марта асосий қарз йиғиндиси тўланмаган кредитларга айтилади (Кредит, 101-б).

Шундай қилиб, тўпланган материалларни таҳлил қилиш натижасида метафорик ўхшатиш асосида семантик-синтактик усулда термин яшашнинг кўлами кенгроқ еканлиги аён бўлди. Бу жараёнда ўзбек тилининг қуйидаги лексик қатламлари, аниқроқ қилиб айтганда, терминологик тизимларининг “бойлиги”дан фойдаланиб келинмоқда, яъни улар бошқа лексемалар қуршовида иқтисодиёт терминологиясининг “мулки”га айланиб қолмоқда:

1. Математик терминлар иқтисод термини вазифасини бажариб келиши мумкин: Масалан: *чорак режа, норматив қиймат, дифференциал рента, йиғма кўрсаткич, иш ҳақи*

даражаси, даромаднинг қолдиги, иқтисодий интеграция, бозор ҳажми, нисбий даража, нарх даражаси, фойда миқдори, қиймат ўлчови, бўлинма, қиймат солиғи;

Яна мисоллар келтирамиз: Банк ва миқоз томонидан белгиладиган гаров қиймати шу мулкнинг баланс қийматидан фарқ қилиши мумкин (Мулкдор, 26, 1997). Иқтисодиёт бир маромда, муттасил ривожланиб бориши учун И бўлинма маҳсулоти ресурс бозоридаги талабга, ИИ бўлинма маҳсулоти товар бозоридаги талабга мос бўлиши мумкин (Иқ. наз. 396.) Қоплаш коэффициенти-барча ликвидли маблағларнинг қанчалик даражада қисқа муддатли мажбуриятларнинг жами йигиндисини қоплай олишини кўрсатади (Кредит, 62-б.) Банк миқознинг аризасида кўрсатилган кредит йигиндисининг асосланганлигини текшириши шарт (Кредит, 67-б.)

2. Техника воситалари ва уларнинг қисмлари ҳамда атрибутларини англатувчи терминлар. Масалан: амортизация фонди, машиналашган ҳисоб, кредитнинг еластиклиги, талабнинг егилувчанлиги, бозор механизми. Молиявий механизм ҳар бир соҳа ва бўғинлар бир бутун яхлитликнинг таркибий қисми ҳисобланади (Молия, 27-б). Тезкор биржалар кўпинча биржадаги товарнинг бозор баҳолари ўзгариши натижасида кўрилади (Ҳ.ИИ, 91,5-б). Молия воситаларидаги яна бири емирилиши (амортизация) фондидир (И.Б., 82).

3. Физикавий терминлар билан алоқадор сўзлар иқтисод термини вазифасини бажариб келиши мумкин. Масалан: бозор мувозанати, меҳнат сизими, капитал сизим, нисбий даража, пул массаси, тебранувчи талаб, ўзгарувчан харажат, доимий харажат, ўзгарувчан нарх, мутлоқ даража, талабнинг егилувчанлиги, фонд сизими.

Яна мисолларга мурожаат қиламиз: Талабнинг миқдор даражасини баҳонинг ўзгаришига жавобан ўзгариши талабни егилувчанлигини характерлайди (Иқ. Н. 78). . . . бозордаги талаб ва таклиф нафақат миқдори, балки ўзининг таркиби жиҳатидан ҳам бир-бирига мос келиши керак ва шундагина бозор мувозанатига еришилади (Иқ.Н.78). Иқтисодиётда нархлар мувозанати ёки нисбат деган ходиса бор (ИН, 312). Нархлар нисбати унга таъсир етувчи омилларнинг ҳар хил амал қилишидан келиб чиқади (ИН, 313). Нисбий даража-бу нархнинг харид қобилиятига нисбати, аниқроғи ундаги ҳиссасидир (ИН,313). Пул массаси бозорга чиқарилган товар ва хизматларнинг бозордаги баҳосини белгилайди (БИА, 220-б).

4. Қишлоқ хўжалиги ва унинг атрибутларини англатувчи терминлар: аграр кризис, сохибкорлик, қийматнинг ўсиши, товар хўжжалиги, ўсим, қарз ўсим, ундирилган пул, пул ундириши, унумсиз чиқим, унумсиз харажат, ундириладиган солиқ, иқтисодий ўсиш, талабни ўстириши, агробизнес, агросаноат.

Мисоллар: Солиқ тизими давлат бюджетига ундириладиган солиқлар тури мажмуи, уларни йигиб олиш йўллари ва усулларини ташиқил этиши тушунилади. (Иқ.Н, 91).

. . . Иқтисодий ўсиш шартларини конкрет таҳлил этиши керак (Иқ.Н,103). Иқтисодий ўсишнинг интенсив хусусиятларини ҳисобга олиш билан бирга ишлаб чиқариши самардорлигини тушунчасини ҳам аниқлаб олиш керак (Иқ.Н,113).

5. Ижтимоий фанлар ва уларнинг атрибутларини англатувчи терминлар. Масалан: молия олигархияси, қадрли маблағ, ихтисослаштирилган сармоя, автоном бюджет, абсолют рента, таъсисчилик акциялар, мутлақ наф, еркин савдо, товар моддий қадриятлар, тўлов қобилиятилиги, етакчи валюта, товар туркуми, бозор унсурлари, даромад самараси, ихтиёрий ишсизлик, шиддатли инфляция, ўринбосар товарлар, хайрия фонди, вақф фонди, иқтисодий инқироз, иқтисодий таназзул, пулнинг қадрсизланиши, муомала фондлари.

Яна мисолларга мурожат қиламиз: . . . Иқтисодиётни тушунликка солиб турувчи иқтисодий инқирозлар ижтимоий ишлаб чиқаришда даврийлик хусусиятни касб ета бошлади (Иқ. Н, 105). Ҳар бир корхона айланма ишлаб чиқариши фондлари билан бир қаторда муомала фондларига ҳам ега (Иқ. Н, 140). Талабнинг ўзгаришига ўринбосар товарларнинг бўлиши ёки бўлмалиги муҳим таъсир кўрсатади (Иқ.Н,270). Молия сиёсати иқтисодиётга татбиқ этишда бир неча умумий ва алоҳида тамойилларга еътибор бериш муҳим ўрин

тутади (Молия, 20-б). Олигополистик бозорда саноқли, озчилик фирмалар ва компаниялар хукмрон бўлади (БИНА, 21-б).

6. Зоология терминлари ҳам иқтисод термини вазифасини бажариб келиши мумкин. Масалан: *ўрмаловчи инфляция, сузиб юрувчи инфляция, югурувчи инфляция.*

Масалан: *Ўрмаловчи, евида бўладиган инфляция. Бунда нарх-наво секин, ўрмалаган ҳолда орта бошлайди. . . . (ИН, 254). Сузиб юрувчи инфляция. Бунда нарх-наво тезроқ ўса бошлайди (ИН,254). Югурувчи инфляция ёки гиперинфляция. Бу ҳаддан ташқари инфляция, нарх-навонинг шиддат билан ўсиши, пул қадрининг зоят тез пасайиши, пул топишга интилишининг минимал даражага келиши билан характерланади (ИН,254). Сузиб юрувчи фоиз ставкаларини евродолларли кредитлар мисолида кўриб чиқамиз (Кредит, 88-б)*

Қисқаси, келтирилган материаллар ўзбек тилининг иқтисодий терминологик тизимида семантик ва семантик-синтетик усул, яъни лексик бирликларнинг маъносини кўчириш йўли билан кўплаб терминлар ҳосил қилинганини яққол тасдиқлайди. Бу жараёнда метафоранинг ўхшатиш принципи муҳим рол ўйнайди.

Туркий тилларда лексемалар ҳосил қилишнинг кенг тарқалган йўлларида бири аффикслар орқали сўз ясашдир. Бу усулнинг терминлар ясаш кўлами кейинги даврларда янада кенгайди, терминологик тизимга мансуб терминларнинг айна шу усул билан ясалаётганлиги шундай далолат беради.

Маълумки, терминлар ҳам адабий тил доирасида мавжуд бўлган сўз ясаш қолип (модел)лари асосида, шунингдек, деривацион аффикслар асосида яратилади.

Терминологиянинг ўзига хос хусусиятларидан бири адабий тилда бирмунча каммаҳсул бўлган аффикс, терминологияда ёки унинг бирор тизимида фаол ёки, аксинча, каммаҳсул бўлиши мумкинлигидир.

Масалан, ўзбек тилининг техника терминологиясида-*гич* аффикси ўта маҳсулдор бўлса, тадиқот объектими бўлган иқтисодиёт терминологиясида ушбу аффикс иштирокида термин ясалганлигини тасдиқловчи биронта мисолга ега емасмиз.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, терминологияга оид тадиқотлардан маълум бўлишича, бирор терминологик тизимда аффиксация усули билан терминлар ясаш бир қадар фаол бўлса, бошқасида еса каммаҳсулдир. Масалан, ўзбек тилининг техника, музикашунослик, терминологияларида термин ясашда кўплаб аффикслар иштирок етгани ҳолда, касалликлар, доришунослик, химия терминологияларида термин ясовчи аффиксларнинг миқдори анча чекланган.

Шу нуқтаи назардан ва далиллардан келиб чиқиб ёндошилганда, ўзбек тили иқтисодий терминларининг маълум қисмини аффикслар иштирокида ясалган терминлар ташкил етиши маълум бўлди. Бу масалага ойдинлик киритишдан олдин иқтисодиёт терминологиясида ишлатилаётган туб асосли, яна ноясама терминлар ҳам мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтиш лозим бўлади. Чунки уларнинг аксарияти ясама ёки бирикма иқтисодий терминлар пайдо бўлишининг асоси ҳисобланади.

Ҳозирги босқичда иқтисодиёт соҳасида қўлланаётган туб терминларнинг сони юздан ортиқдир. Булар жумласига асли ўзбекча (баъзилари умумтуркий) ёки ўзлашма (улар ўзи доир тилда ясама ёки қўшма бўлишидан қатъий назар, ўзбек тилида морфематик қисмларга ажратилмаслиги туфайли туб мақомини олади)терминлар киради. Мана шундай туб, яъни ноясама иқтисодий терминлар сирасига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: *гаров, иш, буюм, бой, бозор, қиймат, даромад, нарх, қарз, рақобат, савдо, тариф, товар, заём, вексел, брокер, демпинг, депозит, грант, давлат, фонд, пошлина, банк ва б.* Келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, ҳозирги босқичда ўзбек тилининг иқтисодий терминологик тизимида тузилиши жиҳатидан содда, яхлит ўзак-негиз сифатида қараладиган туб терминлар ҳам анча ўринни егаллар экан.

Шу билан бирга иқтисодиёт терминологиясида содда терминлар асосида юзлаб ясама терминлар ясалганлигини кўриш мумкин.

Аффиксларнинг сўз ясаш соҳасида сермаҳсуллиги ўзбек тилининг туб моҳиятидан, яъни уларнинг агглютинативлик хусусиятидан келиб чиқади. Бунда янги тушунчаларни

ифодалаш учун тилда мутлақо янгидан пайдо бўлган лексемалардан эмас, балки мавжуд луғавий бирликларга ясовчи аффикслар кўшишдан ҳосил бўлган лексемалардан ҳам фойдаланилади.

Лексемаларни ҳосил қилувчи аффикслар ясама терминлар ясашида иштирок этади. Кези келганда айрим терминологик ишларда бундай ҳолатга етибор берилмаслигини қайд этиб ўтишни ўринли, деб биламиз. Чунки, ясовчи унсур воситасида ҳосил қилинган ясама мустақил маъноли термин ҳисобланса, улар ёрдамида юзага келтирилган бирикмаларнинг биринчи компоненти термин элемент ҳисобланади. Шу боисдан, қуйида биринчи галда ясама терминларни юзага келтирган ясовчи элементлар хусусида сўз юритилади.

Лисоний далиллардан келиб чиқиладиган бўлса, иқтисодиёт терминологиясида қуйидаги аффикслар иштирокида айти шу соҳанинг терминлари ҳосил бўлганлигини кўриш мумкин.

1. -чи аффикси иштирокида.

Ўзбек тилида жуда фаол бўлган -чи қўшимчаси биринчи галда, турли категорияларга оид шахс номларини ясаб келади. Иқтисодий терминологик тизимида ҳам у иқтисоднинг бирор соҳасида иш олиб борувчи шахс маъносидаги кўплаб терминларни ясаб келади. Масалан, *иқтисодчи, хазиначи, сараловчи, ижарачи, истеъмолчи, солиқчи, таъминловчи, пудратчи, саноатчи, ҳисобчи, назоратчи, молиячи, омонатчи, рақобатчи, буюртмачи, кафолатловчи* ва бошқалар. Фикримизни янада қувватлаш учун айрим матнли мисоллар келтирамиз: *Шу жиҳатдан судхўрлик ривож топади, яъни қарз берувчи киши берган пулини кафолатловчи ва пулини қадрсизлатиб кетишдан сақлаш йўлини қидира бошлади* (Мулкдор, 153). *Демак, таъмагир тафтишчиларга қарши қонун йўли билан кураш олиб бориш зарур* (Хуррият, 1997, 17.12). . . . *айниқса ҳисобчилар ушбу ўзгаришлардан вақтида бохабар бўлиб улгурушмаяпти* (Хуррият 1997,17.12). *Бозорчи-бу бозорга савдо-сотик еҳтиёжи билан келган киши* (БИНА, 7-б).

2. -ма аффикси иштирокида.

Маълумки, -ма аффикси ўзбек тилида хилма-хил маънони ифодаловчи лексемалар ясади. Унинг айримлари терминологик тизимларда бирмунча фаол эканлигини қатор илмий ишлар мисолида кўриш мумкин. Бу аффикс ёрдамида, гарчи кам миқдорда бўлса ҳам, ҳар ҳолда айрим иқтисодий терминлар ясалганки, қуйидаги мисоллар фикримизни тасдиқлай олади: *гамлама, устама, уюшма, бирлашма, тузилма, буюртма, бўлинма, ундирма*. Мисоллар: *Улгуржи-воситачи тузилма бозор муассасаларнинг энг муҳимларидан биридир* (Мулкдор, 48,163). *Давлат буюртмасининг улуши анча камайтирилди* (ИН, 22). *Оддий такрор ишлаб чиқариш воситалари ҳар иккала бўлинмадаги моддий сарфларни қоплайдиган ҳажмларда ишлаб чиқариш керак* (Иқ,Н. 102). *Жамғармалар ва истеъмолдан воз кечиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги унчалик яққол кўринмайди* (БИНА, 153 б). *Хусусан, даврда бюджетга икки тўлов тури, яъни оборот солиғи ва фойдадан ажратма муваффақиятли ишлар еди* (БИНА, 233-б). *Агар харидор тўлов ҳужжатлари ёзилгандан сўнг, шартномада келишилган маълум давр ичида тўловни амалга оширса тўлов йиғиндисидан чегирма берилади* (Кредит, 15-б).

3. -кор аффикси иштирокида:

Мазкур аффикс асосдан англашилган нарса-предметни етиштириш билан шуғулланувчи шахс отини ясама (пахтакор, ғаллакор каби), иқтисодий терминологик тизимда мавҳум отларга қўшилиб, улардан англашилган иш-ҳаракат билан шуғулланувчи шахс оти ясади: *чоракор, тадбиркор, тежамкор, соҳибкор ва б. Қонунчилик қониқтирилмаган ҳолати тадбиркор ташаббусини сусайтиради*. (Молия, 27-б).

Яна қуйидаги мисолларга етибор берамиз: *Ўтган ҳафтада вилоят марказида “Кичик ва ўрта тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш” мавзуида семинар кенгаши бўлиб ўтди* (Мулкдор, 1997,27.04). *Бошқа юртдан товар олиб келувчига барака ва еҳтиёткор дейилган* (Мулкдор, 1997, 153). *Молиявий ва тезкор, тез муддатли . . . ишлаб чиқилмаган* (БИНА, 227-б).

4. -дор аффикси иштирокида.

Бу аффикс асосдан англашилган нарса-предметга ега бўлган шахс номини ҳосил қилади. Масалан, *мулкдор, харидор, қарздор, насиядор, сармоядор, хиссадор* ва б. *Маълумки, мулкдор топган мулкининг ҳалол бўлиши учун закот бермоғи шарт* (Мулкдор, 1997, 153). *Товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар тез даромадларидан фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибда тартибда қилмоқ керак* (ИК,16). *Сотувчи ва харидорнинг иқтисодий аҳволи бозор конъюктурасига, бозорнинг жорий ҳолатига боғлиқ бўлади* (Иқ.Н,76). *Харидор нуқтаи назаридан ўта муҳим ҳисобланса шунчалик шу товарга бўлган еластиклик (ўзгарувчанлик) коэффициенти паст бўлади* (БИНА, 62-б).

5. *-нома* аффикси иштирокида.

Бу аффикс иқтисодий терминологик тизимда асосдан англашилган нарсани ифодаловчи матн, хат ва шу кабиларни билдиради. Масалан, *омонатнома, шартнома, аҳднома, йўриқнома, рухсатнома, сўровнома, топшириқнома*. Масалан: *Шунга мувофиқ равишда амалдаги йўриқномалар, қоидалар ҳам тез ўзгариб турибди* (Хур. 17,12.97). *Кафолатнома кредит олувчи хорижий харидор жисмоний шахс ва хусусий-ҳуқуқий шахс бўлган тақдирда берилади* (Кредит, 100-б)

6. *-от (-ат, -ёт, -ят)* аффикси иштирокида.

Аслида арабий лексемалар таркибидагина луғавий бирликларни ясаб келган мазкур сўз ясовчи қатор терминологик тизимларда бир қадар фаоллиги билан иштирок етиб келмоқда. Буни қуйидаги иқтисодий терминлар мисолида яққол кўриш мумкин: *тақсимот, ҳисобот, иқтисодиёт, қадрият, таъминот, маҳсулот, рақобат* ва б.

Яна мисолларга мурожаат етамиз. *Меҳнат тақсимоли қанчалик чуқурлашса, шунчалик меҳнат унуми юқорилашади* (ИН,77). *Бозор муносабатлари иқтисодиётнинг ҳамма жабҳаларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳам ўз ичига олади* (ИН, 338). *Рақобат-басма-басликка беллашув, ким ўзади қабилда қурашув демакдир*. (БИА, 275-б)

7. *-хона* аффикси иштирокида.

Божхона, зарбхона. Масалан, *Божхона-чегара орқали ўтадиган жами юкларни, шу жумладан, багаж ва почта жўнатмаларини назорат қиладиган давлат муассаси* (Боз. Иқт., 15)

8. *-лик* аффикси иштирокида.

Ўзбек тилшунослигида мазкур аффикснинг сўз ясаш хусусиятлари хусусида қатор мақолалар, ҳатто номзодлик диссертацияси ҳам ҳимоя қилинган. Бу ишларда унинг асосий вазифаларидан бири мавҳум отлар яшадан иборат еканлиги алоҳида таъкидланган. Иқтисодиёт ҳам кўпроқ абстракт тушунчалар билан иш кўрганлиги боисидан унинг терминологик тизимида *-лик* аффикси ёрдамида кўплаб терминларнинг ясалганлигини қуйидаги мисоллар яққол тасдиқлай олади: *тахчиллик, танқислик, мулкчилик, фойдалилик, боқимандалик, манфаатдорлик, маҳсулдорлик, рентабеллик, хўжалик, устуворлик, самарадорлик, етуклик, алоҳидалик, мустақиллик*.

Мисолларга еътибор беринг: *Рентабеллик амалда фойдалиликни билдириб, корхона ва тармоқлар фаолиятининг асосий мезонларидан биридир* (Боз. Иқ. 84). *Хўш, бугунги кунда республика иқтисодий дастурининг моҳиятини таъкидлаётган енг асосий устуворлик ва йўналишлар нимадан иборат?* (ИК,6). *Агар таҳчиллик ҳажми ялпи ички маҳсулот қийматининг 3-5 фоизига тенг бўлиб, ундан ошиб кетмаса, бу иқтисодиёт учун нормал ҳол ҳисобланади* (БИА, 223-б).

9. *-бе*:

Беҳисоб, бебаҳо, бепул, бефойда, бевосита. Масалан: *Худди шунинг учун ҳам мамлакатимизда болаларнинг илм олишлари бепул амалга оширилади, негаки вақт ганимат, уни бефойда ўтказмаслик керак* (Мулкдор, 38-сон). *Бевосита солиқлар тўғридан-тўғри, очиқ даромад ёки мулкдорларга солинади* (Иқ.Н,92).

10. *-сиз*:

Ҳисобсиз, баҳосиз. *Нақд пулсиз валюта тўловлари ҳужжатларнинг қуйидаги турлари . . .* (Бух. х., 86). *Ишсиз деганда аҳоли иқтисодий фаол қисмининг ўзига иш режа олмасдан, меҳнат резерв армиясига айланган қисми ҳисобланади* (БИА, 321-б). *Мамлакатда сўзнинг*

инфляция жараёни миллий валютанинг мос равишдаги девалвациясиз экспортнинг доллардаги қийматининг пасайишига олиб келади (БИНА, 165-б). Давлат бюджети дефицити қабул қилинар еди (БИНА, 13-б).

Бунда бе- аффикси билан -сиз аффикси синоним ҳолда қўлланган: беҳисоб-ҳисобсиз.

11. -хўр аффикси иштирокида.

Аслида форс-тожик тилларидан ўзлаштирилган яхлит лексемалар таркибида мавжуд бўлган мазкур аффикс ҳозирги босқичда кўплаб асосдан англашилган нарсани доим истеъмол қилувчи, шуни яхши кўрувчи. . . маъносидаги шахс номларини ясаб келганки, у иқтисодиёт терминологиясида ҳам қатор терминлар таркибида ўз “вазифа”сини адо етиб келмоқда. Қуйида келтирилган мисоллар шундан далолат беради: *фойдахўр, судхўр, нафақажўр, меросхўр. Ислом қонунига кўра судхўрлик харом ҳисобланади* (Мулқдор 38, 153). *Бунинг мазмуни шуки, охиратга олиб кетадиган савдо иш шудир, яъни ўзиники, демакдир, чунки ўзидан кейин қолдирган мол-мулк меросхўрга қолади* (Мулқдор,38,153).

12. Ҳозирги иқтисодиёт терминологиясида, қайд етилган аффикслардан ташқари, гарчи кам миқдорда бўлса-да, яна айрим аффикслар иштирокида терминлар ҳосил қилинган. Шундай аффиксли иқтисодий терминлар жумласига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

а). -м (-им) аффиксли терминлар: *боқим, битим, кирим, чиқим. Нақд валюта-кирим; нақд валюта чиқим* (Бух.Х. 86). *Давлат ёки бошқа бировга боқим бўлиш йўқола бошлади* (Мулқдор,38-сон).

в). -в (-ов) аффиксли терминлар: тўлов, ўлчов.

Масалан: *Кафолат (кафиллик) учинчи шахс қарз олувчининг тўлов қобилиятига юз берган* (Мулқдор, 38(153). *Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, кириш-чиқим ордери, ҳисоб-китоб чеки ташқи ҳужжатлар ҳисобланади* (Бух.х.87).

в). -қ (-иқ) аффиксли терминлар: солиқ, сотиқ.

Солиқлар икки вазифани ўтайди (Иқ.Н, 91). *Савдо-сотиқ йўли инсон ҳаётидаги ягона товар алмашинуви йўли бўлиб қолган* (Мулқдор, 38).

г). -гар аффиксли терминлар: савдогар.

Масалан: *Савдогар аёлларимизнинг бола-чақаларини ўз ҳолига қўйиб, хорижга тижоратга боришлари-ю, бозорларда савдо қилиб ўтиришларига қандай қарайсиз* (Мулқдор, 38).

13. -ш (-иш) аффикслари иштирокида.

Ҳозирги ўзбек тилида, хусусан, унинг терминологик тизимларида -ш(-иш) аффикси фаоллашиб кетганлиги лексикология, терминологияга бағишланган қатор тадқиқотларда алоҳида таъкидланган. Уларда баён етилган фикрларнинг қай даражада тўғри ва ҳақли эканлигини фактлар ҳам яққол тасдиқлай олади. Чунки ўзбек тилининг иқтисодий терминологиясида мазкур аффикс ёрдамида ҳосил қилинган юзлаб терминлар ўз вазифасини бажариб келмоқда.

Масалан: . . . *дебитор қарзларни ундириш бўйича шартнома асосида консалтинг хизматлари кўрсатилмоқда* (Хур. қ. 12,97). *Савдони чеклашларида миллий даромад бўлиши лозим бўлган даражадан паст* (БИНА,157). *Халқаро савдони еркинлаштиришнинг узоқ жараёни давомида кўпчилик ривожланган саноат мамлакатлари ўзларининг таъриф чеклашларини пасайтирадилар* (БИНА,156-б). *Амалда ривожлантириш энг муҳим ҳўжалик механизмнинг дастаги сифатида асосий звено бўлиб ҳисобланар еди* (БИНА, 124-б).

Мазкур аффикс ёрдамида ясалган терминларнинг кўплаб ишлатилаётганлигини қуйидаги манбада қўлланган терминлар ҳам исботлайди: *йўналишлар* (5), *хусусийлаштириш* (6), *шакллантириш, қадрсизланиш, жиловлаш, барқарорлаштириш* (7), *соғломлаштириш, рақобатлаштириш* (8). *Ҳимоялаш, покланиш* (20), *акционерлаштириш* (23) ва бошқалар.

Келтирилган мисолларнинг айримлари тегишли манбаларда ишлатилган ва “Изоҳли луғат”дан ўрин олган бўлса-да, баъзилари, масалан, *хусусийлаштириш, барқарорлаштириш, соғломлаштириш, ҳимоялаш, акционерлаштириш, тижорат-лаштириш* кабилар янги лексик бирликлар сифатида қаралмоғи керак.

Иқтисодий терминологик тизимда, қайд етилганлардан ташқари, айрим мураккаб аффикслар иштирокида ҳам термин яшаш анча фаоллашганлиги кузатилди. Мана шундай аффикслар жумласига қуйидагиларни келтириш мумкин.

1. Иқтисодий терминларнинг *-чилик* аффикси билан ясалиши.

Иқтисодиётга оид терминологик тизимда *-чилик* аффикси бирор нарса билан боғлиқ бўлган ҳолатни англатувчи терминларни ясайди: *тижоратчилик, мулкчилик, касаначилик*. Яна мисолларга мурожаат етамиз: *тижоратчилик фаолиятининг алоҳида унсурлар, турли ишга оид алоқалар тижорат сири деб белгилаш мумкин* (Осиё бозори, 1996, 201-б). *Мулкчилик муносабатлари-жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлардир* (И.Н., 130). *Булар қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган корхоналаргина эмас, балки сермеҳнат, шу жумладан, касаначаликка асосланган ишлаб чиқаришлар, халқ хўнарамандчиликлари ҳам бўлиши керак* (И.К.,12). *Бозорчилик-бу бозорга хос муаммолар қоидалари, расм-русум ва ш.к.* (БИНА, 7-б).

2. Иқтисодий терминларнинг *-корлик* мураккаб аффикси билан ясалиши. Форс-тожикча *-кор* аффиксига асли ўзбекча *-лик* ясовчисининг қўшилиб кетишидан ҳосил бўлган *-корлик* аффикси ҳам кўплаб иқтисодий терминлар яшашда иштирок етиб келмоқда: *тежамкорлик, тадбиркорлик*. Яна мисолларга мурожаат етамиз: *Айни пайтда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида анча-мунча тажриба ҳам тўпланган* (Мулкдор, 97, 205). *Қонунчиликнинг қониқтирмаган ҳолати тадбиркорлик ташаббусини сусайтиради* (Молия, 27-б).

3. Иқтисодий терминларнинг *-лилик* аффикси билан ясалиши. Тадқиқот объектимизда айна шу аффикс иштирокида ясалган қатор терминлар иқтисодиёт соҳасида кенг қўлланмоқда. Масалан: *тежамлилик, унумлилик, ликвидлилик*. Масалан: *Ликвидлилик коэффициенти қуйидаги формула асосида ҳисобланади* (Кред, 63-б).

4. Ўзбекча *-лик* ва форсий *-дор* аффиксларининг бирикувидан ташкил топган мазкур мураккаб аффикс иқтисодий терминлар таркибида иштирок етмоқдаки, буни қуйидаги мисоллар тасдиқлай олади: *маҳсулдорлик, мулкдорлик, акциядорлик, самарадорлик, унумдорлик* ва б. Яна мисолларга мурожаат етамиз: *Самарадорлик -ишлаб чиқариш натижасининг (маҳсулотнинг) ҳаражатлар нисбатига кўра аниқланади* (Иқ. Н. 113). *Маҳсулот миқдорининг (ММ) жонли меҳнат сарфига (ЖМ) нисбати меҳнат унумдорлигини ММ: ЖМни ифодалайди* (Иқ. Н. 113). *Шу сабабли, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг юқори самарали индустриал услублари, илгор механизация ва агрохимия усуллари ниҳоятда секинлик билан жорий етилмоқда. Бунинг натижасида унумдорлик даражаси ҳам, маҳсулдорлик даражаси ҳам паст бўлмоқда* (ИҚ, 11). *Самарадорлик синтетик ва умумлашган кўрсаткич бўлиб, интеграл характерга ега, яъни ўзида ишчи кучи, ишлаб чиқариш фондлари, моддий харажатлардан фойдаланиш кўрсаткичларини яхлит ҳолда ифодалайди* (БИА, 104-б).

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги ўзбек тилининг иқтисодий терминологик тизимида морфологик усул билан терминлар ҳосил қилиш анчагина фаолдир, чунки бу жараёнда хилма-хил аффикслардан ёки аффиксоидлардан кенг фойдаланиб келинапти. Демак, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида янги-янги терминларнинг кириб келиши иқтисодиёт терминологиясининг бойиб боришига сабаб бўлмоқда.

Тушунчаларни ифодалаш мақсадида тилнинг ички ривожланиш қонунларига амал қилиниши исбот талаб етмайдиган аксиомадир.

Бу борада, биринчи галда, туб, ясама ҳамда қўшма лексемалардан фойдаланилса, иккинчидан, ҳар қандай тилнинг катта имкониятларидан бири-мустақил маъноли икки ва ундан ортиқ сўзларни бир-бири билан грамматик жиҳатдан бирлаштириб ифодалаш усулидан ҳам фойдаланилади. Натижада тушунчаларни у ёки бу тарзда ифодалашнинг қамрови янада кенгайди. Бу еса ҳар қандай соҳа ва тармоқ терминологик тизимларида уларнинг барқарорлашувига олиб келади. Ҳақиқатан, борлиқдаги жамики тушунчаларни туб, ясама, қўшма лексемалар воситалари билангина ифодалаб бўлмайди. Айна шундай ҳолатда лексемалар бирикмаларидан кенг фойдаланишга уриналади. Терминология масалаларини

ўрганишга бағишланган тадқиқот ишлар ва монографияларда ҳам бирикма терминларнинг ўрни жуда муҳим еканлиги қайд етилган.

Ўзбек тилининг иқтисодиёт терминологиясида, бошқа терминологик тизимларида бўлганидек, иқтисодий тушунчаларни бирикма воситасида ифодалашнинг ўзига хос бир йўли қарор топди. Бу ҳол ўзбек тилида юзлаб иқтисодий терминларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Мисол учун “Ишбилармон луғат” ни олиб кўрайлик. Унда бош луғат мақоласи қилиб олинган жами мингтага яқин иқтисодий термин ўз ифодасини топган.

Келтирилган далилдан иқтисодга алоқадор бирикма терминларнинг миқдори анчагина еканлиги аён бўлиб турибди. Енди уларнинг грамматик жиҳатида ясалиши ҳақида гап кетар екан, қатор масалаларни кўриб чиқишга тўғри келади.

Шундан келиб чиқиб, аввало, иқтисодга алоқадор бирикма терминларни тузилишига кўра таҳлил қилиб чиқамиз.

Барча терминологияда ҳам икки ва ундан ортиқ компонентли бирикма терминлардан фойдаланилмоқда.

Йиғилган материалларнинг кўрсатишича, бу соҳада икки компонентли терминлар миқдор жиҳатдан кўплиги билан ажралиб туради. Яна “Ишбилармон” луғати”га мурожаат қиламиз. Луғатда, юқорида қайд етилганидек, жами бирикма терминга изоҳ берилган бўлиб, унинг кўп қисми икки компонентлари ташкил етади: *тижорат ҳисоби, тафтиш далолатномаси олтин қамал, олтин ғамламаси, омонат гувоҳномаси, солиқ имтиёзлари, тирикчилик қиймати* ва бошқалар.

Шу билан бирга, мазкур луғатда озроқ қисми уч компонентли (*нархнинг ташкил топиши, масъулияти чекланган ширкат* каби) ундан камроқ қисми тўрт ва ундан ортиқ компонентли (*векселни хатлаб олиш проценти, ўзаро тўловларни ҳисобга олиш, мумкин қадар қулайлик бериш тартиби* ва бошқалар) термин мавжуд еканлиги аён бўлди. Демак, иқтисодий терминологиянинг кўп қисмини икки компонентли бирикмалар ташкил етар екан. Шу боисдан куйида бу каби бирикмаларнинг грамматик жиҳатдан таркиб топиш усулларини кўриб чиқиш лозим, деб топилди (уч ва ундан ортиқ компонентли бирикмаларнинг ясалиши айни шу омилдан келиб чиқиши туфайли уларга алоҳида тўхтаб ўтилмайди).

Маълумки, туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам икки қисмли терминологик бирикмалар тил материалига қараб, асосан от+от ёхуд сифат+от модели асосида ясалган бўлади. Шунга кўра куйида мана шу бирикмаларни алоҳида-алоҳида қараб чиқамиз.

1 От+от моделида ясалган бирикма терминлар.

Бошқа туркий тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам от+от типдаги бирикмалар изофа орқали бирикиб келади.

Бундай изофа 3 хил кўринишга егадир.

1) И тип изофа воситасида ҳосил бўлган бирикманинг ҳар иккала қисмининг ўзаро боғлиқлиги сўз тартиби ва бирлаштирувчи интонация билан белгиланади. Иқтисодиёт оламида бу каби бирикмаларнинг бармоқ билан санарли даражада кам. Улар жумласига куйидагилар мисол бўлади: *ер рента, бозор нарх, уй бека* каби.

2) ИИ тип изофали бирикма бирор предмет, нарса, воқеа-ҳодисага қарашлилигини, мансублигини англатади.

Бу хилдаги бирикмаларнинг қаратқич компоненти-и ёхуд -си егалик қўшимчаси билан шакллантирилади, қаралмиш компоненти еса грамматик қўшимчаларга ега бўлмайди. Шу хилдаги иқтисодий терминлар жумласига куйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: *сотиш устамаси, божхона бошқармаси, савдо вакили, талаб кўлами, қарз тилхати, пул муомаласи, таннарх кўрсаткичлари, давлат қарзи* ва б. *Қарз пули учун ишлатилганда фоиз ставкаси даромаднинг бир қисми бўла олмайди* (Кредит, 81-б). *Молия интизомига риоя қилиш учун молиявий назорат, корхона, ташиқлот ва муассасалар жавобгарлиги билан узвий боғлиқликда бўлади* (Молия, 49-б). *Агар бўнак тўловлари кам тўланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланган суммага қараганда қўшимча ҳисобланган суммага чораклик ҳисоб беш кун ичида ҳисобот тақдим етилган* (БИНА, 240-б).

Мисоллардан шундай хулосага келиш мумкинки, ИИ тип изофаи бирикмалар ўз ўрнида ишлатилмоқда, яъни тушунчаларни тўғри ифодаламоқда.

3) Бирикма терминларнинг бу хили бошқа терминологик тизимларга қараганда изофанинг ҳақиқий бўлмиш ИИИ тип асосида шакллантирилган бирикмалар ўз ўрнида қўлланилган. Масалан: *пулнинг қадрсизланиши, даромаднинг тақсимланиши, ҳамкорликнинг ривожланиши, товарнинг қиймати, маҳсулотнинг баҳоси, фондларнинг самарадорлиги, кредитнинг қайтариллиши, сўмнинг қиймати. Ҳар бир товарнинг фойдалилиги ўздан кейинги шу товарнинг фойдалилигидан юқори ва аксинчадир* (БИНА, 70-б). *Саноатнинг юксалиши кишлоқ хўжалигини ҳам шиддат билан ўсишига олиб келди.* (БИНА, 86-б).

Аниқланишича, объектимизда ИИИ тип изофа кўпроқ ишлатилар экан. Шу боисдан қайд етилган изофанинг учинчи типидан кенг фойдаланилмоқда.

Келтирилган мисоллардан ўзбек тилининг иқтисодиёт терминологиясида изофа бирикма терминлар ўзига хос ўринни егаллаб келаётганлиги аён бўлади.

II. Сифат+от моделида ясалган бирикма терминлар.

Ўзбек тилининг иқтисодий терминологик тизимида сифат+от модели асосида ясалган терминлар салмоқли ўринни егаллайди. Чунки, бундай бирикма терминларнинг аниқловчи компоненти аниқланмиш компонентининг белгиси, хоссаси, хусусияти каби маъноларни ифодалаб келади.

Бундай бирикма терминларни лисоний материалга кўра икки хилга ажратиш мумкин.

а) аниқловчи қисми аслий сифатдан иборат бирикмалар;

б) аниқловчи қисми нисбий сифатдан ташкил топган бирикма терминлар.

Аслий сифат+от модели асосида ясалган бирикма терминлар иқтисодиёт терминологиясида унчалик кўп емас. Шундай бўлса-да, уларни лисоний далил тарзда келтириб ўтиш лозим бўлади. Бундай бирикмалар сирасига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: *ялли маҳсулот, мавҳум меҳнат, соф даромад, муқобил савдо, мухбир банк, улгуржи нарх, чакана нарх, хуфия иқтисодиёт, еркин бозор, ташқи аудит, устувор йўналиш ва б. Бозор иқтисодиётига ўтишининг турли моделлари барча мамлакатларни битта манзилга-еркин бозор иқтисодиёти тизимига олиб келди* (БИНА, 97-б). *Ташқи аудитнинг махсус аудит фирмаси бўлиб, . . . бошқа хўжалик субъектлари билан биргаликда шартнома асосида олиб борилади* (Молия, 52-б). *Қуйидаги энг муҳим вазифалар, яъни устувор йўналишлар “Ўзбекистон йўли”нинг учинчи таркибий қисмига киради* (БИНА, 102-б).

Нисбий сифат+от модели асосида ясалган бирикма терминлар еса микдорнинг кўплиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳисоб-китобларга қараганда бу каби бирикмаларнинг сони 200 тадан ҳам ошиб кетади. Мазкур типдаги бирикма терминларнинг аниқловчи компоненти хилма-хил сифат ясовчи қўшимчалар билан ифодаланишини алоҳида таъкидлаб ўтамыз.

Қайд етиш лозимки, ўзбек тилининг иқтисодиёт терминологиясида ҳам бошқа терминологик тизимларнинг мулки бўлмиш аниқловчили бирикмаларни ҳосил қилувчи сифат ясовчи қўшимчалар иштирок етар экан.

Бироқ бу ўриндаги фарқ шундан иборатки, айрим сифат ясовчи аффикслар ниҳоятда сермахсул бўлса, бошқалари бир қадар каммахсулдир.

Тўпланган материаллар таҳлилидан иқтисодиёт терминологиясида қайд етилган моделли бирикмаларнинг аниқловчи компоненти қуйидаги сифат ясовчи аффикслардан иборат эканлиги маълум бўлди:

1. -ли аффиксли бирикмалар. Маълумки, ўзбек тилида *-ли* аффиксининг вазифаси ниҳоятда кенг камровлидир. Бироқ унинг энг асосий функцияси от туркумига оид сўзларга қўшилиб, “егалик”, “мавжудлик” каби маъноларни англашиб келиши кўплаб ишларда қайд етилган.

Иқтисодиёт терминологиясида ҳам мазкур аффиксли бирикмаларнинг фаол термин сифатида кўп қўлланилади. Масалан: *сифатли маҳсулот, унумли меҳнат, имтиёзли бож,*

муддатли омонат, қимматли қоғоз, вақтинчалик иш, қисқа муддатли кредитлар. Қисқа муддатли кредитлар, одатда айланма маблағларни ҳосил этиш учун йил муддатга берилади (ИҚ, Н, 122). Қимматли қоғозлар бу муайян бир давлат қонунларида белгиланган тартибда муомалага чиқарилган ва номинал қийматга ега бўлган пуллик ҳужжатдир (Молия, 55-б). Фоизли ставка маълум даромад, қиймат ва бошқаларга нисбатан фоизларда белгиланади.

2. -ма аффиксли бирикмалар. Мазкур ясовчи иқтисодиёт терминологиясида “бирор ҳаракатга мойиллик” маъносига ега терминэлементларни ҳосил қилиб келади. Қуйидаги мисоллар шундан далолат беради: *устама ҳақ, устама фойда, солиштирма меҳнат, ўтма сўм, айланма фонд, қўшма корхона, қоплама келишув, айланма маблағ, жамғарма воситаси, ундирма саноат.* Масалан: *Айланма маблағлардан фойдаланиши самарадорлиги айланишининг тезлиги билан боғланади* (ИҚ, Н., 140). *Қўшма корхона жумҳурият ичкарисида ташиқи миллатлар иштирокида ўзаро манфаатдорлик асосида қуриб ишга туширилган корхонадир* (ИҚ,Н.,132). *Жамғарма воситаси-бу пулнинг жамланган бойлик шаклига кириб, ўз егаси учун керак бўлганда харид этиши воситаси бўлиб хизмат қила олишидир* (Пул, 35-б)

3. -сиз аффиксли бирикмалар. Бу аффикс воситасида ўзақдан англашилган маънога ега емаслик, яъни инкор маъноси ифодаланадиган бирикмалар ясалади: *нархсиз рақобат, сифациз маҳсулот, режасиз хўжалик, вориссиз мулк, муддациз омонат, божсиз савдо, унумсиз меҳнат, фойдасиз келишув* ва б. Масалан: *Тартибсиз бозор босқичи. Бу босқичда бозор алоқалари стихияли тарзда ўрнатилади* (ИН, 218). *Чексиз еҳтиёжни тўлароқ қондириши чекланган ресурслардан самарали фойдаланишини тақозо этади* (БИНА, 52-б). *Умидсиз кредитларни қоплаш мақсадида ташиқил этиладиган заҳира фондини ҳосил қилиши тартиби АҚШ ва Шарбий Европада ягона усул бўйича амалга оширилади* (Кредит, 100-б).

4. -чи аффиксли бирикмалар. Бу аффикс аслида еркалаш-кичрайтириш маъносидаги от ясовчи ҳисобланади. Бироқ терминологик тизимларда унинг мазкур маъноси у қадар сезилмайди, аксинча, муайян объектнинг белгисини билдирувчи сифат ҳосил қилади: *қўшимча маҳсулот, қўшимча қиймат, ортиқча ҳаражат, қўшимча фойда* ва б. *Бироқ ресурслар чекланганидан бир маҳсулотни кўпайтириши иккинчисини камайтиради, чунки қўшимча маҳсулот, қўшимча ресурс талаб қилади* (БИНА, 52-б).

5. -ий (-вий) аффиксли бирикмалар. Иқтисодиёт терминологиясида аниқловчи қисми -ий, -вий аффикси билан ясалган бирикма терминлар ҳам тез-тез учраб туради: *иқтисодий инқироз, мулкий шакл, ижтимоий мулк, молиявий интизом, хусусий мулк, нисбий миқдор, маҳаллий солиқ.* Масалан: *Асосий фондлар-ўз қийматларини ишлаб чиқаришининг бир босқичида емас, бир неча босқичи давомида тайёрланаётган маҳсулотга қисман-қисман ўтказиб борилади* (ИҚ, Н, 138). *Демак молиявий бақувват бўлиши рақобатга чидамли бўлиши демакдир* (ИН, 371). *Молиявий назоратнинг бу шакли амалдаги қонунчилик ва норматив актлар бузилишининг олдини олишга хизмат қилади* (Молия, 43-б). *Бинобарин, иқтисодий еркинлик умумий еркинликнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади* (БИНА,113-б). *Таркибий ишсизлик турли ҳудудларда, турли соҳа ва иш турларига ишчи кучининг талаб ва таклифнинг номувофиқлиги натижасида келиб чиқади.* (БИА, 322-б).

6.-чи аффиксли бирикмалар. Иқтисодиёт терминологиясида аниқловчи қисми -чи аффикси билан ясалган бирикма терминлардан ҳам фойдаланилаётганлигини қуйидаги мисоллар билан тасдиқлаш мумкин: *ёрдамчи тармоқ, етакчи иқтисодчи, баҳоловчи шахс, воситачи савдо* ва б.

Шу билан бирга, иқтисодиёт терминологиясида сифатдош+от типидagi бирикма терминлар ҳам тез-тез учраб туради: *чекланган ҳаражатлар, кечиктирилган талаб, уюшган нархлар, чекланган ҳаражатлар* ва б.

Иқтисодиёт терминологиясида қўшма аффикслар орқали бирикма терминлар ҳам ясалади. Улар жумласига *мулкчилик муносабатлар, соҳибкорлик даромади, қарздорлик ҳужжати, тирикчилик қиммати* каби терминларни киритиш мумкин. Масалан: *Ҳиссадорлик жамиятлар муомалага оддий акциялар чиқариши билан бирга, имтиёзли акциялар ҳам чиқариши имкониятига егадирлар* (Молия, 57-б). *Ишсизлик даражаси деганда жами ишсизлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли сонига бўлган нисбати тушунилади* (БИА, 327-б).

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, иқтисодиётга алоқадор бирикма терминлар ичида содда бирикма терминлар кўплиги билангина эмас, балки иқтисодий тушунчаларни тўғри, аниқ ва ихчам тарзда ифодалаб келиши билан ҳам ўзига хос афзалликларга егадир.

Таянч сўз иборалар:

1. Ички манба
2. Ташқи манба
3. Семантик усул
4. Морфологик усул
5. Синтактик усул
6. Кўчма маъно
7. Кредитнинг еластиклиги
8. Ўрмаловчи инфляция
9. Олтин қамал
10. Қалқон кредит
11. Молиячи
12. Ундирма
13. Тадбиркор
14. Сармоядор
15. Кафолатнома
16. Меросхўр
17. Мулкчилик
18. Икки компонентли термин
19. Ер рента
20. Қарз тилхати
21. Кредитнинг қайтарилиши

Такрорлаш учун саволлар:

1. Терминлар қандай кўпаяди?
2. Ички манбаларга нималар киради?
3. Ташқи манбалар нималардан иборат?
4. Сўз ясалишининг қандай усуллари мавжуд?
5. Семантик сўз ясалиши деганда нимани тушунаси?
6. Морфологик сўз ясалиши нима?
7. Синтактик сўз ясалиши нима?
8. Қайси усул фаол ҳисобланади?

5-мавзу: Иқтисодиёт терминларини қўллаш мезони ва тартибга солиш масалалари

РЕЖА:

1. Терминнинг қонун-қоидалар асосида яратилиши ва мезон.
2. Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясида синонимиянинг пайдо бўлиш сабаблари.
3. Терминларни тартибга солиш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий тараққиётда рўй бераётган ўзгаришлар, фан-техника, маданият ва санъат, халқ хўжалигининг хилма-хил тармоқлари тобора ривож топиб бораётганлиги каби экстралисоний омиллар минглаб янги тушунчаларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бинобарин, ўзбек тилида ана шу минглаб тушунчаларни ифодаловчи минглаб терминлар ҳам юзага келди.

Пировардида, айниқса, XX асрнинг 80-йилларидан кейин янгитдан юзага келган тушунчаларни қай тарзда ифодалаш лозимлиги масаласи кўндаланг бўлди. Бу муаммо еса, очигини айтиш керак, стихияли равишда юз бера бошлади. Натижада ҳар ким ўз билганича “термин” топиб ёки “ясай” бошлади. Бундай ҳатти-ҳаракат оқибати ўларок, ўзбек тилининг терминологик тизимларида хилма-хилликлар пайдо бўла бошлади. Терминологияда салбий деб қараладиган синонимия, омонимия, полисемия каби тил ҳодисаларига кенг йўл очиб берилди. Бундай ҳолат барча терминологик тизимларда, шунингдек, иқтисодиёт терминологиясида ҳам тез-тез рўй бера бошлади.

Маълумки, терминология соҳасида юз берган бундай салбий ҳолат информация алмашиш жараёнини қийинлаштириб юборишга олиб келади.

Шу боисдан иқтисодиёт терминологиясида содир бўлган айрим тартибсизликларнинг олдини олиш масаласини махсус кўриб чиқиш лозимдир.

Маълумки, барча соҳаларда бўлганидек, иқтисодиёт терминологияси ҳам терминларни тартибга солиш масалалари ҳамиша жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб келди. Илмий жамоатчилик яхши биладики, ўтган асрнинг 30-йилларида тил-имло масалалари билан боғлиқ равишда терминология муаммолар ҳам тегишли ташкилотлар томонидан уюштирилган қатор тадбирларда махсус кун тартибига қўйилди. 1929 йилда бўлиб ўтган Тил-имло конференцияси бунинг ёрқин намунасидир. Натижада С.Иброҳимовнинг қатор мақолалари, У.Турсуннинг “Ўзбек тили терминологияси” номли рисоласи, кўплаб терминологик луғатлар юзага келдики, улар у ёки бу соҳа терминларини янада пухтароқ тартибга солишда муҳим рол ўйнади.

Ўзбек тилидаги бундай терминларни тартибга солиш соҳасидаги ишлар шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошланган.

Турли соҳалар бўйича терминология луғатларнинг нашр етилиши терминология соҳасида илмий-тадқиқот ишлар олиб боришнинг кучайганлиги терминология соҳасида мавжуд бўлган баъзи муаммоларни ҳал етишни тақозо етади.

Барча фанлар ва техникага доир терминологик ишларнинг мақсади ўша соҳалар мутахассисларининггина емас, балки умуман терминлар воситасида иш кўрадиган ҳар бир шахснинг бир-бири билан информация алмашиш жараёнини амалга оширишдан иборатдир. Бу жараён еса луғатлар воситасида янада жадал тус олади. Шуниси борки, луғатда ўз “тасдиғи”ни олган ҳар бир термин бевосита ёзма нутққа-дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий-тадқиқот ишлар, матбуот саҳифаларига, қолаверса бадиий адабиётга ҳам кўчади. Шундай экан, ҳар қандай термин у ёки бу тушунчани аниқ, тўғри ифодалашни тақозо етадики, улар ўзбек тилининг қонун-қоидаларига биноан яратилиши лозим бўлади. Иқтисод фани бўйича нашр етилган дарслик ва қўлланмалар, илмий-оммабоп асарлар, луғатларда ўз ифодасини топган аксар терминлар ўзбек тилининг ички қонунлари асосида тушунчаларни аниқ ифодалаётгани, бу еса ўқиш-ўқитиш жараёнининг ҳозирги талаблар даражасида бўлишига ёрдам бераётганини кўриш мумкин.

Қадим-қадимдан она тилимизда ишлатиб келинган *солиқ, бозор, иш, пул, мулк, мулкчилик, мол* (“товар” маъносиди), *фойда, жамғариш, корхона, хўжалик, савдо-сотиқ, даромад, меҳнат, бож, божхона, сотиш, сотиб олиш, иш ҳақи, деҳқон хўжалиги* каби юзлаб терминлар шулар жумласидандир.

Бироқ иқтисодиёт фани бўйича ўзбек тилида нашр етилган манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида ўзбек иқтисодиёт терминологиясида ҳам, бошқа соҳалар терминологик тизимларида бўлгани каби, қатор камчилик ва нуқсонлар мавжуд эканлиги аён бўлди. Айни шундай ҳолат иқтисодий терминларни тартибга солиш масалалари билан алоҳида шуғулланиш вазифасини келтириб чиқаради.

Терминларни тартибга солиш амалиётида у ёки бу луғавий бирликни термин қаторига киритишда одатда қуйидаги талаблардан келиб чиқилади: у муайян тизим таркибига кириши ва шу тизим доирасида ягона маъно билдириши, тартибга тушиш белгиларига ега бўлиши, синоним (дублет)ларга ега эмаслиги, қисқа, еслаш ва талаффузи қулайлиги каби талабларга жавоб бериши лозим.¹ Албатта, барча терминлар мазкур талабларга жавоб берганда, терминологияни тартибга солиш деган гап ҳам қўндаланг бўлмас еди. Бироқ амалиётда иш ҳали поёнига етган эмас. Юқорида айтганимиздек, ўзбек иқтисодиёт терминологияси қатор нуқсонларга ега: луғавий ва грамматик синонимиянинг кенг тарқалганлиги, терминлар имлосидаги ҳар хиллик кабилар ана шундай нуқсонлардандир.

Терминология масалаларига бағишланган барча ишларда синонимия терминологиянинг жиддий нуқсони деб қаралган.

Маълумки, мактаб ва олий ўқув юртларида иқтисод фанини ўқитиш, ўрганиш ишлари ХХ асрнинг 20-йилларидангина бошланди. Албатта, бунда ўзбек тилида ишлаб чиқилган, бир тизимга солинган иқтисодиёт терминологиянинг бўлишига еҳтиёж сезилган еди. Натижада, 20-йилларнинг охири ва 30-йилларда рус тилида нашр етилган иқтисодга оид дарслик ва қўлланмалар ўзбек тилига таржима қилина бошланди¹.

Мухими шундаки, таржимонлар ўша вақтлардаёқ бу жараёни имкон борича ўзбек тилида мавжуд бўлган иқтисодий тушунчаларни аниқ ифода етилган умумистеъмолдаги сўзлардан фойдаланганлар. Шу билан бирга, шароит тақозоси билан форс-тожикча, арабча лексемалардан ҳамда русча-байналмилал терминларни таржимасиз ёки калкалаб олишга интилиш бўлган.

Айни шундай ҳолат иқтисодиёт оламида ҳам кўплаб синонимик терминлар қаторларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу ҳар бир тилда, унинг лексикасида рўй бериб келаётган ўзига хос бир лисоний ходисадир.

Маълумки, терминология соҳасида кенг тарқалган синонимия терминшунослар томонидан унинг таракқиёти ва шаклланишининг илк даврига хос ходиса, деб баҳоланади.

Масалан, терминшунос В.П.Даниленко шундай ёзади: “Айни бир тушунчаларни номлашдаги луғавий вариантдорликнинг рўёбга чиқиши фан тилини яратишнинг илк даврида уч асосий кўринишида бўлиб ўтади: тилда айни бир тушунчани ифодалаш учун турли тиллардан ўзлаштирилган бир неча сўз қўлланганда; (ўзлаштирувчи) тилда ўзлашма сўзга тенг келадиган сўз мавжуд бўлганда; ўзлашма сўз пайдо бўлиши билан маъно жиҳатдан унга тенг бўлган русча сўз махсус ҳосил қилинганда”.

Айни шу ҳолатни ўзбек тилининг иқтисодиёт терминологиясида ҳам кузатиш мумкин. Аввало, ўтмишдаги айрим иқтисодий тушунчаларни ифодалаб келган лексемалар синонимиясига еътибор берайлик., Алишер Навоий асарларида қатор иқтисодий терминлар қўллангани ва уларнинг баъзилари синонимик характерда эканлиги маълум бўлди. Қуйидаги мисоллар шундан далолат беради: *манфаат-фойда-даромад, сармоя-давлат-бойлик-маблағ; дастмузд-иш ҳақи-маош; савдопеша-савдогар-савдогарчилик, нафақа-маош-ҳаражат, бозургон-бозорчи-савдогар, байъона-баҳо-қиймат-бай пули* ва бошқалар.

Кейинчалик, яъни ХХ асрнинг 30-йилларидан кейин ўзбек тилида, хусусан, унинг иқтисодиёт терминологиясида русча-байналмилал терминларнинг қўллани бошлаши

¹ O‘zbek tili ilmiy-texnikaviy terminologiyasini tartibga solish PrintsipLari, Toshkent, 1991.

¹ Danilenko V.P. Russkaya terminologiya, M., 1996, s.74.

биринчидан, шу терминологиянинг бойишига, иккинчидан, синоним терминларнинг кўпайишига олиб келди.

Ўша даврда нашр етилган дарслик ва луғатларда, таржима асарларда русча-байналминал терминларнинг қўлланиши натижасида синоним ва вариантдор терминлар пайдо бўлди. Масалан: *расход-даромад, коммирчиски банка-тижорат банки, пешаки ақча-аванс-бўнак, малият-налог-солиқ, подшаҳлик банкаханаси-давлат банки, бохгалтир-бухгалтир-бухгалтир, бланка-буланка-бланк, банка-банк-банк, бержа-биржа, прискурант-прейскурант, вексил-вексел, патент-патитт, кридит-кредит, бюджет-бюджет* ва б. Айтилганлардан синонимия ва вариантдорлик фақат терминологик тизимлар таракқиётининг илк босқичигагина хос экану, ҳозирги терминологияда бу ҳодиса айтарли йўқ, деган хулосага келмаслик керак, албатта. Тўғри, вақт ўтиши билан ўзбек иқтисодиёт терминологияси ривожлана ва силлиқлана бориб, маълум даражада синоним терминлардан холи бўлади.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, синонимик терминлар билан умумидабий тилдаги синонимия тушунчалари ўртасида катта фарқ бор.

Синонимия нутқнинг бадиий, публицистик услублари учун жуда қўл келади, ёзма ва оғзаки нутқни бир хил такрорлардан озод қилади. Бироқ, бундай синонимия терминология учун фойдасиз бир ҳолдир. Синонимия терминлар, биринчидан, киши хотирасига ортикча юк бўлиб тушади, чунки кўплаб тушунчаларни ўзлаштириш билан бирга уларни англатувчи янада кўп терминларни еслаб қолишга тўғри келади, иккинчидан, уларнинг мавжудлиги натижасида маъно жихатдан бир-биридан фарқланиш хавфи туғилади.

Терминологияда, жумладан иқтисодиёт терминологиясида синонимия хилма-хил объектив ва субъектив сабаблар натижасида юзага келади. Юқорида терминологик синонимияни келтирувчи уч ҳолат, бинобарин, терминологик синонимиянинг уч кўриниши ҳақида В.П. Даниленконинг фикрини келтирган едик. Ана шу уч ҳолатни терминологик синонимияни, шунда ҳам луғавий (лексик) синонимияни вужудга келтирувчи объектив ҳолатлар деб кўрсатиш мумкин. Бу жараёнда субъектив ҳолат еса, кўпинча, айрим муаллифлар ва таржимонларнинг термин яратишда у ёки бу аффиксларни ўринсиз қўлланиши, бирикма терминлар таркибий қисмларини танлашдаги хатоларидан иборат бўлиб, бундай интилишлар натижасида грамматик синонимлар-вариантлар юзага келади.

Ўзбек иқтисодиёт терминологиядаги синонимиянинг хилма-хил кўринишларини баргараф етиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим.

Луғавий (лексик) синонимия.

Ўзбек иқтисодиёт терминологиясида тез-тез учраб турадиган бу хилдаги синонимияни, ўз навбатида, яна бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин: а) асли ўзбекча (умумтуркий) сўзларнинг ўзаро синонимияси; б) шундай терминлар билан форс-тожикча ёки арабча, ёхуд русча-байналмилал лексемаларнинг синонимияси. Бироқ, бу ўринда масалани биров умумлаштириш мақсадида, асли ўзбекча, форс-тожикча ҳамда арабча терминларнинг ўзаро синонимиясини бир гуруҳ деб ҳисоблаб, ана шу гуруҳ билан русча-байналмилал лексемалар синонимиясини иккинчи гуруҳга ажратдик.

Ўзбек тили луғавий таркибининг асосини ташкил етувчи асли ўзбекча, форс-тожикча, арабча лексемалардан иборат иқтисодий терминлар синонимиясини дарслик ва қўлланмаларда, луғатларда ва бошқа манбаларда бот-бот учратиб туриш мумкин. Фикримизнинг далили учун айрим мисолларни келтирамыз: *фойдахўр-чайқовчи, назоратчи-текиширувчи, харидор-буюртмачи, қарздор-насиядор, харидор-мижоз, пул-ақча, битим-шартнома, чоракор-коранда, даромад-кирим, ҳаражат-чиқим, сарф-ҳаражат-чиқим, сармоя-маблаг, мезон-ўлчов-белги, бошқарма-маҳкама, уюшма-бирлашма, устама-қўшимча*. Яна қуйидаги мисолларга еътибор берайлик:

Бозордаги ҳар бир битимда бир-бирига боғлиқ икки хил алоқани кўриш жуда муҳим-дир (Иқ. Н,67).	Ишга ёллаш шартномасини диққат билан кузатганда бир қатор белгилари кўринади (Иқ.Н.,161).
Даромадлар (фойда) ёки бошқа солиққа тортиш объектларини яширин ҳоллари аниқланганда қонун ҳужжатларига мувофиқ суриштирув ўтказиш. (Молия, 48-б).	Фирма ишидаги режалаштиришда маҳсулотнинг уч тури фарқланади... -фирма учун янги, лекин бозор учун янги бўлмаган товар (Иқ.Н, 114).
Корхона ўз маҳсулотини сотадиган баҳо билан унинг таннарих ўртасидаги фарқ корхонанинг соф даромадини ташкил қилади. (ИН, 144).	
Истеъмолчи (харидор) . . . енди бозор иқтисодиёт шаротида ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи (харидор) ўз измини ўтказади. (БИНА, 50-б).	

Аслида ўзбекча-форс-тожикча ёки арабча лексемалар қаторига бир асосли (туб ёки ясама) терминлар билан бирикма терминларнинг ҳам синонимик муносабатга ега бўлиши мумкинлигини қуйидаги мисоллар тасдиқлай олади: *савдогар-ишбилармон воситачи, даромадлик-даромад келтириши, молия-пул маблағи, тушим-савдодан тушган пул, ваколатнома-ишонч қогози, омонатчи, омонат пул қўювчи, корчалон-олғир саноатчи, фойда-текин даромад, нафақа-ёрдам пули, истеъмолчи-истеъмол қилувчи, яканчи-майда савдогар, харидор-сотиб олувчи, мулкдор-мулк егаси.*

Мазкур пулга товарлар ва хизматлар сотиб олингач, у фирманинг пул тушумига (даромадига) айланади (ИК,295).	Бозор иқтисодиётидаги даромадлар тенгсизлигининг икки жиҳати бор (Иқ. Н, 437).
--	--

Терминларнинг бу хилдаги синонимиясини биринчи навбатда, уларнинг умумдабий тилда баб-баравар ишлатилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Чунки, бундай синонимик қаторни ҳосил қилувчи терминлар асли ўзбекча, форс-тожикча ёки арабча бўлишидан қатъий назар, асрлар давомида умумхалқ тилида ишлатилиб келинган. Шунингдек, мазкур терминлар ишлатилган тилларда сўзлашувчи халқлар узоқ йиллар давомида ёнма-ён, ҳатто аралаш ҳолда яшаганлиги ёки яқин алоқада бўлганлиги туфайли ҳам айрим шу турдаги синонимиянинг турғунлашувиغا олиб келган, деб ҳисоблаймиз.

Синонимик терминлар ҳосил бўлишининг сабабларидан яна бири ўзбек тилида аввалдан қўллаб келинган луғавий бирликнинг русча-байналмилал терминлар билан параллел қўлланишдадир. Муайян бир тушунчани ифодалаш учун бир вақтнинг ўзида ҳам миллий, ҳам байналмилал терминлардан фойдаланиш нафақат ўзбек иқтисодиёт терминологияси учун, балки барча тилларнинг терминологик тизимлари учун ҳам умумий ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун синонимиянинг бу турини ҳам бирданига бартараф етиб бўлмайди.

Миллий (ўзбекча) ва байналмилал иқтисодий терминларнинг луғавий синонимик қаторида ҳам юқоридагидай ҳолатни, яъни, биринчидан, бир асосли (туб ёки ясама) терминлар доирасида ҳам мавжуд эканлигини қуйидаги мисоллар билан далиллаш мумкин: *ислоҳот-реформа, солиқ-налог, иқтисодиёт-экономика, иқтисодчи-экономист, рухсатнома-лицензия, қарздор-дебитор, маблағ-капитал, воситачи-дистрибутер, фоиз-процент, қарз-кредит, ҳисобчи-бухгалтер. Мазкур товарларнинг ўринбосари қанчалик кўп бўлса, шунчалик талаб ўзгарувчан (эластик) бўлади (БИНА, 51-б). Улар ўртасида ваколатга ега бўлган брокерлар-маклерлар (даллоллар) воситачилик қилади (БИНА, 16-б). Корхона маълум бир*

хилдаги маҳсулотни реализация қилди ва натижада, корхонанинг ҳисоб-китоб рақамига тушум (виручка) келиб тушиди (Молия, 13-б). Мамлакатдаги клиент (мижоз)лардан ажраб қолмаслик учун баҳони туширишига (пасайишига) интиладилар (БИНА, 156-б).

Иккинчидан бирор компоненти ўзбекча терминлар (форс-тожикча ёки арабча бўлишидан қатъий назар), бошқа компоненти еса байналмилал бўлмиш бирикма терминлар синонимияси ҳам кенг тарқалганки, буни қуйидаги мисоллар билан тасдиқлай оламиз: (акциядорлар ширкати - ҳиссадорлар ширкати, пул капитал - пул сармоя, инфляция курси - пулнинг қадрсизланиш курси) ва б. Тартибсиз бозор, стихияли бозор. . . . Бир маҳсулот ишлаб чиқаришига кетадиган ресурсларнинг бошқа маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланиши муқобил (алтернатив) харажатлар дейилади (БИНА, 53-б). . . . Бозор иқтисодиётининг баъзи бир унсурлари ески традицион (анъанавий) иқтисод бағрида униб чиққан ва ривож топган бўлади (БИНА, 77-б).

Шуниндек, русча-байналмилал терминларни таржима қилиш, яъни калкалаштириш натижасида ҳам терминологик синонимиянинг аралаш тури юзага келади. Масалан: кредитор - қарз берувчи, вексел - қарз бериш, бизнесмен-уста савдогар- ишбилармон, бракераж - мол назорати, облигация - қимматли қозғоз, арбитраж - ҳакамлар суди, дилер- ишбилармон воситачи савдогар, кредит-ажратма маблағ, инфляция-пулнинг қадрсизланиши, аукцион - кимошди каби. . . . унинг бозор иқтисодиётига трансформацияси (айлана бориши) орқали юз берган (БИНА, 74-б).

Маълумки, рус тили XX асрнинг 60-70 йили мобайнида собиқ иттифокдаги миллий тиллар замонавий терминологик тизимларининг шаклланишида ўзининг каттагина таъсирини кўрсатиб келди.

Бу жараён маълум маънода мажбурийлик тартиби асосида амалга ошган бўлса-да, унинг ижобий томонлари ҳам мавжуд эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Чунки, рус тили ва у орқали Европа тилларидан ўзбек тилига ўзлашган кўплаб байналминал терминлар янги тушунча сифатида қўлланиши натижасида ўзбек илмий терминологияси ҳам анчагина бойиди ва унинг узвий қисмига айланиб қолди.

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясида баъзи русча-байналминал терминларни айнан, таржимасиз қўллаш айрим ҳолатларда ўзини оқлаб келди. Бироқ она тилимизда уларнинг аниқ муқобиллари бўлгани ва улар айнаи бир иқтисодий тушунчани аниқ ифодалаб келгани ҳолда ҳадеб байналмилал терминларни амалиётга киритавериш ҳақли еътирозларни келтираб чиқарди. Бой ёзма адабиётга ега бўлган тилларда қўллаб келинган ва кўп тилларда байналмилал тилларнинг муқобили сифатида ишлатилиши мумкинлиги аёнлашганда тилнинг ички имкониятларидан тўла фойдаланиш ва тегишли терминларни таржима қилиш тўғри йўл эканлиги илмий адабиётларда алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Аниқроқ қилиб айтилганда, қатор байналмилал терминларнинг қўлланишини маъқуллаганда, ўзбек тилининг тарихий анъаналарини ҳисобга олганда, ўзбек тилининг тарихий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, терминологияни тартибга солиш ишларини йўлга қўйиш лозим бўлади, яъни маълум тушунчани ифодалашда миллий ва байналмилал атамаларнинг ҳар иккаласи ҳам терминологик талабларга тенг жавоб берган ҳолларда миллий терминнинг ўзини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Аксинча, синонимик қатордаги ўзбекча термин кўп асосли, яъни бирикмалардан иборат бўлса ёки тушунча тўғрисида чалқаш, нотўғри фикр туғдирса, бундай ҳолларда, албатта, байналмилал термин-афзалликка ега бўлади ва уни илмий термин сифатида тан олиш керак.

Юқоридаги каби ўзбекча ва байналмилал терминлар ўзаро синонимиясига бир қанча мисоллар келтириш мумкин: ҳисобчи-бухгалтер, қарздор-дебитор, сўровнома-анкета, ижара-аренда, тақчил-дефицит, солиқ-налог ва б. каби синонимларнинг бирини танлаб олиб бошқасидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир. Айнаи шундай ҳолатларда, бизнингча, бу синонимлардан биринчиларини иқтисодий термин сифатида бемалол қўллавериш мумкин. Улардан кўпининг тегишли манбаларда иқтисодий маънода қўлланаётганлиги ҳам шундан далолат беради. Фикримизнинг далили учун айрим матнли мисоллар келтирамиз: Солиқлар- давлатнинг корхона ва ташкилотлардан ҳамда аҳолидан ундирадиган пул маблағидир. Солиқ

икки вазифани ўтайди (Иқ,Н, 90). *Ижара шартномаси ижарага берувчи билан ижарага олувчининг муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади* (ҲА, 61).

Луғавий синонимиянинг яна бир кўриниши битта асосли (туб ёки ясама) лексемалардан иборат терминлар билан бирикма терминларнинг параллел равишда қўлланишидир. Бундай синонимия, биринчидан, ўзбек тилида аввалдан қўлланиб келган иқтисодий термин ёки шу маънода қўлланаётган лексеманинг мазмунини конкретлаштириш учун фойдаланиш оқибатида келиб чиққан. Масалан: *маҳсулот-савдо маҳсулоти, танга-майда пул, ҳаражатлар-қўшимча чиқимлар, нафақа-ёрдам пули, яканча-майда савдогар, харидор-сотиб олувчи*.

Иккинчидан, ўзбек иқтисодиёт терминологиясига кирган ва кириб келаётган русча-байналмилал терминларни изоҳлаш ёки, аксинча, уларнинг ўзбек тилидаги калкаларини тушунтиришга интилишдан ҳам ўзига хос синонимлар пайдо бўлади. Масалан: *менеджер-уддабурон иш бошқарувчи, бизнесмен-уста савдогар, бракераж-мол назорати* ва б. Бундай ҳолатларда русча-байналмилал терминларнинг ўзи қўлланишини маъқул деб биламиз.

Ўзбек тилидаги иқтисодий терминлар синонимиясининг юқорида кўриб ўтилган турлари бевосита ёки билвосита луғавий (лексик) синонимияга алоқадор.

Яна бир масала, морфологик, яъни сўз ясовчи қўшимчаларнинг қўлланиши билан боғлиқ синонимлар¹ нинг айрим кўринишлари ва уларни бартараф қилиш йўллари ҳақида фикр юритамиз.

Грамматик (морфологик) вариантлар. Ўзбек иқтисодий терминларининг луғавий услубий синонимлардан ташқари сўз ясовчи қўшимчаларнинг ўринли ёки ўринсиз ишлатилиши натижасида вариантдор терминлар пайдо бўлади. Бундай вариантдорлик содда, ясама ҳамда қўшма терминларнинг ёки бирикма терминлар аниқловчи қисмининг тенг маъноли хилма-хил аффикслар билан шакллантирилиши туфайли юзага келади.

Маълумки, XX асрнинг 20-30 йилларида рус тили миллий тиллар замонавий терминологик тизимларининг шаклланишида етакчи ўрин тутиб келди. Бироқ лексема ўзлаштиришнинг маълум қонун-қоидалари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги боисдан ўша даврларда ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясида ҳам русча-байналмилал терминларни хилма-хил тарзда шакллантиришга мажбур бўлинган еди. Бундай ҳолат еса бир тушунчани ифодаловчи терминларнинг ҳар хил кўринишларга ега бўлиб қолишига олиб келди. Мисоллар келтирамиз: *бохгалтир-бохгалтир, бохгалтерия-бухгалтерия, банкавай белат-банк билети, прискурант-прейскурант, бюджет-бюджет, расхот-расход, курс-курс, банка-банк, бержа-биржа, бланка-буланка-бланк* ва бошқалар.

Қайд етиш лозимки, ҳозирги босқичда бу хилдаги вариантдорликка чек қўйилган, яъни русча-байналмилал терминлар айни қатор тилдагидай ёзиб келинмоқда .

Баъзи ҳолларда морфологик усулда, яъни аффиксларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган бир асосли лексемалар ёнида шу асос иштирокида ҳосил қилинган бирикмалар пайдо бўлиб қоладики, бу ҳам ўзига хос синонимияни юзага келтиради. Фикримизнинг далили учун айрим мисоллар келтирамиз: *мулкдор-мулк егаси, истеъмолчи-истеъмол қилувчи, арзонлаштириш-арзон нархда сотиш, савдогар-савдо қилувчи, бозоргир-бозори чаққон, нақдина-нақд пул, банкчи-банк егаси, даромадлилик-даромад келтириш* ва б.

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясида сўз ясовчи аффиксларни ўринли ёки айрим ҳолларда ўринсиз қўллаш натижасида ҳам кўплаб вариантдор терминлар бўладики, бу хилдаги вариантдор терминлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: *савдогар-савдо пеша, ишчан-ишбилармон, даромадлилик-сердаромадлик, чегирини-чегирма* ва бошқалар.

Баъзи ҳолларда русча-байналмилал аффикслар билан ўзбекча аффикслар тенг қўлланиши натижасида ҳам вариантдорлар ҳосил бўлади: *банкчи-банкир, бизнесчи-бизнесмен, акциядор-акционер*.

¹ Terminologiya masalalariga bag'ishlangan ayrim ishlarda sinonimlarning bu turini variantlar deb atalgan. Q:O'zbek tili ilmiy-texnikaviy terminologiyasini tartibga solish Printsipalari, T., 1991.

Юқорида иқтисодиёт терминологиясида бирикма терминларнинг ўрни ҳақида батафсил сўз юритилган еди. Шуниси ҳам борки, бу каби терминлар аниқловчи компонентининг асоси бир хил бўлса-да, хилма-хил қўшимчалар билан шаклланиши мумкин. Пировардида айни битта тушунчани ифодаловчи икки ёки ундан ортиқ вариантдор бирикма терминлар юзага келади. Масалан: *нархсиз рақобат-бенарх рақобат, нотариф тўсиқлар-тарифсиз тўсиқлар, акционерлик сертификати-акциядорлик сертификати, мерос ҳуқуқи-меросхўрлик ҳуқуқи, биржавий курс-биржа курси, шибай ши-шибайли ши* ва б.

Баъзи иқтисодий терминларни қўллашда ҳам ортиқчаликка (плеоназм) йўл қўйиш натижасида синонимлар пайдо бўлади: *ислоҳ-ислоҳот, қарз-қарздорлик, бартер-бартер келишуви, бож-бож пули, интеграция-иқтисодий интеграция* ва б.

Шунингдек, бирикма терминлар вариантдорлигининг яна бир кўриниши борки, бунда бирикма таркибидаги лексемаларни, биринчидан от+от модели асосида, иккинчидан сифат+от моделига биноан шакллантиради. “Ишбилармон луғати”дан олинган қуйидаги мисоллар шундан далолат беради: *биржа фирмаси-биржалли фирма, даромадларни индекслаш-даромадлар индексацияси* кабилар.

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясида юқорида кўриб ўтилган луғавий синонимия, грамматик (морфологик) ва вариантдорлик, имловий чалкашликларнинг мавжудлигини, умуман терминологик тизимлар бўйича илмий тадқиқот ишларнинг камлиги, тегишли фан мутахассислари билан тилшунослар ўртасида алоқанинг йўқлиги, терминологик луғатлар нашр етишнинг қониқарли емаслиги, ва енг муҳими, терминларнинг ясалиши, қўлланиш устидан назоратнинг суствлиги билан изоҳлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Қисқаси, иқтисод фани аниқ ва тартибли тушунчаларнинг ифода воситаси-терминларнинг ҳам шу тарзда аниқ ва тартибли бўлишини талаб қилади. Лекин амалда иқтисодий терминларни қўллашда муайян чалкашликларнинг борлиги кузатилади. Ўзбек тилининг иқтисодиёт терминологиясида синонимия, терминларни тўғри ёзиш сингари бир қатор ҳал қилинмаган масалалар шулар жумласидандир.

Баъзи муаллиф ва таржимонларнинг иқтисодий терминларнинг ясалиш ва қўлланиш тартибига риоя етмаслиги туфайли қайд етилган қатор чалкашликлар юзага келган деб ўйлаймиз.

Чунки, синонимия, вариантдорлик, терминлар имлосининг хилма-хиллиги терминологиядаги асосий йўналишлар-тизим ва меъёрга солиш кабилар зид келади. Терминологияни меъёрлаштириш ишида фан мутахассислари билан тилшуносларнинг ҳамкорлиги яхши натижалар бериши мумкин.

Таянч сўз ва иборалар:

1. Синонимия
2. Омонимия
3. Полисемия
4. Терминологик тизим
5. Тартибга солиш
6. Терминга қўйилган талаб
7. Ягона маъно
8. Синоними йўқ
9. Луғавий синонимия
10. Грамматик синонимия
11. Вариантдор терминлар
12. Русча-байналмилал терминлар
13. Туб термин
14. Ясама термин
15. Бир асосли лексема
16. Бирикма терминлар

Такрорлаш учун саволлар:

1. Терминлар қандай қоидалар асосида юзага келади?
2. Терминларни тартибга солишга кимлар раҳнамолик қилиши керак?
3. Терминларнинг синонимияси деганда нимани тушунасиз?
4. Терминлар синонимиясининг зарари нималардан иборат?
5. Туб ва ясама терминларнинг қабул қилинишида фарқ борми?
6. Терминларни тартибга солишга тўсқинлик қилаётган сабабларни биласизми?

6-мавзу: Иқтисодиёт тилининг хусусиятлари ва таржима муаммолари

РЕЖА:

- 1. Таълим ва иқтисодиёт.**
- 2. Иқтисодиёт тилининг асосий хусусиятлари**
- 3. Иқтисодиёт лексикаси ва таржима**

Ўзбекистон мустақилликка еришгандан сўнг мамлакатимизда чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бошлаб юборилди. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида хусусий мулк ҳамда тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ислохотлар тақдири еса юқори малакали мутахассисларга боғлиқдир.

Етук мутахассислар тайёрлаш тизимини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” муҳим аҳамият касб етмоқди.

Маълумки, бакалавр-иқтисодчи мутахассислиги учун талаба 4 йил таълим олади. У 4 йил давомида 45-50 та фандан рейтинг натижаси бўйича якуний назорат топшириши, 4-5 та курс иши, диплом иши ёзиши лозим.

Тошкент Молия институтида бакалавр-иқтисодчи қуйидаги йўналишлар бўйича тайёрланади: касб-таълими (5140900), менежмент (5340200), молия (5340600), банк иши (5340700), солиқлар ва солиққа тортиш (5340800), бухгалтерия ҳисоби ва аудит (5340900).

Юқори малакали бакалавр-иқтисодчиларни тайёрлаш еса таълим тизимига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида кадрлар тайёрлаш муаммосининг ҳал қилувчи масаласи барча босқич ўқув юртларида ўқув адабиёти билан таъминлаш еканлигини таъкидлаб ўтдилар: “таълим дарсликдан бошлананади . . . деярли барча соҳада дарсликларимиз аҳволи бугунги ва ертанги кун талаблари даражасида емас”. Шу сабабли давр руҳига мос тушувчи бозор иқтисодиёти ғояларини акс еттирувчи янги ўқув қўлланмаларни, дарсликлар ҳамда оммабоп рисоаларни яратиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Тошкент Молия институтида бу соҳада катта ишлар амалга оширилди. 1997 йилдан бошлаб “Меҳнат” нашриёти иқтисод фанлари фанлари доктори, профессор Ёрқин Абдуллаев раҳбарлигида тайёрланаётган “Иқтисод, ислохот ва молия-кредит тизими” туркумини чоп етмоқда. Туркумни тайёрлашда молия, кредит, пул, банк, солиқ, суғурта, инвестиция, қимматли қоғозлар, аудит, статистика, макро ва микроиқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби соҳасида кўп йиллик назарий тажрибага ега бўлган етакчи олимлар, мутахассислар иштирок етишмоқда. 30 та китобдан иборат бўлган мазкур туркум савол-жавоб асосида тузилган, бўлиб, уларда иқтисодий ислохотларни ривожлантириш тамойиллари, бу борада қабул қилинган фармон ва қарорлар, банклар билан бўладиган муносабатлар, солиқлар ва уларнинг ижроси хусусида сўз юритилади.

Шунингдек, ҳар бир китобдан ўрин олган тест саволларига жавоб бериш билан егалланган иқтисодий билимлар даражасини синаб кўриш мумкин.

Иқтисодиётга оид бу қўлланмаларга И.Каримовнинг “Истиқлол йўли: муаммо ва режалар”, “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Иқтисодий ислохот: масъулиятли босқич”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” ва бошқа асарлари асос қилиб олинган.

Академик М.Шарифхўжаев ва профессор А.Ўлмасовнинг “Иқтисодиёт назарияси”, М.Шарифхўжаев ва Ё.Абдуллаевнинг “Менежмент” дарсликлари, Ё.Абдуллаевнинг “Статистика назарияси”, А.Воҳобов, А.Иброҳимовларнинг “Молиявий таҳлил” дасрликлари, профессорлар А.Ўлмасов ва Н.Тўхлиевларнинг “Бозор иқтисодиёти” ҳамда “Ишбилармонлар луғати” китоблари ва бошқа адабиётларда иқтисодиётга тегиши кўплаб муаммолар акс етган. Бу адабиётлар фақатгина иқтисодий билимлар манбаи бўлиб қолмасдан, иқтисодчи

бакалаврларни маънавий, маданий, ижтимоий, инсоний ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги иқтисодий ислохотлар иқтисодиёт тилида жиддий ўзгаришлар бўлишига асос бўлаяпти. Вужудга келаётган иқтисодий тушунчалар янги иқтисодий сўз ва терминларни талаб қилаяпти. Демак, иқтисодиёт тилининг луғат таркиби тўхтовсиз равишда бойиб бораёпти. Иқтисодиёт тили ҳақида сўз юритар еканмиз тушунча, сўз, термин, бирикма ва гап ҳақида қисқача маълумот беришни лозим деб топамиз.

Тушунча моддий борлиқ, предмет ёки унинг хоссаси, ҳодиса ёки воқеанинг киши миясидаги инъикоси, умумлашган аксидир. Тушунчанинг умумлаштириш хусусияти ниҳоятда муҳим белгидир, чунки инсон тажрибаларининг умумлаштирилган натижасигина тушунчада акс этади. Тушунчанинг умумлаштириш хусусиятлари сўзда ҳам ўз ифодасини топади, чунки тушунча сўз маъносининг ядросини ташкил қилади. Сўз тилининг асосий бирлигидир, чунки у биринчидан, конкрет предметларни ёки абстракт тушунчаларни (воқеа-ҳодисалар, ҳаракат, белги, ҳолат) атайди, иккинчидан грамматик қоида-қонуниятларга таянган ҳолда гап тузиш ва фикр ифодалаш имконини беради, учинчидан, киши эмоциясини, руҳий ҳолатини ифодалайди.

Тушунча ва сўз муносабатини “бозор” лексемаси мисолида кўриб чиқамиз. Маълумки, товар айирабошлаш бозорнинг дастлабки шакли бўлган. Бозор бу алоҳида савдо-сотик қилинадиган жой. Бозор-бу олувчи билан сотувчи учрашадиган жой.

Баъзилар терминни сўзга қарама-қарши қўйишади, ҳолбуки терминни ҳам лексикология ва грамматика категориялари орқали ўрганиш терминнинг имкониятлари кенглигини тасдиқлайди. Термин сўз сингари баъзи хусусиятларга эга:

1) Полисемантик, хусусан синекдоха ва метанимия терминларда ҳам бўлади: *кредитнинг еластиклиги, ўринбосар товарлар, ўрмаловчи инфляция.*

2) Иқтисодий терминларнинг баъзиларида омонимия мавжуд: *чек, муомала.*

3) Иқтисодиёт терминологиясида синонимия мавжуд: *сармоя-маблағ, мезон-ўлчов, устама-қўшимча, қарздор-дебитор, қарз-кредит.*

4) Сўз ясовчи аффикслар, терминлар ясашда иштирок этади: *хазиначи, ҳисобчи, ундирма, тадбиркор, мулкдор, қарздор, шартнома, таъминот, божхона, мулкчилик, судхўр, меросхўр.*

Сўз бирикмаси икки ёки ундан ортиқ сўзнинг бирикишидан ҳосил бўлади. Сўз бирикмаси маъно хусусиятига кўра иккига бўлинади: 1) еркин бирикма, 2) турғун бирикма.

Еркин бирикмада иқтисодий сўзлар маъно ва грамматик жиҳатдан бирикади: *қозғоз пуллар, пул тизими, кредит карточкаси.*

Турғун бирикмада еса сўз ёки терминга кўчма маънода қўлланилади: *ўрмаловчи, инфляция, сузиб юрувчи инфляция, югурувчи инфляция.*

Иқтисодиёт лексикаси халқ тилининг бойишига, ривожланишига катта таъсир этади. Ўзбек иқтисодиёт лексикасини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Умумистеъмол иқтисодий сўзлар.

2. Иқтисодий терминлар.

Умумистеъмол иқтисодий сўзларга бозор, пул, қарз, бойлик, савдо, солиқ, пул ва шу каби ҳаммага тушунарли бўлган сўзлар киради.

Иқтисодий терминлар еса умумистеъмолдаги сўзлардан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади. Иқтисодий термин ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки хусусиятига ва вазифасига кўра кашф етилади. Иқтисодий терминнинг маъноси битта бўлади. Сўз еса бир неча маъноларда қўлланилиши мумкин. Ўзбек тилининг иқтисодий терминлари иқтисодиётнинг турли соҳаларига боғлиқдир.

Уларни ихтисосликлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Банк иши: *миллий валюта, сўм, қиймат, нарх, талон, купон, жамғарма, хазина, қозғоз пул, банкнот, вексел, чек, кредит карточкалари, пул обороти, пул массаси, пул агрегати, банк, пул тизими, металллик назарияси, миқдорийлик назарияси, пул муомаласи,*

инфляция, кредит, тижорат кредити, банк кредити, давлат кредити, халқаро кредит, кредитнинг чегаралари, лизинг, ҳисобли кредит, ламсбардли кредит, лизинг операциялари, лизинг шартномаси, кредит механизми, кредит йигиндиси, фоиз ставкаси, кредит хавфхатари, актив, пассив, фоиз маржаси, экспортли кредит, муаммоли ссуда.

2. Солиқ ва солиққа тортиш: *солиқ объекти, солиқ субъекти, солиқ манбалари, солиқ нормаси, солиқ бирлиги, солиқ ставкаси, солиқ декларацияси, солиқ сиёсати, солиқ механизми, солиқ тизими, тўғри солиқ, егри солиқ, божхона божи, давлат божи, ижара хаққи, тўлов, йиғим, даромад солиғи, фойда солиғи, аванс тўловлари, фойда, ялпи фойда, корхоналар даромади, солиқ тўловчи, қўшилган қиймат солиғи, акциз, акциз солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, аҳоли солиғи, солиқ идораси, солиқ қўмитаси, солиқ қонунчилиги.*

3. Молия: *молия функцияси, молия сиёсати, молия назарияси, молиявий назорат, молиявий ресурс, молиявий муносабат, иқтисодий муносабат, мулкий муносабат, давлат бюджети, амортизация ажратмалари, амортизация фонди, иш ҳақи фонди, рағбатлантириши фонди, тақсимлаш, тартибга солиш, пенсия фонди, бандлик фонди, молия режаси, даромад ва харажат баланси, бизнес режа, режалаштириши, хўжалик субъекти, хайрия фонди, ялпи ички маҳсулот ва бошқалар.*

Умуман иқтисодий сўз ва терминлар узоқ даврлар мобайнида яратилган лексемалардир. Маълумки ҳар қандай жамиятда иқтисодиёт муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли иқтисодиётга тегишли сўз ва терминлар аниқ, лўнда ва мантиқан асосланган бўлмоғи лозим.

Ўзбек иқтисодий терминологиясида миллийлик ва байналмилаллик масаласи мураккаб масаладир, чунки у нафақат ўзбек тилида балки бошқа тилларда ҳам етарлича ҳал қилинмаган.

Маълумки, терминни тилга қабул қилиш мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки ўзбек тилининг товуш тизими ва грамматик қурилиши термин қўлланилаётган тилниқидан кескин фарқ қилади. Шу билан бирга кириб келаётган сўз ёки термин айнан ўз маъносида бошқа тилда қўлланилмаслиги мумкин. Баъзан еса терминнинг кириб келиш жараёнида маъно ўзгаришлар рўй беради. Маълумки, терминлар бир тилдан иккинчи тилга ўтаётганида бир қатор хусусиятга кўра фарқ қилади.

Хусусан фонетик ёки товуш жиҳатидан қабул қилинаётган иқтисодий сўз ёки термин ўзбек тилининг товушларига мос бўлиши лозим. Мос келмайдиган товушлар еса тушиб қолади ёки алмашинади. Ўзбек тилига кириб келган ва келаётган иқтисодий сўзларнинг асосий қисмини рус ва европа тилларнинг лексикаси ташкил этади.

Рус тилидан кириб келаётган сўз ва терминлар оғзаки ва ёзма нутқ орқали ўзлаштирилмоқда. Олдинги машғулотларда рус тилидан ўзбек тилига ўтган иқтисодий сўзларни икки гуруҳга ажратган едик:

1. XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асргача.

2. XX асрнинг бошидан 90-йилларгача.

Мустақилликдан сўнг рус тилидан иқтисодий сўзларни ўзлаштиришда қонуний ва онгли йўл танланди. Мустақилликка қадар кўпгина иқтисодий сўзларнинг рус тилидаги ва ўзбек тилидаги вариантлари параллел қўлланилган еди:

Солиқ - налог

Иқтисодиёт - экономика

Фоиз - процент

Мустақилликдан сўнг ўзбек иқтисодий терминологиясида ўзига хос йўл тугилди.

Бу қуйидагилардан иборат:

1. Русча байналмилал иқтисодий терминлар ўзбек тилида айнан таржимасиз қўлланилмоқда: *валюта, доллар, кредит, банкнот, аккредитив, лизинг, форфетинг, либор* ва бошқалар.

2. Русча байналмилал иқтисодий терминларнинг баъзилари таржима қилинди ёки унинг ўзбек тилидаги муқобиллари қўлланила бошланди: *анкета-сўровнома, дефицит-тақчил, бизнесмен-бизнесчи, лицензия-руҳсатнома, капитал-маблағ, реформа - ислоҳот.*

Умуман байналмилал иқтисодий сўзларни ўзбек тилига қабул қилишда кўп жиҳатларни еътиборга олмоқ лозим. Иқтисодий термин ўзбек тилига кириб келаётганда унинг қуйидаги жиҳатларига еътибор бериш керак бўлади: терминнинг ўзбек тилини товуш тизимига мослигига; унинг ўзбекча муқобили бор-йўқлигига; калка ёки таржима қилиш заруриятига; иқтисодий терминнинг мазмунига; унинг содда ва равонлигига; моҳиятига ва ўнғайлигига.

Бошқа тиллардан ўзбек тилига кириб келаётган иқтисодий терминлар дастлаб мутахассислар ва атамақўм муҳокамасидан ўтмоғи, сўнгра Олий Мажлиснинг тегишли қўмитасидан тасдиқланмоғи лозим. Ана шундагина бундай иқтисодий терминлар қонуний кучга киради ва уларни бемалол қўллаш мумкин.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида тилимизга кўпдан-кўп терминлар (атамалар) кириб келмоқда. Буларнинг муайян қисми она тилимиз имкониятлари асосида ўзбекчалаштириб берилмоқда, маълум қисми еса байналмилал ўзлашма сифатида ишлатилмоқда.

Иқтисодиёт терминларининг ўзбек тилида қўлланилишида қуйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин: кўплаб терминлар тилимиз имкониятлари асосида ўзбекчалаштирилган. Бунда бир гуруҳ терминлар ўзбек тилидаги тайёр муқобиллари билан берилмоқда, маълум қисми еса таржима қилиниб ишлатилмоқда, бир қисми еса ўзбек тили қонун-қоидалари асосида ясалмоқда. Масалан: *аукцион-кимошди, маклер-даллол, коммерсант-тизжоратчи, коммиссионние вознаграждения-воситачилик ҳақи, економика-иқтисодиёт, чек на предъявителя-оқ чек, шахсиз чек, акционер-акциядор, бизнесмен-бизнесчи* ва ҳоказолар.

2. Яна бир усул дунёнинг кўпчилик мамлакатларида ишлатилиб келинаётган байналмилал терминларнинг ўзбек тилига ҳам ўз ҳолича ўзлаштирилишидир. Бу ўринда шуни таъкидламоқ зарурки, янгидан кириб келаётган терминларнинг ҳаммасига ҳам ўзбекча муқобилини топиш қийин. Шунинг учун уларнинг асосий қисми дунёнинг кўпчилик мамлакатлари тилларида бир шаклда ўз асл ҳолича ишлатилади ва бу қўлланиш дунё бизнесчилари ахборот алмашинуви учун қулай. Масалан: *аудитор, авизо, валюта, лизинг, менеджер*.

3. Терминларнинг маълум қисми турли муқобилларда ҳар хил қўлланилди. Чунончи, рус тилидаги “акционерное общество” термини ўзбек тилида *акционерлик жамияти, ҳиссадорлик жамияти, акционер жамият* каби вариантларда, “бартер” термини *мол айрабошлаш, товар айрибошлаш, мувозанат, бартер* вариантларида, “брокер” термини *брокер, даллол, келиштирувчи, битиштирувчи, воситачи вариантларида, “демтинг” термини еса демтинг, арзонга сотиш, нархни танлаш, молни четга жуда паст нархда сотиш* каби вариантлари ишлатиляпти. Албатта, бундай ҳар хилликлар соҳа мутахассисларини чалкаштиради, ахборот алмашинувини қийинлаштиради. Шунинг учун терминологиядаги асосий принцип–“бир тушунчага битта термин” ишлатилишига еришиш энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. Юқорида айтилганлардан маълумки, иқтисодиёт терминологиясида бир йўла бир неча муаммолар келиб чиқди. Унинг ечимини иқтисодчи ва тилшунос олимлар, мутахассислар, атамашунослар билан биргаликдагина топиш мумкин. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси бунга ҳисобга олиб, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти ҳамда ЎзФА Тилшунослик институти билан ҳамкорликда 1996 йил 30 октябрда “Иқтисодиёт терминларини тартибга солиш масалалари”га бағишланган илмий-амалий конференция ўтказди. Унда олий ўқув юртлиари иқтисодиёт кафедралари ва иқтисодиёт илмий мутахассислари ходимлари, тилшунослар, атамашунослар иштирок етдилар. Атамашунослик қўмитаси ходимлари иқтисодиёт терминологиясидаги вариантлик-бир тушунчани ўзбекчада турли муқобилларда ифода етиш ҳолатларини тўплаб чиқиш ва уларни “Бозор иқтисодиётига оид айрим терминларнинг қўлланиши” жадвали ҳолига келтирди. Унга ўзбек тилида турли шаклларда қўлланаётган байналмилал терминларгина киритилди. Мазкур жадвал кўпайтирилиб, конференциядан анча олдин иқтисодиётга оид олий ўқув юртлиари, илмий муассасалар мутахассисларига тарқатилди. Жадвалда қўлланаётган муқобиллардан қай

бирини танлаш мумкинлиги ҳақида Атамақўмнинг дастлабки тавсияси берилган бўлиб, олимлар ва мутахассислар таклифлари учун махсус устун очик қолдирилган еди. Илмий-амалий конференцияда олдиндан таклифлар олиниб, ўрганилди ва охириги тавсия шаклланди. Конференция давомида бу тавсиялар асосан маъқулланди, билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида янада такомиллаштирилди. Маълумки, янги таҳрирдаги “Давлат тили ҳақидаги” Қонуннинг (1995 йил 21 декабр) 7-моддасида “Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилиги муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади” дейилган. Атамақўм ана шу қоидага амал қилиб, илмий-амалий конференцияда маъқулланган иқтисодиётга оид бир гуруҳ терминларни амалга жорий этишга ижозат сўраб Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасига мурожаат этди. Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг “Ўзбек тилига янги атамаларни жорий этиш ҳақида” 1996 йил 24 декабрдаги қароридан шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Атамашунослик қўмитаси томонидан киритилган “Бозор иқтисодиётига оид айрим терминларни қўлланиш жадвали” қўмита аъзолари ва қўмита қошидаги ўзбек тилига янги атамаларни жорий этиш бўйича эксперт гуруҳи аъзолари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни (иловага мувофиқ) инобатга олган ҳолда маъқуллансин ва уни амалиётга жорий этишга розилик берилсин”. Давлат тили ҳақидаги Қонунга асосан Олий Мажлис қўмитаси томонидан маъқулланиб жорий этилаётган ушбу атамаларга матбуотда, оммавий ахборот воситаларида, турли вазирлик, қўмита ва идораларда иш юритишда амал қилиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан амалга жорий этишга розилик берилган иқтисодиётга оид терминлар руйхатидан намуналар:

Русча қўлланиши

аванс
авизо
агент
агентство
актив
акциз
акционерное общество

акцепт
акцептант
ассигнование
аудитор
аукцион
аукционист
баланс
банкротство
бартер
бизнес
бизнесмен
биржа труда
бонус
бракераж
брокер
бухгалтер
бухгалтерия
бюджет

Ўзбекча қўлланиши

аванс, бўнак
авизо
агент
агентлик
актив (бухг.)
акциз
акциядорлик жамияти
ҳиссадорлик жамияти
акцепт
акцептант
маблағ ажратиш
аудитор
кимошди савдоси
аукциончи
баланс
банкротлик
айрибошлаш
бизнес
бизнесчи
меҳнат биржаси
бонус
саралаш
брокер
бухгалтер
бухгалтерия
бюджет

валюта	валюта
валютный аукцион	валюта кимошди савдоси
вексел	вексел
гарант	кафил
гарантированный	кафолатли
генеральная лицензия	бош лицензия
гиперинфляция	гиперинфляция
“горячие денги”	“қайноқ” пуллар
грант-элемент	грант-элемент
гратификация	рағбатлантириш
дебет	дебет
дебитор	дебитор
дебиторская задолженность	дебиторлик қарзи
девальвация	девальвация
декларация	декларация
демпинг	демпинг
депозит	депозит
дефицит	тақчиллик
дефицит бюджетный	бюджет тақчиллиги
доля	ҳисса
дотация	дотация
дилер	дилер
денежные знаки	пул белгилари
заём 1	қарз
заём 2	заём
закладная	гаров ҳужжат
инкассо	инкассо
иностранная валюта	чет ел валютаси
интеллектуальная собственность	интеллектуал мулк
капитал	сармоя
капиталовложение	капитал қўйилмаси
коммерсант	тижоратчи
котировка	нархлаш
лизинг	лизинг
лицензия	лицензия
маклер	даллол
неустройка	товон
облигация	облигация
оборот	айланма
операции валютные	валюта операциялари
приватизация	хусусийлаштириш
салдо	салдо
ссуда	қарз
счет	ҳисоб
тариф	тариф
текущий счет	жорий ҳисоб

Таянч сўз ва иборалар:

1. Иқтисодиёт
2. Таълим
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури
4. Термин қабул қилиш
5. Термин яшаш
6. Термин таржимаси
7. Калка
8. Ҳиссадорлик жамияти
9. Аукцион
10. Дотация
11. Жорий ҳисоб
12. Коммерсант

Такрорлаш учун саволлар:

1. Иқтисодиётнинг тилга таъсири нимада?
2. Терминлар қандай қабул қилинади?
3. Калка нима?
4. Иқтисодий сўз ва термин ўртасидаги фарқ нимада?
5. Атамақўмнинг вазифаси нималардан иборат?
6. Терминларнинг таржима қилиш усуллари айтилинг?
7. Қачон термин қонуний кучга киради?

7-мавзу: Иқтисодиёт ва ўзбек ҳужжатчилиги

РЕЖА:

1. Иқтисодиёт ва ҳужжатчилик тарихи.

2. Ҳужжатларнинг турлари

Ўзбекистон мустақилликка еришгач иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда жиддий ислохотлар бошланди. Буларнинг ҳаммаси ёзма ва оғзаки нутқда ўз инъикосини топаяпти. Бугунги кунда иқтисодий ислохотларни жадал амалга оширишда ёзма манбаларнинг, ҳужжатларнинг роли бекиёсдир.

Ўзбек ҳужжатчилиги қадимий тарихга ега. Турли даврлардаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатлар ўзбек ҳужжатчилигига ўз таъсирини кўрсатган. Ҳозирги кунда ески туркий (ўрхун-енасой), сўғд, уйғур, араб, форс, кирилл (рус) ёзувлар битилган ҳужжатлар мавжуд.

Қадимги туркий (ўрхун-енасой) ёзувида битилган ҳужжатлар йўқ қилингани учун ҳам баъзиларигина сақлаб қолинган. Улар ҳам тошларда ёзилган.

ВИИИ асрдан бошлаб араб ёзувидаги ҳужжатларга ўтиш бошланган. ВИИИ-ХИХ асрларда арзнома, битим, ёрлик, нома, тилхат, фармон каби ўнлаб ҳужжатлар қўлланилган. Бу ҳужжатлар ўзбек, араб, форс-тожик тилларида яратилган. Иш юритиш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳукмдорларнинг сарой ва маҳкамаларида яратилган. Ўзбек хонликларида иш юритиш ҳужжатлари девонхонада амалга оширилган. Ҳужжатларни яратувчи (ёзувчи) лар мунший ёки мирза деб юритилган.

XX асрга қадар яратилган манбаларда арабча, форсча-тожикча турғун бирикма ва қолиплар билан бирга ўзбек тилига хос тартибдаги ва нутқий қолипдаги ҳужжатлар ҳам анчагинани ташкил этади. XX асрнинг 90 йилларига қадар ҳужжатчилигимиз рус тилининг тўлиқ таъсирида бўлди.

Мустақилликдан сўнг ўзбек ҳужжатчилигини давр талаблари асосида шакллантириш бўйича бир қатор ишлар қилинди. Ўзбек тилининг расмий иш юритиш услубини шакллантириш ва ривожлантиришда Н.Маҳмудов, Н.Маҳкамов, А.Мадвалиевларнинг хизмати бекиёсдир. Улар томонидан нашр етилган “Ўзбек тилида иш юритиш” китоби ўзбек ҳужжатчилигида муҳим воқеа бўлди.

Ўзбек тилида ҳужжатларнинг турлари кўп ва хилма-хилдир. Мавжуд адабиётларда ҳужжатлар қуйидагича тасниф қилинади:

1. Яратилиш ўрнига кўра:

- а) ички ҳужжатлар;*
- б) ташқи ҳужжатлар.*

2. Мазмунига кўра:

- а) содда ҳужжатлар;*
- б) мураккаб ҳужжатлар.*

3. Мазмун баёнининг матнига кўра:

- а) хусусий ҳужжатлар;*
- б) намунали ҳужжатлар;*
- в) қолипли ҳужжатлар.*

4. Тегишлилигига кўра:

- а) хизмат ҳужжатлари;*
- б) шахсий ҳужжатлар.*

5. Хизмат мавқеига кўра:
- а) ташкилий ҳужжатлар;
 - б) фармойиши ҳужжатлар;
 - в) маълумоцимон ахборот ҳужжатлари;
 - г) хизмат ёзишмалари.

Ҳужжатларни яратишда маълум қонун ва қоидаларга риоя этилади. Қуйида иқтисодиёт соҳасида кўп қўлланиладиган баъзи ҳужжатлар ҳақида маълумотлар ва намуналар берилмоқда.

Таржимаи ҳол: таржимаи ҳолнинг қўлёзма ҳолида тайёрланиши, унда қамраб олинadиган маълумотлар: муаллифнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, куни, ойи ва жойи, ота-онаси, ака-укаси, опа-сингиллари, маълумоти, мутахассислиги, ўқиган, ишлаган жойлари, жамоат ишлари, оилавий аҳволи (турмуш ўртоғи, фарзандлари) ҳақидаги маълумотлар, яшаш манзили, ёзилган сана ва имзо билан расмийлаштирилади.

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Таржимаи ҳол ўз қўли билан _____

ўзгартириш киритмасдан _____

қуйидаги саволлар асосида _____

ёритилади: _____

1. Туғилган жойи, ва йили, _____

ижтимоий чиқиши; _____

2. Қачон ва қайси ўқув юрт- _____

ларини тугатган ва маълумоти, мутахассислиги; _____

3. Қачондан мустақил иш бош- _____

лаган, бошқа ишларга ўтиб _____

ишлаганлиги ва сабаблари; _____

4. Партиявийлиги; _____

5. Қачон, қаерда ва қандай _____

жамоат ишларида ишла- _____

ган ва ким бўлиб; _____

6. Яқин қариндошларингиздан _____

судланган борми? _____

7. Чет елда қариндошларингиз _____

борми (ёки чет елдагилар би- _____

лан алоқангиз) _____

Тавсифнома: тавсифноманинг корхона ёки ўқув юрти маъмурияти томонидан бериладиган расмий ҳужжатдир. Унда тавсифланувчининг иш, ўқиш, жамоатчилик фаолияти, маънавий-ахлоқий фазилатларининг ақс етилади. Унда қайд етиладиган зарурий маълумотлар: фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, куни, ойи ва жойи, маълумоти, ишлаган лавозимлари, иш ёки ўқиш фаолияти давридаги ютуқлари, ташаббускор ва ижодкорлиги, атрофдагиларга муносабати, оилавий аҳволи, хулқ-атвори, ҳужжатни тасдиқловчиларнинг имзолари, фамилиялари ва лавозимлари, муҳр ва тасдиқланган сана келтирилади.

**Тошкент Молия институти кредит-иқтисод факултетининг талабаси,
1982 йилда туғилган, ўзбек, “Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати”
аъзоси А. Обидовга**

ТАВСИФНОМА

А. Обидов 1999 йилда Тошкент Молия институтининг кредит-иқтисод факултетига И-курсга ўқишга кирди.

Институтда таҳсил олиш даврида у интизомли, зийрак ва зукко талаба сифатида ўзини кўрсатди. Ўқув машғулотларига жиддий ёндашади ва уларни кунт билан ўрганишга ҳаракат қилади.

А. Обидов “Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати” аъзоси сифатида жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади ва илмий анжуманларда иштирок этади. А. Обидов ақл-заковат, билимдонлик талаб етиладиган ҳар қандай ишда ўзини кўрсата олади ва дадиллик билан ҳаракат қилади.

У камтарин ва тўғри сўз, дўстларига нисбатан доим ғамхўр, меҳрибон бўлганлиги учун ҳам ҳамкурслари унга ҳурмат ва еҳтиром билан қарайдилар.

Тавсифнома Тошкент Молия институти “Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси томонидан Ўзбекистон Миллий Банкига тақдим қилиш учун берилди.

Декан	(имзо)	М.Еркабоев
“КЎИХ”нинг раиси	(имзо)	Ў. Норбоев
“Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси мудири	(имзо)	Н. Ҳусанов

2004. 10.05.

(муҳр)

Ариза ва унинг турлари: ишга кириш, ишдан бўшаш, меҳнат таътилига чиқиш, ўз ҳисобидан таътил сўраш, моддий ёрдам, даволаниш ёки дам олиш учун йўлланма, фарзандини боғчага, мактабга бериш учун ёки шикоят мазмунида ёзиладиган аризалардир. Аризанинг зарурий қисмлари: ариза йўлланаётган ташкилот, раҳбар фамилияси, исми, отасининг исми, ариза матни, илова ҳужжатлар рўйхати, ариза ёзган шахснинг имзоси, фамилияси ва санаси ёзиб кўрсатилади.

**Тошкент Молия институти ректори,
академик М. Ш. Шарифхўжаевга
Тошкент шаҳар Сағбон кўчасидаги
55 уйда яшовчи О.Р.Раҳимовадан**

Ариза

Мени шу институтнинг кадрлар бўлимига котиба вазифасига ишга қабул қилишингизни сўрайман. Аризамга ўрта маълумот ҳақидаги ва операторлик курсини тугатганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни илова қиламан.

2004. 09. 10.

(имзо)

О. Раҳимова

Далолатнома: далолатнома тасдиқловчи ёки айбловчи ҳужжатдир. Унинг зарурий қисмлари: уни тузишга ваколатли ташкилот номи, тузилган сана, жой, асос бўлган ҳужжат, тузувчилар таркиби, гувоҳлар, ҳужжат матни, илова ҳужжатлар миқдори, тузувчиларнинг

имзо ва фамилиялар кўрсатилиши керак. Қабул қилиб-топшириш, буюмларни ҳисобдан ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш, бахциз ходисалар, табиий офатлар оқибатини текшириш, яшаш шароитини ўраниш, пул камодадида ва буюмларнинг етишмаслиги, савдо ва бошқа хизмат қоидаларининг бузилганда далолатнома тузилади.

**Ўз.Р. Соғлиқни сақлаш
вазирлиги Тошкент шаҳар
соғлиқни сақлаш бўлими**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент 2 - касалхо-
нанинг бош шифокори
(имзо) Е. А. Содиқов**

Далолатнома

2004 йил 20 октябр

Тошкент шаҳри

**Тошкент шаҳар 2-касалхонасидаги
юмшоқ жиҳозларни тафтиш қилиш ҳақида**

Мен, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳисобчи тафтишчиси Акмал Абдуғаниевич Абдурахмонов, Вазирликнинг 2002 йил 5 октябрдаги 403-рақамли буйруғи асосида иш кўрган ҳолда касалхонанинг бош ҳисобчиси Моҳира Икромовна Бурхонова иштирокида мазкур касалхонага қарашли ва Хамид Қобилович Исломов масъул бўлган юмшоқ жиҳозларни тафтиш қилдим.

Текширишда қуйидагилар аниқланди: барча юмшоқ жиҳоз шунингдек жун ёпинғичлар, тўшаклар миқдори ҳисоб маълумотларига мос келади.

Ўтказилган текшириш асосида қуйидагиларни таклиф этади:

1. Моддий бойликларни сақлаш ва ҳисобга олиш ишига лоқайд муносабатда бўлганлиги масъул шахсга кўрсатиб ўтилсин.

**Вазирлик ҳисобчи тафтишчиси (имзо)
Касалхона бош ҳисобчиси (имзо)
Моддий жавобгар (имзо)**

**А.А.Абдурахмонов
М.И. Бурхонова
Х.Қ. Исломов**

Маълумотнома: маълумотноманинг раҳбарлар кўрсатмаси ёки икки фуқаролар талабига кўра берилади. Шахсий маълумотноманинг зарурий қисмлари: ташкилот номи, берилган сана, тартиб рақами, маълумотнома берилаётган кишининг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг мазмунини ташкил етувчи қисқа матн, қаерга тақдим етилаётганлиги, ташкилот раҳбарининг имзоси, фамилияси ва ташкилот муҳри бўлиши керак.

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“ ___ ” _____ 200 й

№ _____

Тошкент шаҳри Х.Асомов 7-уй

МАЪЛУМОТНОМА

Берилди _____ ҳақиқат
дан ҳам Тошкент Молия институтида
_____ лавозимида

ишлайди

Маълумотнома

берилди _____

ТМИ Ходимлар бўлими бошлиғи _____

Билдиришнома: билдиришноманинг зарурий қисмлари: ташкилот раҳбари фамилияси, ҳужжат ёзаётган кишининг лавозими, фамилияси ва ҳужжат матни, илова ҳужжат ҳажми ва нусхаси рўйхати, тузувчиларнинг имзо ва фамилияси ва санаси келтирилади. Билдиришнома ташаббус, ахборот, ҳисобот хусусиятига ега, корхона доирасида ва юқори ташкилот, мансабдор шахслар номига ёзилади.

Тошкент Молия институти
ректор в.б. профессор
А. А. Вахобовга
«Ўзбек ва рус тиллари»
кафедраси м у д и р и
Н. Х у с а н о в д а н

БИЛДИРИШНОМА

Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳамда “Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонун талабларидан келиб чиқиб, Тошкент Молия институти 4-курс талабалари учун янги ўзбек алифбосидан 36 соатлик амалий машғулотни 2003-2004 ўқув йилида ўқув режасига киритишингизни сўрайман.

«Ўзбек ва рус тиллари»
кафедраси мудири

(имзо)

Н.Хусанов

2005. 25.08.

Тавсиянома: тавсияноманинг зарурий қисмлари: тавсиянома берилётган шахснинг фазилатлари, малакаси, оилавий аҳволи, маънавий-ахлоқий жиҳатларига доир тавсифий матн, тавсиянома берувчининг лавозими, исми, фамилияси ва имзоси, ҳужжат берилган санаси кўрсатилади. Бу ҳужжат корхона маъмурияти, ижодий уюшмалар, алоҳида шахслар томонидан берилди.

ТАВСИЯНОМА

Мен Тошкент Молия институти “Микроиқтисодиёт” кафедраси мудири И.Игамбердиев институти “Микроиқтисодиёт” кафедраси доценти М. Тожиевни 1991 йилдан бери яқиндан танийман, бу давр ичида доцент Тожиев иқтисодиёт соҳасида етук мутахассис сифатида танилди. Унинг бир қанча мақолалари, илмий ишлари пухталиги билан ажралиб туради.

М.Тожиев нафақат илмий соҳада, балки оилавий - ахлоқий жиҳатдан ва ижтимоий фаолият соҳасида ҳам намунали инсондир. У ўзига топширилган ишни ҳалол ва маромига етказиб бажаради. Интизоми ва принципаллиги билан жамоатда обрў қозонган, тотув оиланинг бошлиғи, институт ижтимоий ҳаётда ҳам М.Тожиев фаол иштирок этиб келмоқда.

М.Тожиевни юқоридаги сингари фазилатлари унинг ҳар қандай масъул ишни бажара олишига ишонч билдиришга асос бўлади. Шу сабабли мен и.ф.н. М.Тожиевни иқтисодиёт фанлари доктори номзодини ёқлаш учун тавсия қиламан.

(имзо)

и.ф.д. И.Игамбердиев

2004 йил 10 сентябр.

Тилхат: тилхат корхона, муассаса, ташкилот ёки бирор шахсдан пул, ҳужжат ёки қимматбаҳо нарса олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир. Тилхатнинг зарурий қисмлари: тилхат берувчи кишининг иш ёки яшаш жойи, лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, мулк егасининг иш ёки яшаш жойи, лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, тилхат евазига олинаётган нарсанинг номи, қиймати ёки миқдори, ҳужжат ёзилган сана, тилхат ёзувчининг имзоси ва фамилияси кўрсатилади.

Тилхат

Мен, Тошкент Молия институтининг хўжалик ишлари бўлимининг мудири Турдиали Дехқонов Тошкент мебел корхонасининг тайёр буюмлар омбори мудири Елшод Ҷиёсовдан институт буюртмаси асосида тайёрланган, умумий баҳоси 300000 (уч юз минг) сўм бўлган 15 дона столни қабул қилиб олдим.

2004. 18. 09.

(имзо)

Т.Дехқонов

Ишончнома (ваколатнома): ишончнома корхоналараро фаолият кўрсатиш учун бериладиган расмий ҳамда шахсий тарзда ёзилади. Расмий ишончномалар босма иш қоғозида моддий, қимматдор буюмлар олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатдир. Шахсий ишончноманинг зарурий қисмлари: ваколат берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми, ишончнома мазмуни, ишонч билдирувчининг имзоси, фамилияси, берилган санаси, ишонч билдирувчининг имзосини тасдиқловчи идора, мансабдорнинг фамилияси, имзоси, муҳр ва тасдиқланган сана кўрсатилади.

ИШОНЧНОМА

Мен, Г. Муслимова, куредошим З. Муҳиддиновага шаҳарнинг 3-алоҳа бўлиmidан менинг номимга келган 30.000 (ўттиз минг) сўм миқдоридаги пул жўнатмасини олиш учун ишонч билдираман.

2004 йил 20 сентябр

(имзо)

Г. Муслимова

Тушунтириш хати: тушунтириш хати хизмат соҳасига, иш ва вазифаларнинг бажарилишига алоқадор, иш билан боғлиқ ҳолда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, раҳбар ёки ходимнинг хатти-ҳаракатлари, ишда юз берган кўнгилсиз ҳолатларни ёзма изоҳловчи ҳужжат. Тушунтириш хати ташқи ва ички хусусиятга ега. Ички тушунтириш хатининг зарурий қисмлари: ҳужжат йўлланаётган ташкилот номи, раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, ҳужжатни тайёрлаган ташкилот номи, раҳбар ёки уни ёзувчи шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, тушунтири хатининг мазмуни, уни ёзувчи шахснинг имзоси, фамилияси ҳамда ёзилган сананинг қайд етилиши билан тугалланади.

**Тошкент Молия институтининг
ректор в.б. А.А.Ваҳобовга
“Статистика” кафедрасининг
катта ўқитувчиси С.Нодировдан**

Тушунтириш хати

Институтнинг ички комиссияси текширган пайтда (соат 14⁰⁰га якин) мен институтда йўқ едим. Чунки газета редакцияси мени босилажак мақолам таҳрири муносабати билан чақиртирган еди. Тушлик вақтидан фойдаланиб, соат 12³⁰дан 14⁰⁰гача редакцияга бордим ва мақоламни ўқиб, тўғрилаб қайтдим. Бу ҳақда кафедра аъзоларини хабардор қилиб кетган едим.

(имзо)

С. Нодиров

2004 йил 18 сентябр

Ҳисобот ва унинг турлари: ҳисоботнинг режалаштирилган иш ёки топширилган вазифа-топшириқлар, хизмат ёхуд илмий сафарларнинг якуни, натижалари ҳақида муфассал маълумот берувчи ҳужжатдир. Ҳисоботлар учун умумий ва зарурий бўлган қисмлари: сарлавҳа, ҳисобот матни, муаллифнинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, ёзилган сана, ҳисоботни тасдиқловчи раҳбарнинг имзоси, фамилияси кўрсатилади. Хизмат сафари учун мўлжалланган махсус шакли ҳисобот қоғози, унда қайд этиладиган маълумотлар, баёни ҳамда бухгалтерия ҳисоботлардир.

Шартнома ва контрактлар: шартнома ва контрактлар тузилишидан кўзда тутиладиган мақсад маҳсулот етказиб бериш, мулкӣ жавобгарлик, уй-жой, транспорт воситалари кабиларнинг олди-сотди, ҳады қилиш, алмаштириш, ижарага олиш, қарз беришда шартнома ва контракт тузилади. Контракт ва шартномаларнинг томонлар келушувига кўра расмийлаштирилишидир. Шартнома имзолангандан сўнг ташкилот, нотариал идора томонидан муҳрланиб, тасдиқланиши керак.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

1.Ташкилот

(муассаса)

(тўлиқ номи)

бундан кейин “Иш берувчи” деб номланган _____ шахси орқали

(Фамилияси, исми, отасининг исми тўлиқ ҳолда)

ва _____ бундан кейин “Хизматчи” деб номланган фуқаро _____ ушбу Шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

2. Хизматчи

(фамилияси, инициаллари)

_____ ташкилотга қарашли идоранинг ташкилий бўлинманинг _____ га _____ вазифасига ишга қабул қилинади.

_____ номи (штат жадвали бўйича вазифанинг тўлиқ номи)

3. Шартнома

_____ дир.

(шартномалар асосий иш, ўриндошлик бўйича)

4. Шартнома тури

(белгиланмаган муддатга, беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, аниқ бир ишни)

5. Шартноманинг кучини сақлаш муддати:

боши _____

охири _____

6. Синов

муддати _____

—

(синовсиз, синовнинг давомийлиги)

7. Хизматчининг вазифаси:

а) ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиш;

б) вазифавий йўриқномаларга риоя қилиш;

8. Иш берувчининг вазифаси:

а) иш ҳақини ўз вақтида тўлаш;

б) самарали меҳнат учун шароит яратиш;

9. Иш куни тартиби:

(тўлик _____ бўлмаган _____ иш _____ куни, _____ тўлик
бўлган) _____

(иш ҳафтаси, иш кунининг боши ва охири ва бошқалар)

10. Хизматчи меҳнатига ҳақ тўлаш: _____ га
белгиланади:

(хизматчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

а) _____ сўм _____ миқдорда
(ёзув билан)

Томонлар манзили ва имзолари

Хизматчи

(Ф.И.О.И.-имзо)
Манзилгоҳ _____

200__ йил _____

Иш берувчи

(Ф.И.О.И. - имзо)
Манзилгоҳ _____

муҳр 200__ йил _____

Буйруқ ва фармойиш: буйруқ ва фармойишлар мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот, муассасаларнинг кундалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатдир. Буйруқнинг асосий фаолиятга ҳамда кадрлар шахсий таркибига оид турлари бор. Буйруқларнинг махсус босма иш қоғозларига ёзилади. Уларда олдиндан чоп етилган доимий ёзув ва белгилар (герб, вазирлик, корхона номи, манзили)нинг мавжуд бўлади. Ҳар бир янги буйруқнинг расмийлаштирилиши: буйруқ чиқарилган сана, тартиб рақами, сарлавҳаси, буйруқ матни, иловалар қайди, раҳбар ва масъул кишилар имзоси (бош раҳбар, ҳуқуқшунос, ҳисобчи) кўрсатилади. Фармойишнинг буйруқдан фарқли томони унинг буюрувчи емас, тавсия етувчи, маъқулловчи, рухсат берувчи характерга эканлигидир. Унда бажариладиган вазифаларнинг муддат жиҳатдан чекланганлигидир.

Фармон, қонун, қарор: Республика Президенти, Республика Олий Мажлиси, Республика Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимликлар қабул қиладиган ҳужжатдир.

Устав, низоми ва йўриқномалар: уставнинг корхона, ташкилот, муассасаларнинг тузилиши, фаолият кўрсатиши, вазифа ва мақсадлари, ҳуқуқий ҳолатларни қамраб олувчи ҳужжатлар киради. Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти шароитида янги ташкил етилаётган турли мулк шаклидаги корхоналарнинг уставлари ва уларда акс етадиган қоидалардир. Муассаса, корхона, ташкилотларнинг ички меҳнат тартиб-қоидалари, жамғармалари, бошқарув ва бошқа органлари, ҳақ тўлаш, ишга қабул қилиш, рағбатлантириш ва бошқа соҳаларга доир низомилар киради. Қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни тушунтиришга йўналтирилган, иш билан боғлиқ лавозим йўриқномалари, асбоб-ускуна ва бошқа шу қабилардан фойдаланиш қоидаларини акс еттирувчи йўриқномалардир.

Мажлис баёни ва ундан кўчирма олиш: мажлис баёнининг бошланғич ташкилотлардан тортиб олий даражадаги йиғилишларда юритиладиган ҳужжат. Унинг зарурий қисмлари: йиғилиш ўтказилаётган ташкилот, сана, тартиб рақами, йиғилиш жойи, раис ва котиб фамилияси, иштирокчилар сони, кун тартиби, масала муҳокамаси, сўзга чиққанлар, қабул қилинган қарорлар, илова ҳужжатлар, раис ва котиб имзолари, фамилияси, айрим масалалар бўйича мажлис баёнидан кўчирма олиш тартиб қоидалари ёзилади.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
“Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси умумий мажлисининг
№ 12-сонли баённомасидан
К Ў Ч И Р М А

7 май 2005 йил

Тошкент шаҳри.

Қатнашдилар: Кафедра мудири проф. Н. Хусанов, ф.ф.д. Е.Бегматов. доцент: А.Сапаров, катта ўқитувчилар С. Шокирова, Г.Алийева, М. Қиличева, К. Акбарова, А. Каипова, Е.Хуснутдинова, Г.Мамбетова, ўқитувчилар: Р.Хўжакулова, Н.Диёрова, Г.Ахмедова.

К У Н Т А Р Т И Б И:

проф. Н.Хусанов ва доц. З.Мирахмедоваларнинг “Мутахассислик тили” ўқув қўлланмасининг муҳокамаси.

5.1. Ешитилди: проф. Н.Хусанов ва доцент З.Мирахмедовалар “Мутахассислик тили” фани бўйича қўлланма тайёрланганлиги қайд етилди. Такризчилар ф.ф.д. Е.Бегматов, ф.ф.н. Ў. Лафасов қўлланма талабга тўла жавоб бериши ва муҳим аҳамиятга ега еканлигини таъкидлашди.

5.2. Сўзга чиқдилар: Мазкур қўлланма юзасидан кафедра профессор-ўқитувчиларидан доцент С.Рўзиева, катта ўқитувчилар: А.Каипова, М.Қиличева, Е.Хуснутдинова, Р.Хўжакуловалар бир овоздан проф. Н.Хусанов ва З.Мирахмедоваларнинг “Мутахассислик тили” фани бўйича ўқув қўлланмасини ижобий баҳолашди.

5.3. Қарор қилинди: Проф. Н.Хусанов ва доцент З.Мирахмедоваларнинг “Мутахассислик тили” бўйича ўқув қўлланмаси яқунланган деб ҳисоблансин ва Тошкент Молия институти қошидаги нашриётга чоп етиш учун топширилсин..

Кафедра мудири
Котиба

(имзо)
(имзо)

проф. Н.Хусанов
З. Расулова

Ҳужжатларнинг аҳамияти: Ўзбек тилида иқтисодиётга оид мукаммал ҳужжатларни яратиш долзарб масаладир. Мукаммал ҳужжатни яратиш учун ўзбек тилининг қонун ва қоидаларидан тўғри фойдаланиш зарур. Демак, ҳар бир мутахассис ўзбек тилининг имло қоидаларини, тиниш белгиларини, услубий қоидаларини яхши билиши шарт.

Ҳужжатлар расмий муносабатларни ифодалагани учун ҳам ҳолис бўлиши лозим. Демак, ҳужжатлар тилида эмоционал тушунчаларни ифодаловчи сўзлар ва воситалар қўлланилмайди.

Ҳужжат аниқ, ихчам, лўнда ҳамда мазмунан тўлиқ бўлиши лозим.

Ҳужжатлар ўзига хос услубга ега. Ҳужжатда от ва феълга тегишли сўзлар кўпроқ қўлланилади. Синтактик хусусиятидан келиб чиқиб асосан, дарак ва буйруқ гаплар ишлатилади.

Ҳужжатлар тилида турғунлашган, қолиплашган сўз бирикмаларидан кўпроқ фойдаланилади. Масалан, буйруқда куйидагича қолиплашган тузилмалар қўлланиши мумкин:

- 1) “. . . сўм маош билан . . . лавозимига тайинлансин”;
- 2) “. . . ўз хоҳишига кўра . . . лавозимидан бўшатилинсин”;
- 3) “. . . бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан . . . лавозимидан бўшатилинсин”;
- 4) “. . . га . . . даги фаол ва самарали иштироки учун ташаккур ёлон қилинсин”;
- 5) “. . . га ўз бўлимида интизомни бўшаштириб юборганлиги учун ҳайфсан ёлон қилинсин” ва ҳ.к.

Ёки хизмат ёзишмаларида мана бундай қолиплашган сўзлардан фойдаланиш мумкин:

- 1) “Сизга . . . ни маълум қиламиз”;
“Сизга . . . ни билдирамиз”;
“Сизга . . . ни еслатамиз”;
- 2) “. . . ёрдам тариқасида . . . ”
“. . . муносабат билан . . . ”
“. . . қарорига мувофиқ равишда . . . ”
- 3) “. . . га завод маъмурияти қарши емас”;
“. . . га завод қафолат беради” ва ҳ.к.

Умуман, ҳужжатлар аҳамияти беқиёсдир. Иқтисодий ислохотларни изчил ва аниқ амалга оширишда, иқтисодиётни юксалтиришда, малакали иқтисодчиларни тайёрлашда иш юритишнинг ва ҳужжатчиликнинг ўрни беқиёсдир.

Таянч сўз ва иборалар:

1. Таълим
2. Иқтисодий таълим
3. Ҳужжат
4. Ички ҳужжат
5. Ташқи ҳужжат
6. Ҳужжатларнинг турлари
7. Ҳужжатларнинг тузилиши
8. Шакл

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ҳужжатчилик тарихи.
2. Ҳужжатларнинг иқтисодиётда тутган ўрни.
3. Ҳужжатларнинг қисмлари.
4. Ҳужжатларнинг аҳамияти.
5. Иқтисодиётга оид ҳужжатлар.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

1. БИА - Ё. Абдуллаев. Бозор иқтисодиёти асослари. Тошкент, “Меҳнат”, 1997.
2. БОИ - В.А.Чжен. Бозор ва очиқ иқтисодиёт. Тошкент, “Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси”, 1996.
3. Маркетинг - А.Солиев, А.Усмонов. Маркетинг. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1997.
4. МА - С.С.Ўломонов. Маркетинг асослари. Тошкент, “Шарқ”, 2002.
5. СТНА - Қ. Яҳёев. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Тошкент, “Фан ва технологиялар маркази”, 2003.
6. Иқ. Н. - М.Шарифхўжаев, А. Ўлмасов. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, “Меҳнат”, 1995.
7. Кредит - Ё.Абдуллаев, Т.Бобоқулов. Кредит. Тошкент, “Меҳнат”, 1996.
8. Пул - Ё. Абдуллаев, Т. Қоралиев. Пул. Тошкент, “Меҳнат”, 1996.
9. Солиқ - Ё. Абдуллаев, Қ. Яҳёев. Солиқ. Тошкент, “Меҳнат”, 1997.
10. Молия - Н. Ҳайдаров. Молия. Тошкент, “Академия”, 2001.
11. “Ҳуррият”, “Ҳамкор” газеталари, “Пул, бозор, кредит” “Мулқдор” журналлари.

Адабиётлар рўйхати:

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил етилишининг асосий принциплари” тўғрисидаги Конституциявий қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2-Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3-Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т.5.-Т.: Ўзбекистон, 1997.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, еркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
13. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: “Фан ва технологиялар маркази”, 2003.
14. Имомова Т.З., Тухватулина Л. Иш қоғозлари қандай ёзилади, -Т.: Ўқитувчи, 1992.
15. Саидов А., Кўчимов Ш. Қонун ва тил, -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” 1997.
16. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари, -Т.: Ўқитувчи, 1994.
17. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т. Пул - Т.: “Меҳнат”, 1996.
18. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари -Т.: “Меҳнат”, 1997.
19. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари, -Т.: Ўзбекистон, 1996.
20. Шарифхўжаев М., Ўлмасов А. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: “Меҳнат”, 1995.
21. Абдуллаев Ё., Бобоқулов Т. Кредит -Т.: “Меҳнат”, 1996.
22. Ҳусанов Н. “Мутахассислик тили” фанидан маъруза матнлари. -Т.: ТМИ, 2001.
23. Чжен В.А. Бозор ва очик иқтисодиёт -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1996.
24. Қиличев Е. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1992.
25. Маҳкамов Н. Адабий норма ва плионазм. -Т.: Фан, 1990.
26. Маҳмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. -Т.: Фан, 1992.
27. Хўжаев А., Нурмонов А., Зайнобитдинов С. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати. -Т.: “Сард”, 2001.
28. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Т.: 2002.
29. Солиев А., Усмонов А. Маркетинг -Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
30. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг етимологик луғати. -Т.: 2000.
31. Абдуллаев Ё., Яхёев Қ. Солиқ -Т.: “Меҳнат”, 1997.
32. Ҳайдаров Н. Молия - Т.: “Академия”, 2001.
33. Маҳмудов Н., Маҳкамов Н., Мадвалиев А. Ўзбек тилида иш юритиш. -Т.: Фан, 2001.

Кўшимча адабиётлар:

34. Қуръони карим. - Т.: Чўлпон, 1993.
35. Ал-Бухорий Абдуллоҳ... Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. Ҳадислар. 1-4-жилдлар. - Т.: Қомус, 1992.
36. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1993.
37. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. - Т.: Фан, 1968.
38. Темур тузуклари. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.
39. Улуғбек Мирзо. Тўрт улус тарихи. - Т.: Чўлпон, 1996.
40. Навоий Алишер. Маҳбуб-ул қулуб. -Т.: Фан, 1987.
41. Шомий Низомиддин. Зафарнома. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
42. Бобур З.М. Бобурнома. - Т.: Чўлпон, 1998.
43. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.- Т.: Шарқ, 1994.
44. Беҳбудий М. Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 2000.
45. Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. Авесто-маънавиятимиз сарчашмаси. -Т.: Адолат, 2001.
46. Маънавият юлдузлари. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги нашриёт, 1999.
47. Алпомиш. - Т.: Шарқ, 1998.
48. Халқ, миллий мафкура ва зиёли масъулияти. // Тафаккур, 1999, 2-сон.
49. Ўзбек тилининг имло луғати. -Т.: Ўқитувчи, 2000.
50. Бегматов Е. Нотиқнинг нодир бойлиги. -Т.: Фан, 1990.
51. Турсунов У, Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1999.
52. Комилов Н. Тасаввуф. -Т.: Фан, 1996.
53. Шомаҳмудов Ш. Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома -Т.: Ўзбек энциклопедияси бош редакцияси, 1990.
54. Мирзаев Т. Достонлар гултожи. -Т.: Фан, 1998.
55. Норматов У. Қодирий боғи. -Т.: Фан, 1994.
56. Фарзанд-азиз, она мўътабар. -Т 2001.